

ISSN 2181-8738

ВОДИЙНОМА

ОКТАБРЬ-ДЕКАБРЬ
2018 ЙИЛ
№4 (11)



МУНДАРИЖА

«ВОДИЙНОМА»

(Тарихий мерос)

Илғимий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал

2018 йил №4 (11)

Муассис: «Мерос» халқаро илмий-амалий экспедиция жамоат фонди

Ҳамкорларимиз: Андижон вилоят ҳоқимлиги, Андижон давлат университети

Бош муҳаррир:
Рустамбек Шамсутдинов

Бош муҳаррир уринбосари:
Абдулла Шаропов

Таҳрир ҳайъати:

Абдулхамид Анорбоев – т.ф.д.

Азизбек Миркомиллов – Андижон вилояти

ҳоқимияти котибияти мудир

Ақромжон Юлдашев – б.ф.д., профессор

Бахтиёр Расулов – т.ф.д.

Бахтиёр Ҳасанов – т.ф.д., профессор

Геннадий Богданович – катта ўқитувчи

Жамшид Журазода – т.ф.д., профессор

Мамбет Койгелдиев – т.ф.д., академик

Мирсодиқ Исҳоқов – т.ф.д., профессор

Наим Каримов – ф.ф.д., академик

Нуриддин Холиқназаров – Андижон вилояти бош имом-хатиби

Ташманбет Кененсариев – т.ф.д., профессор

Шухрат Ризаев – ф.ф.н., доцент

Нурмонжон Гафуров – т.ф.д., профессор

Мусахҳиҳ:

Шухратбек Қаҳҳоров

Техник муҳаррир:

Дилшодбек Ҳомидов

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2018 йил 5 июнда № 0975 рақам билан руйхатга олинган.

Нашр индекси: 170112

Нашр учун масъул: Р.Т.Шамсутдинов

Таҳририят манзили: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй.

Телефон: (99890) 253-26-32

Факс: (99874) 223-83-52.

Почта: vodiynoma@mail.ru

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими 60x84 $\frac{1}{16}$ Босма тобоғи: 13.5

Офсет босма. Офсет қоғози.

Адади: 1 000 дона.

Баҳоси келишилган нархда.

Чоп этилган мақолаларда билдирилган фикр-мулоҳазалар таҳририят нўқтаи назарига мос келмаслиги мумкин. Келтирилган факт ва рақамларнинг аниқ ва ҳолислиги учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муқова дизайни ва оригинал макет «Akademnashr NNM» МЧЖ томонидан тайёрланган. «Akademnashr NNM» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳри Чилонзор тумани

20^а-мавзе 42-уй

Ш.Қаҳҳоров, Д.Ҳомидов

Андижонда Қатағон қурбонлари хотираси музейи 2

БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ

Крематорийда куйдирилган ўзбек давлат арбоби ҳаётидан 7

БУЮК ТАРИХИЙ ШАХСЛАР

Ақмал Саидов, Люсьен Керен

Амир Темур ўзбек ва француз олимлари нигоҳида 18

РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ВА СОВЕТ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИ

Ж.Ш.Ҳайитов

Туркистонда помидор ва бошқа сабзавот экин навларининг тарқалиш тарихига доир 26

Б.Тожибоев

Фарғона ва Самарқанд қурбошилари ҳамда уларнинг фаолияти 29

ДАВРА СУҲБАТИ

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон халқининг қўшган муносиб ҳиссаси тарихини яратиш хусусида (Таҳририятдан) 33

Р.Т.Шамсутдинов

Китоб-альбомни тайёрлашга оид мулоҳаза ва таклифлар 35

Ватан сизларники бўлгани каби, меники ҳамдир 51

Боймирза Ҳайит

Туркистон Иккинчи жаҳон уруши йилларида 52

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ

А.Н.Нурматов

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолини истеъмол моллари билан таъминлаш 58

ҲУЖЖАТЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАР

Андижонда совет ҳоқимиятининг ўрнатилишига доир ҳужжатлар 67

«КАТТА ҚИРҒИН» ҚОМУСИ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР

Холботир дума ва унинг қатағон қилинган турт ўғли 73

Андижонда қатағон қилинган Трубецкойлар 80

ЭСДАЛИКЛАР, РИВОЯТЛАР ВА ЁЗИШМАЛАР

Отрывки из воспоминаний Гафура Хайдарова 94

Тоҳиржон Иминов

Украинага сургун қилинганлар тақдири ҳақида эсдаликлардан 96

АБДУЛҲАМИД ЧЎЛПОН ТАВАЛЛУДИНИНГ 120 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Б.М.Раҳмонов

«Шу ожиз ҳолимда шоирманми мен?..» 101

ТАНҚИД ВА ТАҚРИЗ

Раҳмонжон Баҳодиров

Садоқат саодати 105

Бутово қатлгоҳида отилган ўзбекистонликлар ва андижонликлар 107



АНДИЖОНДА ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИ МУЗЕЙИ

Аждодларимизнинг Ватан тинчлиги ва озодлиги йўлидаги кураши бугунги кун ёшлари учун ибрат мактабидир. Ҳар бир вилоятда Қатагон қурбонлари хотираси музейининг филиалларини ташкил қилишимиз керак. Улар университет ва институтлар қошида ташкил этилса, айти муддао бўлади. Қатагон қурбонлари хотираси бўйича мактаб дарсликлариди махсус дастур асосида ўқитиш тизимини ишлаб чиқиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев.

2017 йил 31 август

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Қатагон қурбонлари хотираси музейига ташриф буюрганида бу музей музейларнинг музейи бўлиши лозимлигини таъкидлаб, Андижонда ҳам, Қорақалпоғистонда ҳам, Хоразмда ҳам, Қашқадарёда ҳам, ҳар бир вилоятнинг марказида ёки университетнинг қошида Қатагон қурбонлари хотираси музейининг филиалларини очишимиз керак деб кўрсатган эди. Ана шу гоё асосида 2017 йил 22 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи ва ҳудудлардаги олий таълим муассасалари тузилмасида Қатагон қурбонлари хотираси музейларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги 936-сонли қарори қабул қилинди. Қарорнинг ижросини таъминлаш учун 2017 йил 28 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 869-сонли буйруғи эълон қилинди. Музей ташкил этиладиган таълим муассасаларига амалий ёрдам кўрсатадиган ишчи гуруҳи тузилди. Гуруҳ раҳбари этиб вазир ўринбосари У.Бегимқулов тайинланди. Республика ҳудудида Қатагон қурбонлари хотираси музейлари ташкил

этиладиган ҳудудлардаги олий таълим муассасалари белгиланди. Андижон шаҳрида Қатагон қурбонлари хотираси музейи Андижон давлат университети тузилмасида ташкил этиладиган бўлди.

Андижон давлат университети ректорининг 2017 йил 15 декабрдаги 01-4-сонли буйруғи билан Андижон давлат университети тузилмасида Қатагон қурбонлари хотираси музейи ташкил этиладиган бўлди ҳамда 2018 йил 3 январдаги 4-к буйруғи билан директор этиб тарих фанлари доктори, профессор Рустамбек Шамсутдинов тайинланди. 2018 йил 31 март куни Андижон давлат университети ректори томонидан музей структурасини шакллантириш, тегишли бўлимлар бўйича экспозициялар тайёрлаш учун ишчи гуруҳ таркиби тасдиқланди. Андижон давлат университети тузилмасидаги Қатагон қурбонлари хотираси музейи учун университетнинг 1000 ўринли янги ўқув биноси биринчи қаватида умумий майдони 741,8 м кв жой ажратилди. Ажратилган хона ва экспозиция заллари капитал таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, экспонат ва кўргазмали воситалар учун янги ва замонавий мебеллар ҳамда инфокиоск, видеопроектор каби техник жиҳозлар, экспозиция залларининг микроиқ-



лимини муътадиллаштириб турувчи советгич-иситгичли қурилмалар ўрнатилди. Аини дамда, музей моддий-техник базаси қаторида мазмуний-тематик томондан ҳам бойитиб борилди. Ўзбекистондаги давлат архивларида сақланаётган материаллар баробарида «Мерос» халқаро жамоат фонди ҳомийлигида профессор Р.Т.Шамсутдиновнинг Озарбайжон, Россия Федерацияси, Украина ва хорижий давлатларга уюштирган илмий экспедициялар чогида топилган юртимиз, халқимиз тарихига доир қимматли материаллар билан бойитилди. Жумладан, 1920 йил сентябрь ойида Бокуда ўтказилган Шарқ халқлари 1-қурултойи ва унда қатнашган ватандошларимиз ҳақидаги тарихий ҳужжатлар ва кинохроник материаллар, Россиядаги «ДмитЛаг»даги ўзбек маҳбусларининг канал қурилишидаги иштироки ҳақидаги ҳужжатлар ва фотосуратлар, канал қурилгач, Москва яқинидаги «Бутово полигони»да қатл этилганлар билан боглиқ архив маълумотлари, фотосуратлар, 1937 – 1938 йиллардаги «Катта қиргин»даги оммавий қатагон қурбони бўлган юртдошларимиз қисмати, қулоқлаштириш кампанияси даврида Украинанинг Херсон области Голопристан, Каховский, Скадовский районларига, Шимолий Қозогистоннинг Қараган-

да, Шортанди, Кокчетав деган жойларига, Ўрта Осиёнинг ички чўл-дашт районларига сургун қилинган «қулоқ хўжаликлари»нинг тақдирига доир материаллар ва бошқа қўлёзма, газета, эсдаликларда, сўнги йилларда Россияда ва бошқа чет мамлакатларда нашр этилган кўплаб янги адабиётларда мустабид тузум даврида Туркистон, Ўзбекистон халқлари бошига тушган огир, машаққатли, фожиали кунлар ва воқеалар ўз аксини топган.

Музейни тайёр ҳолга келтириш учун профессор Р.Т.Шамсутдинов раҳбарлигида январь – август ойларида олиб борилган самарали изланиш ва тайёргарлик ишлари натижасида 5 бўлимдан иборат бўлган ва 8 экспозицион зални ўз ичига олган «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи барпо қилинди. Бундай кенг кўламдаги музейни ташкиллаштиришда, айниқса, замонавий ва кўркем манзара касб этишида Андижон давлат университети ректори Акрамжон Юлдашев, молия-иқтисод ишлари проректори Сувонхон Думаевнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш керак.

Музей 2018 йил 15 август куни катта тантана билан очилди. Очилиш маросимида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Қатагон қурбонлари хотираси» давлат музейи директори профес-



сор Бахтиёр Ҳасанов, Андижон вилояти ҳокими ўринбосари Серобиддин Исмоилов, Андижон давлат университети ректори А.С.Юлдашев ва кўплаб меҳмонлар, жумладан, қатагон қурбонларининг авлодлари иштирок этдилар.

Тадбирни Андижон давлат университети ректори профессор А.С.Юлдашев очиб берди ҳамда янги музей шахсан президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг тавсияси асосида яратилганини таъкидлаб, ушбу музейнинг ташкил этилиши ўтмишимизнинг ҳозиргача деярли ёритилмаган оғир ва машғум даврини ёритиб берган муҳим маскан бўлганини ва у мустақиллигимиз учун курашган минглаб аждодларимизнинг хотирасини ва пок номларини ёш авлодга етказишда катта аҳамиятга эгаллигини, шунингдек, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутишини қайд этди.

Тадбирда сўзга чиққан Бахтиёр Ҳасанов Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг тарих фанига қаратаётган эътибори кундан-кунга ортаётганини таъкидлаб, ёшларимизни тарих билан, илм билан қуроллантириб, уларнинг маънавиятини юксалтиришда янги музейнинг ўрни катта бўлишини уқтирди.

Андижон вилояти ҳокими ўринбосари С.Исмоилов ўз нутқида Ўзбекистон ривожланишнинг янги босқичига қадам қўйганини ва бунда Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг хизматлари беқиёс эканини таъкидлаб, эндиликда вилоятимиз аҳолиси ва меҳмонларини Андижон тарихи билан таништирувчи яна бир ўзига хос, юксак даражада ташкиллаштирилган музейнинг фаолият бошлаши ҳаммани қувонтири-



шини айтди ва музей ишига муваффақиятлар тилади.

Шундан сўнг музейнинг рамзий калити музей директори Р.Т.Шамсутдиновга топширилди. Тадбир меҳмонлари ва иштирокчилар музей билан яқиндан танишдилар. Музей фаолиятининг биринчи рамзий экскурсиясини, таништирув ишини Р.Т.Шамсутдиновнинг ўзи амалга оширди.

«Чор Россияси босқини ва мустамлакачилик режимига қарши Андижондаги озодлик курашлари тарихи (XX асрнинг 60-йиллари – 1917 йил)» номли биринчи бўлимда андижонликларнинг чор Россияси босқини даврида кўрсатган қаҳрамонликлари, жасорати, матонати, мустамлакачиларнинг Андижон халқи бошига солган зулм ва истибодлари, XX аср бошидан эътиборан Андижонда маънавий-маърифий ва ижтимоий-сиёсий соҳалардаги ўзгаришлар, уйғонишлар – тараққийпарварлик, жадидчилик ҳаракатининг юзага келиши суратларда, расмларда, тарихий ҳужжат ва қўлёзмаларда ўз аксини топган. Улар орасида моҳир мусавирлар томонидан ишланган Андижоннинг босиб олиниши, Дукчи Эшон қўзғолони, 1916 йил мардикорга олиш воқеалари акс эттирилган картиналар ташриф буюрганларнинг эътиборини тортмай қўймайди.

«Зўрлик билан ўрнатилган совет ҳокимияти ва унинг зулмига қарши андижонликларнинг миллий озодлик ҳаракати (1917 – 1936 йиллар)» номли иккинчи бўлимда эса зулм устига қурилган советлар ҳукмронлигига қарши миллий озодлик ва қуролли қаршилик ҳаракатлари тарихий расм ва ҳужжатлар орқали намойиш



этилган. Жумладан, большевиклар томонидан қонга ботирилган Туркистон Мухторияти, таргибот ва қатагон ишларини амалга оширган «Қизил Шарқ» поезда, озодлик учун курашган қаршилиқ ҳаракати, советларнинг жазоловчи отрядлари, қатагонга учраган ҳукумат идора ходимлари ва диний уламолар, советларнинг миллий ва диний қадриятларга қарши олиб борган сиёсати ҳақидаги стендлар ушбу бўлимдан жой олган.

Музейнинг «Коллективлаштириш, қулоққа тортиш, сургун қилиш, «Қатта террор» ва уларнинг Андижондаги фожиали оқибатлари (1929 – 1938 йиллар)» номли учинчи бўлимида советлар олиб борган коллективлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари, қулоққа тортиш ва Украина, Шимолий Қозогистонда сургунда бўлган андижонликлар қисмати, «Қатта террор»нинг бошланиши, қатагонга учраган юртдошларимизнинг ГУЛАГ лагерларидаги машаққатли меҳнати акс эттирилган. Шунингдек, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпонга бағишланган экспозицияда шоирнинг 1920 йили Боку шаҳрида ўтказилган Шарқ халқлари қурултоғидаги иштирокига доир кинохроника, СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг Чўлпонни отувга ҳукм қилгани ҳақидаги ҳужжатлар берилган.

Музей коридоридаги экспонатлар ҳам мавзу жиҳатидан советларнинг «Қатта террор» қирғини жараёни билан боғлиқ. Бу ерда Андижондан қатагон бўлган, отилган ва узоқ муддатга қамалган 1500 дан ортиқ аждодларимизнинг исми-шарифлари ва махсус архивларда сақланиб қолган маълумотлари берилган.

«Андижон советлар истибдодининг янада кучайиши ва миллий уйғонишнинг янги босқичи даврида» номли тўртинчи бўлимда сиёсий қатагоннинг энг кульминацион нуқтаси – мудҳиш 1937 – 1938 йиллардаги «Қатта қирғин»нинг Ўзбекистон халқлари тақдиридаги машъум ўрни, Сталин даври қатагонларининг давоми, бу даврда қатагонга учраган ватандошларимизнинг аччиқ қисмати расм ва ёзув материаллари билан намойиш этилган. Советлар ҳукмронлигининг кейинги йилларидаги «Пахта иши», «Ўзбеклар иши»га доир экспонатлар, Гдлян ва Иванов бошлиқ партия «десанти»нинг Ўзбекистонга хуружи ва уларнинг кирдикорлари ҳақида ҳам шу бўлимда танишиш мумкин.

«Ўзбекистон давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши ва унинг тарихий аҳамияти. Андижон вилоятининг ижтимоий, иқтисодий, маданий, маърифий равнақи, буюк бунёдкорлик зафарлари» номли бешинчи бўлимда эса Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришиши, истиқлол йилларида Андижон вилояти аҳолиси эришган ютуқлар стендларда намойиш этилган.

Санаб ўтилган барча бўлимларга инфокиоск қурилмалари ҳам ўрнатилган бўлиб, уларда бўлим мавзусига доир видеоматериаллар жамланган.

Андижон давлат университети тузилмасида мана шундай муҳташам, мавзу ва мазмун жиҳатидан давр руҳини Андижон вилояти мисолида ёритиб берган Қатагон қурбонлари хотираси музейининг юзага келишида астойдил меҳнат қилган университет профессор-ўқитувчилари ва музей ходимлари – музей директори Р.Т.Шамсутдинов, Ўзбекистон тарихи кафедраси доценти Э.Эркаев, тарих факультети декани Р.Р.Шамситдинов, Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири С.Ҳошимов, музей ходимлари Ш.Қаҳҳоров ва Д.Ҳомидов университет ректори А.С.Юлдашевнинг 2018 йил 25 августдаги 05-173-сонли буйруғи билан бир ойлик маош миқдорида рағбатлантирилдилар.

Юрт озодлиги йўлида жон олиб, жон берган, халқимиз эрки, ор-номуси, анъана ва қадриятларини ҳимоя қилишда босқинчиларга қарши мардонавор курашган ҳамда бу муқаддас мақ-



сад йўлида қурбон бўлган аждодлар ёди уларга муносиб авлодлар қалбида ҳамиша барҳаёт. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2001 йил 1 майдаги «Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги ПФ-2837-сонли Фармонига кўра мамлакатимизда мустақиллик кунини арафаси, яъни 31 август Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини этиб белгиланган. Ўтган йиллар мобайнида бу улуғ айёмда Ватанимиз мустақиллиги ва халқимиз озодлиги учун курашган ҳамда мустақил тузум қурбонини бўлган ота-боболаримизнинг порлоқ хотирасини ёд этиш анъанага айланди.

Андижонда ҳам янги ташкил этилган Қатагон қурбонлари хотираси музейида 2018 йил 31 август кунини машъум давр қурбонини бўлган аждодларимизни ёдга олиш тадбири катта тантана билан ўтказилди. Қурбонини каримдан тиловат қилинди, ўтганлар ҳақида хайрли дуолар қилинди, дастурхон ёзилиб, ош тортилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси «Миллий тикланиш» партияси Андижон вилояти кенгаши раиси Ҳамиджон Омонов, Андижон вилояти бош имом-хатиби Нуриддин Холиқназаров, Андижон давлат университети ректори Акрамжон Юлдашев, ўз даврида Андижон халқи учун ҳормай-толмай хизмат қилган меҳнат фахрийлари Абдуллажон Собиров, Абдуғани Ҳомидов, Ёқубжон Жалолов, Тоҳиржон Қобулов, қатагон қурбонларининг авлодлари, фахрли меҳмонлар, жамоат, илм-фан, адабиёт арбоблари, университет профессор-ўқитувчилари ва бошқа меҳмонлар иштирок этдилар. Ташриф буюрганларни музей экспозицияларида намоён қилинган тарихий кино-фотоматериаллар, архив ҳужжатлари, экспонатлар билан профессор Р.Т.Шамсутдинов яқиндан таништирди.

Музей меҳмонлари юрт мустақиллиги ва Ватан озодлиги йўлида шаҳид кетган, қурбон бўлган ота-боболаримиз ҳақида, собиқ Иттифоқнинг концлагерларида, қамоқхоналарида, сургун манзилларида жабр-ситам тортган

аждодларимиз ҳақида ҳамда уларнинг олиб борган курашлари, тараққийпарвар жаҳид зийлиларнинг сиёсий ва маърифий ҳаракатлари ҳақида янги, бой фактик маълумотларга эга бўлдилар.

Ушбу музей ўз фаолияти билан мамлакатимизда, айниқса, ёшларни маънавий-маърифий жиҳатдан тарбиялаш ва баркамол авлодни камол топтириш йўлида олиб борилаётган амалий ишларга муносиб ҳиссасини қўшиб, илмий-назарий ва таълим-тарбиявий соҳада ўз функциясини бажара бошлаганини кўриб беҳад хурсанд бўлдилар. Ташриф буюрганлар орасида, айниқса, қатагон қурбонини бўлган юртдошларимизнинг авлодлари ўз аждодларини эслаб, ҳозирги мустақиллик даврининг секинч ва шукроналик ҳисси билан тўлиб-тошган туйгулари сабаб кўз ёшларини яширолмадилар. Чунки улар «қулоқнинг ўғли», «ватан хоинининг фарзанди», «босмачининг боласи», «халқ душманининг фарзанди» деган огир тамгани гарданида узоқ йиллар кўтариб юрганлар. Шунинг учун бугунги озод ва обод, фаровон ҳаётимиздан миннатдорлик туйгулари билан тўлиб-тошдилар.

Андижонда Қатагон қурбонлари хотираси музейидаги очилиш ҳамда Қатагон қурбонларини хотирлаш кунини тадбирлари оммавий ахборот воситаларида Андижон вилояти телевидениесида, «Андижоннома» ва «Андижон ёшлари» газеталари ҳамда интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларда ёритилди.

Андижон давлат университети тузилмасида ташкил этилган Қатагон қурбонлари хотираси музейи, албатта, вилоят ижтимоий-маданий, маънавий-маърифий ҳаётида улкан воқеа бўлди.

Шухратбек Қаҳҳоров,
*Қатагон қурбонлари хотираси музейи
фонд сақловчиси,*
Дилшодбек Хомидов,
музей экскурсоводи



КРЕМАТОРИЙДА КУЙДИРИЛГАН ЎЗБЕК ДАВЛАТ АРБОБИ ҲАЁТИДАН

«Водийнома»да «Туркистон миллий арбобларининг қисмати» номли мақола чоп этилганди¹. Унда РКП(б) Марказий Комитетининг секретари И.В.Сталин Туркистон Компартияси Марказий Комитетининг мафкура бўйича секретари Усмонхон Эшонхўжаевга, Туркистон Компартияси Марказий Комитети секретари О.Я.Карклинга, РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси раиси И.М.Варейкисга 1924 йил 26 – 27 мартда ёзган 2 та хатида айрим «сўллар»нинг Иномжон Хидиралиев ва Абдулла Раҳимбоевдек миллий раҳбарларни асосиз равишда лавозимидан олиш учун қилаётган ҳаракат ва хуружларига чек қўйишни, Туркистонда соғлом муҳит яратиш зарурлигини, «Ўртоқ Хидиралиевдек ходимларга нисбатан бефарқ қараш жиноят ҳисобланишини таъкидлаган эди. Мазкур мақолада ўзбек миллий арбоби Иномжон Хидиралиевнинг ҳаёт йўлидан айрим лавҳалар, ҳужжат ва эсдаликлар, унинг нутқ ва мақолаларидан намуналар эълон қилмоқдамиз.

Москва. 1928 йил. 31 декабрь. Кремлнинг рўпарасидаги «Националь» меҳмонхонасида фожиа рўй берди. Таниқли давлат ва жамоат арбоби Иномжон Хидиралиев фожиали ҳалок бўлди. Бу мудҳиш воқеа муносабати билан «Правда» газетаси 1929 йил 3 январдаги сонида некролог эълон қилди.

Дафн этиш маросими комиссияси номидан «Правда» газетасининг ўша сонида қуйидаги иккита эълон босилган:

Бундан кўринадики, Иномжон Хидиралиевнинг дафн маросими шошилинич ўтказилди ва унинг жасади крематорийда куйдирилди. Дафн маросими ва унинг тафсилоти ҳақида ҳозирча бизда аниқ ёзма манба йўқ.

Аммо РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси раиси Исаак Абрамович Зеленскийнинг 1929 йил феврида бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси IV съездида «Ўрта Осиёдаги ўнг огмачилик» номли маърузаси мазмунидан И.Хидиралиев фожиаси сирлари бироз ойдинлашгандек бўлди. Маърузада И.Хидиралиев 1928 йил декабрда И.В.Сталин номига хат қолдириб ўзини отгани айтилиб, шу асосда Ўзбекистондаги ўнг огмачиликни исботлашга уринилгани бизда шубҳа уйғотди. Ўша мудҳиш нутқ Ўзбекистон Компартияси IV съезди стенограммасида бор. Аини вақтда, ушбу нутқ зудлик билан 1929 йили нашр этилган «Против правой оппозиции» (Ўнг огмачиликка қарши) материаллар тўпламидан ҳам жой олган. Съездда И.А.Зеленский И.Хидиралиев хатининг тўла матнини ўқиб беришга жўрват эта олмай, фақат кичик, ўзига маъқул

ПАМЯТИ тов. ХИДЫР-АЛИЕВА.

1 январь в Москве трагически оборвалась жизнь одного из лучших работников Узбекистана, тов. Ингоджона Хидыр-Алиева.

Тов. И. Хидыр-Алиеву было всего 38 лет. Произошло он на безвзвешанной сессии дивана Нап. Ферганской области. Детство и юность провел на хлопковых



полях, учился в русско-узбекской сельской школе. Природный ум, энергия и талантливость выдвинули его во время революции сначала на руководящую работу в Ферганской области, а в тяжёлом для вре-

мя Туркестана 1921 году он был избран председателем ЦКК Турк. ССР, возглавлявшей в ту пору борьбу с брешачами. В то же время он состоял членом Реввоенсовета Красной армии, при чём за самоотверженную работу награждён орденом Красного Знамени. Во время одной из поездок на фронт тов. И. Хидыр-Алиев был ранен, и потерял ногу.

В 1923 году тов. Хидыр-Алиев работал в Москве постоянным представителем Туркесузоблака при правительстве РСФСР. В 1924 году он работал в Лодзеве, в комиссии по переговорам с правительством Маджарщины.

После возвращения из Лодзев тов. Хидыр-Алиев был назначен и.о. директором комбината земледелия Узбекистана, а с июля 1926 года был председателем правления узбекского республиканского сельскохозяйственного банка.

Тов. Хидыр-Алиев сумел так поставить дело с.х. кредита в Узбекистане, что примери из его работы по организации общест-венности вокруг кредита, по строительству с.х. кредитных товариществ, задерживают специальное изучение и применение в других районах Союза ССР. В ноябре 1928 г. тов. Хидыр-Алиев был избран членом и.о.директора Центрального сельско-хозяйственного банка.

Л. У.

¹ Қаранг: Водийнома. 2016. №1. – Б.75 – 77.



ИЗВЕЩЕНИЯ.

Правление, членка ВМП (б) и коллектив сотрудников ЦСХБанка СССР с прискорбием извещают о смерти члена ВМП (б), члена Президиума ЦСХБанка тов. **ИНОГАНДЖАНА ХИДЫР - АЛИЕВА,** последовавшей 1 января 1929 года.

КОМИССИЯ ИЗ ПРЕДСТАВИТЕЛЕЙ ПОЛПРЕДСТВА УЗБЕКСКОЙ ССР Центрального Сельскохозяйственного Банка СССР и общественных организаций по проведению похорон товарища **Иноганджана Хидыр - Алиева** извещает, что доступ к телу скончавшегося будет происходить в здании ЦСХБанка, Куаицкая Мост, 16, до 2 час. дня 1-го января. Вынос тела в крематорий последует в 2 ч 30 м. 3 января на поминание Центр. Сел. Хоз. Банка СССР—Куаицкая Мост, 15. КОМИССИЯ.

парчалар келтириб унинг «ўнг оғмачилиги» ни ҳар жиҳатдан исботлашга ҳаракат қилгани, бизнингча, таажжублидир. И.А.Зеленский Ўзбекистонда «ўнг оғмачилик»нинг юзага келишини икки ҳолат билан асосламоқчи бўлган. Биринчи ҳолат миллий масаладаги ишчилар синфи диктатураси аҳамиятини тушунмаслик, яъни Ўзбекистоннинг иқтисодий юксалиши миллий чегараланиш натижаси бўлди деган фикрни нотўғри билиб Зеленский Ўзбекистон ҳўжалигининг юксалиши, шунингдек, Ўзбекистон Совет Республикасининг тузилиши пролетариат диктатураси, Октябрь инқилоби натижаси бўлди деб исботлашга ҳаракат қилган. Иккинчи ҳолатни асосламоқчи бўлиб И.А.Зеленский И.Хидиралиев хати устидан адолатсиз фикр юритган. Уни айнан келтириш масаланинг туб моҳиятини биров ойдинлаштириш имконини беради. И.А.Зеленский шундай дейди: «Мен яқинда олган ва ҳар қандай эътиборга лойиқ ҳужжатга тўхталиб ўтмоқчиман, чунки бу ҳужжат ўзининг ҳимоячилари, ўзига хос дунёқарашга эга бўлган системадир. Бу ҳужжат – Хидиралиевнинг ўлими олдидан қолдириб кетган хати. Унинг ўзини ўзи ўлдиришига сабаб бўлган шахсий томонлар (касаллик, жинсий хасталик ва бошқалар) бизни қизиқтирмайди. Бироқ хатда билдирилган баъзи сиёсий фикрлар диққатга сазовор. Шунинг учун ҳам диққатга сазоворки, Хидиралиев катта роль ўйнаган ва бугунги кунда ҳам катта роль ўйнаётган ходимлар қаторига киради. Хидиралиев ер ислоҳотини ўтказишга қаршилик кўрсатувчиларга асосланиб шафқатсиз кураш олиб борган ходимлар қаторига киради. Хидиралиев шундай одамлар тоифасига кирадики, партиямизда ҳали бундайлар бор ва уларнинг баъзилари ўз дунёқарашини ўзгартиришига ишончи йўқ ҳисобида. Хидиралиев охириги вақтгача ўз

дунёқарашлари билан очиқ чиқмаган эди. Бунинг устига, у пуштаги қоқилгач, юзаки равишда камбағалларни бирлаштириш зарурлиги позициясига ўтиб олганди. У бизнинг сиёсатимиз тўғрилигини номигагина тан оларди. У узоқ вақт жим юрди ва фақат ўлими олдидан қалбида асраб юрган сўзларни айтишга қарор қилди. Бу қалб сўзлари Хидиралиев билан бир пайтда партияга қирган ходимларнинг ва партиямиздан ташқарида ёки совет аппаратларида ё бизнинг совет ҳудудимизда ишлаётган кўп миқдордаги ходимларнинг фикридир. Мен унинг хатидан баъзи жойларини ўқиб бераман. Уларда, менинг фикримча, шундай масалалар ифодаланганки, бу ҳақда бизнинг баъзи ходимларимиз пинҳона ўйлайдилар-у, аммо очиқ айтишга чўчийдилар. Биринчи кўчирма: **«Мамлакат стихияли равишда руслар билан тўлиб-тошиб кетмоқда, Москва олдидан эса бу яшириляпти ва Фарғонанинг аҳолиси керагидан ошиб кетаётганлиги ҳақида гапиряптилар ва ҳоказолар».**

Хидиралиев шундай деб ёзган. Бироқ Совет ҳукуматининг душмани – Мустафо Чўқаев ҳам шундай деб ёзаяпти. Бу ҳақда баъзи миллатчи унсурлар, шунингдек, бизнинг зиёлиларимиз, партиясизларимизга мансуб бўлганлар ҳам гапиряпти, ҳатто баъзи партия аъзолари ҳам шундай ўйлайдилар.

Мамлакат руслар билан тўлиб-тошяптими ёки тўлиб-тошмаяптими?

Европалик аҳолининг оқиб келиши бизда умуман аҳолининг ўсиш даражасидан ортиб кетмаяпти. Ҳар қалай, қишлоқларда бу оқимнинг таъсири сезилмаяпти. Бироқ, менинг фикримча, савол бошқа тарзда қўйилиши керак эди. Шунинг учунким бугунги халқаро ҳўжалик ва сиёсий алоқалар системасида ҳеч бир давлат, ҳеч бир миллат бошқалардан ўзини хитой девори билан ажратиб ололмади. Савол шундай қўйилиши керак эди: Иттифоқдан аҳолининг оқиб келиши қандай характер касб этади, у ёки бу миллатнинг у ёки бу территориясини, Хидиралиевчасига айтганда, «тўлдиради»? Иттифоқимизда ҳўжалик меҳнат тақсимооти шароитида миллий ва ҳудудий чекланишлар белгиланган территорияда фақат белгиланган одамларгина яшайдиган шундай бўлинма характерида эмас, балки маъмурий-ҳуқуқий ха-



рактер касб этади. Белгиланган ҳудудий жой белгиланган миллат учунгина бириктириб қўйилган ва ўша миллатнинг ерида бошқа одамлар яшаши мумкин эмаслигини талаб қилиб бўладими? Асло. Социализм қураётган пролетар давлатида масалани бундай қўйиб бўлмайди. Буржуа давлатлари ҳам масалани бундай қўймаптилар, чунки барча буржуа давлатларида ҳам уларнинг халқаро алоқалар жараёни, халқаро хўжалик алоқалари жараёнига тортилиши туфайли аҳолининг бир қисми силжиши муқаррардир – баъзилар бу ердан у ерга, бошқалар бу ерга, баъзилар ўз ишлари бўйича, бошқалар бошқа ишлар билан боришади.

Дунёдаги йирик пойтахтларнинг миллий состави нақадар хилма-хил эканлигини ўзингиз кўриб турибсиз. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Унда биз қатор хўжалик алоқалари системасидан воз кечишимиз, яна ўша ёввойи, натурал хўжаликка қайтишимиз, автомобиль, самолёт, темир йўл каби алоқа воситаларини ман этишимиз керак бўлади. Зотан, улар ҳам инсоннинг бир территориядан бошқасига бориши, хўжалик алоқаларини ривожлантириши учун хизмат қилади.

Масаланинг магзи ҳам шу ерда, у аҳоли оқими, Хидиралиев айтгандай, «тўлиб-тошиб» қандай характер касб этади деган саволга жавоб бўлади. У эмиграция, мустамлака, босиб олиш характерига эгами ёки йўқ? Буржуа капиталистик давлатларнинг белгиланган территорияни эгаллаб олишида барча жойда ер майдонлари экспроприация қилинади, маҳаллий аҳоли эксплуатация қилинади, кўпинча маҳаллий аҳоли ёппасига қирилиб кетади ёки саваланади.

Бизда Ўрта Осиёда амалда шундай бўляптими? Йўқ. Иттифоқдаги бошқа миллат вакиллари оқими бизда Ўрта Осиёнинг Иттифоқ билан хўжалик ва маданий алоқалари асосида амалга ошяпти. Бу оқим ана шу алоқаларнинг мавжудлиги, улар далил эканлигининг амалий исботи ва таъкидидир. Бизда, шу ерда, инженерлар, врачлар, партия, совет ва хўжалик ходимлари, малакали ишчиларнинг борлиги, уларнинг келишаётганлиги иқтисодий ҳамкорлик далилининг натижасидир. Ҳамда кўп жиҳатдан хўжаликни ташкил этиш ва маданиятни ўстириш учун четдан куч жалб этиш зарурияти

натижасидир. Четдан аҳоли оқимининг келиши Ўрта Осиё республикалари хўжалик ва маданий ҳамкорлигининг ифодасидир. У Ўрта Осиё республикалари хўжалик ўсиши асосида Иттифоқ алоқаларининг мустаҳкамланишига олиб келади. Хидиралиевнинг европаликларнинг «тўлиб-тошиб кетгани» ҳақидаги саволига жавоб шундай.

Сўнгра Хидиралиев шундай ёзади:

«Ўртаҳол деҳқон қатъий норози: бундан ташқари, «тошкентликлар»нинг (иккала рангдаги) бу маҳаллий сиёсати деҳқон хўжалигининг емирилишига олиб боради; Москва олдида буларнинг ҳаммаси бошқача талқин этиляпти».

Хидиралиев шундай ёзади. Энди унинг ўртаҳоллар ҳақида қайгуриши олдида нималар ётганлигига бир назар ташлайлик. Қарайлик-чи, бу ерда ер ислоҳоти олдида бизнинг баҳоларимизнинг учқунлари йўқмикан?

Сиз биласиз, бизнинг сиёсатимиз бойларнинг эксплуатация қилиш имкониятлари чегараланишига олиб келади. Сиз биласиз, бизнинг сиёсатимиз бизда йирик эксплуататорлик хўжалиги бўлишига йўл қўймайди. Бизнинг фигура, таянчимиз камбагаллар бўлишига олиб келади ва биз муштумзўрларнинг (қулоқларнинг – Р.Ш.) тарқалишига ва бошқарув мансабларини эгаллаб олишларига йўл қўймаймиз.

Бизда деҳқон хўжалигининг емирилиши борми?

Бор! Бироқ қандай ва нима мақсадда? Муштумзўрдан камбагал ва ўртаҳол деҳқонни ҳимоя қилиш мақсадида. Биз муштумзўрни ўртаҳолнинг манфаатлари билан ёпишдек муштумзўрлик хавфини беркитишга йўл қўймаймиз. Шунинг учун йўл қўймаймизки:

«Муштумзўр совет ҳукуматини қутурган итдай ёмон кўради ва юзлаб ишчини гумдон қилишга тайёр. Агар муштумзўрлар галаба қозонишга муваффақ бўлишса, юз минглаб ишчиларни шафқатсиз равишда ўлдириб ташлардилар, помешчик ва капиталистлар бирлашиб, уларга фабрика ва заводларни қайтариб беришган ҳамда саккиз соатлик иш вақтини бекор қилишган бўлишарди».

Европада аввалги барча инқилобларда ҳам ишчиларнинг кейинчалик заифлашиши нати-



жасида муштумзўрлар инқилобдан яна монархияга қайтишга, меҳнаткашлар ҳукуматидан яна эксплуататорлар, бойлар, ишламай тишлайдиганларнинг ҳукумат бошида бўлишига келишига эришганлар. Ҳамма ерда ҳайвондай очкўз муштумзўрлар, помещчик ва капиталистлар билан ишчи ва камбагалларга қарши бирлашганлар. Ҳамма ерда муштумзўрчилик ишчилар синфидан қулоқ эшитмаган қонхўрлик билан қасос олган. Ҳамма ерда у чет эллардаги капиталистлар билан ўз юртидаги ишчиларга қарши тил бириктирган.

Ҳеч қандай шубҳага ўрин йўқ. «Муштумзўрлар совет ҳукуматининг қутурган душмани ёки муштумзўрлар ниҳоясиз кўп ишчиларни қириб ташлайдилар ёки ишчилар муштумзўрларнинг, халқнинг таловчи қисмининг меҳнаткашлар ҳукуматига қарши исёнини янчиб ташлайдилар. Уртача бўлиши мумкин эмас. Тинчлик бўлмайди: муштумзўрни помещчик, подшоҳ, поп билан ҳатто уришиб қолганда ҳам яраштириб қўйиш мумкин, ишчилар синфи билан эса ҳеч қачон».

Ильич ўзининг «Уртоқ ишчилар, биз охириги ҳал қилувчи жангга боряпмиз» брошюрасида шундай деб ёзган. Бу «охириги ва ҳал этувчи жанг» – муштумзўр ва эксплуататор билан жангдир, зеро, агар биз уларни енгиб ташласак, барча душманларимизни мажақлаб ташлаган бўламиз.

Мен Хидиралиевнинг хатини ўқиганимда хаёлимга Ильичнинг ана шу брошюрадаги сўзлари келди. Хўжаликларни бўлиб юбормаслик гоёси остида «деҳқон» манфаатларини ҳимоя қилиш гоёси билан бизга қарши курашга куч тўплашни бир кун ҳам сусайтирмаётган, Ильич айтганидай, «Совет ҳукуматини гажиб ташлашга тайёр, улар билан сулҳ ва ярашиш бизда йўқлиги, сулҳ ва ярашиш ҳеч қачон бўлмаслиги» лозим бўлган муштумзўрларни ҳимоя қилишга чорламоқчи.

Сўнгра Хидиралиев ёзади:

«Хотин-қизларни озод этишдаги билмасликлар совет ҳукумати йиллаб тўплаган обрўини йўққа чиқаряпти, шуни ёдда тутингки, уруш бўлган чоғда деҳқон бизни қўллаб-қувватламайди».

Масала жуда ҳам аниқ қўйилган.

Фақат унинг моҳияти хотин-қизларнинг озодлигида эмас. Моҳият хотин-қизлар озодли-

гига баҳо беришда эмас. Унинг моҳияти уруш бўлган чоғда деҳқон бизни қўллаб-қувватлаши ёки қўллаб-қувватламаслигидадир. Агар бизнинг котибларимиз синфий муносабатларни кўриб чиқаётганларида ва синфий сиёсатимизга баҳо бераётганларида айнан шундай: ўткир тигиз ҳолатда, имтиҳонларнинг имтиҳони бўлаётган ҳолатда деҳқонлар бизнинг ортимиздан борадиларми нуқтаи назаридан қарашлар ёмон бўлмасди деб ўйлайман.

Ҳа, бу саволга жавоб бериш керак.

Қандай?

Мана шу тўғри ва равшан қўйилган саволга тўғри жавоб бериш учун деҳқонлар билан бизнинг муносабатларимизни тарози паллаларига қўйишимиз зарур.

Тарозининг бир палласида хўжаликнинг улкан ўсиши ва фойдасининг кескин ортишини қўйишимиз шубҳасиз, албатта.

Ахир ўз олдимизга вазифа қилиб қўйиб, қисқа муддат ичида хўжалик ялпи ва товар маҳсулотини оширганимиз, ишлаб чиқариш қувватини юқори даражага кўтарганимиз далил эмасми, у ҳеч нарсага арзимайдими?

Ахир бу йил олдимизга қишлоқларимиз хўжалигини юксалтириб 45 млн пуд пахта, 2 млн гектар дон экинлари бериш вазифасини қўйганимиз ҳеч нарсага арзимайдими?

Тарозининг бир палласида ана шулар бор.

Бошқасида озодликдан норозилик, шариятга итоат қилмасликдан норозилик, муштумзўрларнинг бизнинг барча сиёсатимиздан норозилиги.

Шундай қилиб, тарозининг бир палласига тарихий имтиҳон ёнида шарият, худо, фаришта, муштумзўрларнинг норозилиги, тарозининг иккинчи палласига эса бизнинг камбагаллар учун, йўқсиллар учун қилган барча ишларимиз, хўжалигимиз, эришган ютуқларимиз қўйилади. Иккинчи палланинг биринчи палла устидан устунлигига менда ва сизларда ҳам шубҳа йўқ бўлса керак деб ўйлайман.

Биз бу ҳақда партиямиздагиларга ҳам, партиямиз атрофидагиларга ҳам, Совет Иттифоқида яшаётганлар ва унинг ташқарисидагиларга ҳам айтишимиз мумкин. Деҳқонларнинг асосий қисми, камбагал ва ўртаҳол деҳқонлар қатъий ва тулиқ биз томонда бўладилар.



Бунга қишлоқлар ва уларда яшовчи камбагал ва ўртаҳол деҳқонларнинг ишлаб чиқариш қуввати ва фаровонлигининг юксалиши кафили бўлади.

Шунинг учун ҳам деҳқонлар бизни қўллаб-қувватламайди деганлар муштумзўрлар гоёсини ифодалайди. Ўртоқлар, менинг бу масалага атрофлича тўхталиб ўтганлигимнинг сабаби, ўнг огмачиларнинг яшовчанлиги, уларга қарши зарарли кирдикорларга қарши курашимизда қўлоёқларимизни боғлаб қўйиши ҳамда улар партиямиз ва бутун совет диктатураси учун катта зарар эканлигини кўрсатмоқчи эдим».

И.А.Зеленскийнинг Хидиралиев ҳақидаги фикрларини республиканинг биринчи раҳбари Акмал Икромов, ҳукумат бошлиги Файзулла Хўжаев ҳам қўллаб чиққан. Акмал Икромов ўша қурултойдаги ҳисобот маърузасининг (1929 йил 22 февраль) «Огмачилар билан курашиш» бўлимида И.Хидиралиев хатига сиёсий, партиявий баҳо беришга уринган. Ахир Ўзбекистон руслар билан тўлиб-тошиб кетяпти деб вайсанининг ўзи миллатчилик мафкураси эмасми дея таъкидлаб, И.Хидиралиев «18 лар» аризасига қўл қўйгани, ер-сув ислоҳоти, хотин-қизларни озод қилиш, хусусий мулк эгасини сиқиб чиқариш каби соҳалар бўйича партиянинг синфий сиёсатидан бўлганларнинг биридир, ахир бундайлар партиямизда ҳозирда ҳам йўқ эмас-ку деган (Икромов А. Избр. труды. – Ташкент, 1973. Т.I. – С.67 – 68).

Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети раиси Файзулла Хўжаев ҳам юқоридаги расмий кўрсатма асосида иш кўриб, И.Хидиралиевга бўлган чуқур ҳурматиға қарамай, И.А.Зеленский фикрини қўллаб ўша қурултойдаги нутқида қўйидаги фикрларни изҳор этган: «Бу ерда ўртоқ Зеленский Хидиралиевнинг ўлиmidан кейин ёзиб қолдирган хатини ўқиб берди. Шу хатда партиянинг деҳқонларга нисбатан ўтказётган сиёсати нотўғри сиёсатдир, бизнинг сиёсатимиз натижасида ўртаҳол деҳқонлар партиямиз билан бирга бормайди ва қийинчиликлар бўлиб қолган тақдирда бу деҳқонлар бизнинг томонимизга ўтмайди дейилибди. Хидиралиевнинг бу даъвоси, менимча, қаттиқ касалликнинг асорати ёки партия сиёсатиға қилинаётган тўхматнинг натижаси бўлса керак. Бу даъво, аслини олганда, душманларимизга қўл келади ва партиямиз сиёсатиға ҳеч бир алоқаси йўқ...



Проф. Р.Т.Шамсутдинов Донск қабристонни крематорийси раҳбари билан

Қишлоқ хўжалигида ўтказилган ислоҳотлар, бунинг натижасида қишлоғимизда рўй берган социал силжишлар, биз ўтказётган хўжалик ишлари программаси камбагал деҳқонлар бизнинг мустаҳкам таянчимиз эканлигини, ўртаҳол деҳқонлар эса бизнинг ҳамма тадбирларимизга кўмаклашаётганлигини кўрсатиб турибди. Шунинг учун ҳам Хидиралиев ёзган гаплар партиямизга тўхмат эканлиги шубҳасиздир» (Хўжаев Ф. Танланган асарлар. Уч томлик. – Тошкент, 1973. Т.II. – Б.617 – 618).

Таажжубки, И.А.Зеленский шарҳлаган И.Хидиралиевнинг ўлими олдидан ёзган бу хатни мана қирқ йилдирки топишнинг иложи бўлмаётир. Москвадаги махфий давлат, партия, хавфсизлик хизмати архивларидан, Ўзбекистондаги тегишли архивлардан бу хат ҳалигача топилгани йўқ. Махфий сақланаётган Сталин номиға ёзилган хатлар орасида ҳам И.Хидиралиевнинг хати чиқмади. Бизнингча, И.Хидиралиев «Националь» меҳмонхонасида Сталинға хат ёзиб ўзини отгани ҳақидаги И.А.Зеленскийнинг фикрлари ўша вақтдаги давлат хавфсизлиги хизматининг «ижоди» бўлса керак. И.Хидиралиев тобутининг тезкорлик билан крематорийға олиб бориб куйдирилишида ҳам бир сир бўлса керак деб ўйлаймиз. Қотиллик изини йўқотиш учун мурдани куйдириш қулай бўлганға ўхшайди. Яна шуни айтиш жоизки, 70 – 80-йилларда биз Москвадаги бир қанча қабристонлар, жум-

Москва шаҳридаги Донск қабристонинг крематорийси
ҳарбий мемориали.



Москва шаҳридаги Донск қабристонинг крематорийси

ладан, крематорий архивида бўлиб, И.Хидиралиевнинг жасади қуйдирилгани ёки қайси қабристонга қўйилганини суриштирганмиз. 2018 йил мартда Москвадаги ўша крематорийда бўлиб, мутасадди ходимлардан суриштирганимизда бу идора архивида И.Хидиралиевнинг кремация қилинганлиги ҳақида из қолдирилмаганлиги маълум бўлди. Бу ҳам Хидиралиев ўлими олдидан Сталинга хат ёзиб ўзини ўзи

отганлиги ҳақидаги Зеленскийнинг фикрлари асоссизлигини тасдиқлайди.

Сталин билан Хидиралиевнинг ўзаро муносабати яхши бўлганлиги ҳақида иккита ноёб тарихий ҳужжат ва Хидиралиев суратини «Водийнома»да эълон қилган эдик. Ўшандай янги ҳужжатлардан келтиришни лозим билдик.

«Секретарю ЦК РКП(б) тов. Сталину. Прошу сделать распоряжение о выдаче мне средств для заказа протеза за границей. По наведенным справкам протез на заказ стоит 400 – 500 руб, а если иметь в виду, что надо заказать и запасный, то потребуются 400х2=800 рубль. Член РКП(б) Хидыралиев. Резолюция тов. Ксенофонтову Тов. Сталин просить выдать средств на один протез, то есть, 400 – 500 руб. 25 марта 1924 года» (РГАС-ПИ, фонд 17, опись 112, дело 529, лист 169).

«Бюро секретариата Т.т. Хидиралиеву, Донскову, Ксенофонтову Выписка из протокола №85 заседания Оргбюро ЦК РКП(б) от 26 марта 1924 год. Слушали:

38. Просьбу тов. Хидыралиева об отпуске ему средств в размере 500 руб для заказа протеза за границей. Постановили: Просьбу удовлетворить. Секретарь ЦК РКП(б)» (РГАС-ПИ, фонд 17, опись 112, дело 529, лист 168).

Ғожиали ўлимидан кейин И.Хидиралиевнинг сафдошлари, дўстлари хайрия йўли билан унинг оиласига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб турдилар. Бу ўринда у билан бирга кўп хизмат қилган Коновалов, Трухан, Немцовичнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш зарур. 1930 йил 28 майда улар ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети раиси Ф.Хўжаевга махсус маърузанома ёзиб, унда марҳум И.Хидиралиев оиласини нафақа билан таъминлаш, биратўла 500 сўм миқдорида ёрдам кўрсатишни илтимос қиладилар. И.Хидиралиев томонидан йўл қўйилган айрим нуқсон ва хатолар унинг улкан инқилобий, бунёдкорлик фаолияти олдида ҳеч нарса эмаслигини таъкидлаб, унинг оиласига, ёш қолган қизи Махфиратга, Самарқанд давлат университетига ўқиётган ўгли Ақромга моддий жиҳатдан ўта қийналаётганликлари учун ёрдам бериш зарурлигини қайд этадилар.

Илтимоснома хат Ф.Хўжаев қўлига 18 июль куни келиб тушган. Ўша заҳотиёқ уни ижобий ҳал этишга киришилган.



Ф.Хўжаев ўша куниёқ аризага мана бу визани қўйган: «Ўртоқ Мавлонбеков! Жуда ҳам тез фурсатда кўриб чиқиш ва илтимоснинг қондирилишини сўрайман».

Эртасигаёқ ЎзССР Социал таъминот халқ комиссарлиги ҳузуридаги Республика олдида алоҳида хизматларга эга бўлган шахсларга шахсий нафақа тайинлаш марказий комиссияси хатни кўриб чиқади. «Ўртоқ Хидиралиев ўлимидан кейин қолган оила аъзоларига шу йилнинг 15 июлидан бошлаб 100 сўм ҳажмида биринчи категорияли шахсий нафақа белгилансин» деган қарор қабул қилинади. Бироқ ЎзССР Марказий Ижроия Қўмитаси раиси Йўлдош Охунбобоев бошчилигида 1930 йил 1 августда мазкур масала кўриб чиқилади, бир фикрга келинмайди, масала очиқ қолади.

Бундан хабар топган Коновалов (у бу вақтда Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат комиссияси Президиумининг аъзоси, ЎзССР Ишчи-деҳқонлар инспекцияси халқ комиссарлиги коллегиясининг аъзоси эди – Р.Ш.) 1931 йил 23 сентябрда яна Ф.Хўжаев номига арзнома ёзиб, И.Хидиралиев оиласини нафақа билан таъминлаш ижобий ҳал этилмаётганини хабар қилади, Хидиралиевнинг бутун хизматларини юксак баҳолаб, бундан Ф.Хўжаевнинг шахсан ўзи ҳам воқиф эканини таъкидлайди. «1930 йилнинг июнь ойида ўртоқ Немцович, Трухан ҳамда мен томонимиздан Хидиралиев оиласини бир вақтнинг ўзида нафақа билан таъминлаш ва унга доимий нафақа тайин қилишликни Сиздан илтимос қилган эдик. Илтимосимизни қабул этдингиз ва тўппа-тўғри тегишли кўрсатма билан уни Социал таъминот халқ комиссарлигига юбордингиз. Шу муносабат билан Шахсий пенсия ва нафақа белгилаш бўйича марказий комиссия ўтган йилнинг 19 июлида Иномжон Хидиралиев оиласи (турмуш ўртоғи, ўғли ва қизи – ёш ўқувчилар)ни 1930 йил 15 июлдан биринчи категорияли 100 сўм ҳажмида шахсий пенсия билан таъминлашни лозим топди. Марказий комиссиянинг бу қарори Марказий Ижроия Қўмита котибияти томонидан тасдиқланиши вақтида «масала очиқ қолдирилсин» деган қарор қабул қилинди. Бу воқеа 1930 йил 22 августда юз берганди. Шундан бери мана икки йилча ўтмоқдаки, ҳалигача масала очиқ ҳолида турибди. Ўз

ташаббусим билан мазкур масалани аниқлашга уриниб кўрдим. Аммо муваффақиятли натижа чиқмади...» – дейилган эди хатда.

Ўшандай хат 1931 йил 10 ноябрда ҳам Ф.Хўжаев номига юборилган. У эса дарҳол: «ЎзМарказ ижроқўмига Марказ ижроқўм котиби ўртоқ Аҳмедовга. Ўртоқ Коновалов илтимосини қўллаб-қувватлайман. Ўртоқ Хидиралиев оиласига пенсия белгилаш масаласини ҳал қилишликни сўрайман», – деб резолюцияни имзолайди. Шундан сўнг Ф.Хўжаев Марказий Ижроқўм раиси Йўлдош Охунбобоевга мазмуни ва шакли жиҳатидан ўта қатъий ва кескин хат йўллаб, масалани зудлик билан ижобий ҳал этишни талаб қилади.

Натижада 1931 йил 1 ноябридан бошлаб И.Хидиралиев оиласи шахсий пенсия билан таъминланади.

Марҳумнинг ўғли Ақром, қизи Махфират вояга етгач, 1937 йил октябридан пенсия тўхтатилди, турмуш ўртоғи эса 1987 йилга қадар, умрининг охиригача пенсия олиб келди.

1937 – 1938 йиллардаги «Катта қиргин» даврида Хидиралиев номига «ватан хоини», «буржуа миллатчиси», «аксиланқилобчи» каби ёрлиқлар ёпиштирилди, унинг шахсияти қораланди. Минг афсуслар бўлсинки, қаттол замон зайли билан ноҳақликлар, бўҳтонлар чуқур илдиз отди. Шу боис Иномжон Хидиралиевнинг архиви бизгача етиб келмади. Мудҳиш 1937 – 1938 йилларда унинг уйида тинтув ўтказилади. Андижон, Туркистон, Ўзбекистон, СССР, Лондондаги фаолияти билан боглиқ бўлган ноёб ҳужжатлар, эсдаликлар, фотосуратлар Андижон округи ички ишлар бўлимига топширилади. Чунки бу даврда Хидиралиевни инглиз жосуси, «халқ душмани» деб қоралашгача борилган эди. Бахтсизлик И.Хидиралиев хотираси учун қўша келди. Ўша вақтларда Андижон НКВДсида ёнгин чиқиб, у ва бошқа юртдошларимиз ҳақидаги ноёб ҳужжатларнинг кули кўкка совирилди.

Крематорийда куйдирилган ҳамюртимиз 1891 йили Фаргона вилояти Наманган уезди Поп волости Исковат қишлоғида ерсиз камбағал деҳқон оиласида тугилган. Отаси мардикорлик билан машгул бўлган. Шу боис Иномжон ёшлигидаёқ отаси ёнига кириб мардикорчилик қилган. Аммо йўқчилик, муҳтожлик «гашти»ни



тотиган ота ўзининг огир қисматини саводсизликда деб билиб, бир амаллаб ўглини Попдаги рус-тузем мактабига ўқишга берган. Рус-тузем мактабларига аксари мустамлакачилар, ерли бойлар, мансабдор шахслар, ўзига тўқ кишиларнинг фарзандлари қабул қилинарди. Мактабда ҳам диний, ҳам дунёвий фанлар ўқитиларди. Ўқиш рус ва ўзбек тилларида олиб бориларди. Иномжон тез орада саводини чиқариб, русча ва ўзбекча ёзиш ва ўқишни билиб олади. Аммо кўп ўтмай мактабдан қувилади. 1924 йили таржимаи ҳолида бу ҳақда шундай ёзган эди: «1905 йил ноябрдан бизларни ўқитиш ўрнига ўз фойдаси учун томорқасида деҳқончилик билан шугулланишга мажбур қилган муаллим устидан шикоят қилганим учун мени мактабдан қувдилар» (Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, 17-фонд, 2-рўйхат, 356³-иш, 5 – 6-варақлар). Мактабдан ҳайдалган Иномжон Тошматбой исмли катта савдогар қўлида хизмат қила бошлайди. Оз-моз маблаг тўплагач, 1906 йили Кўқондаги рус-тузем мактабида ўқишни давом эттиради. Таътил даврида кўмир конида ишчи бўлиб ишлайди.

Иномжон Хидиралиев 1922 – 1923 йилларда Бугунтуркистон оқсоқоли сифатида – Туркистон АССР Марказий Ижроия Қўмитасининг раиси лавозимида сермазмун фаолият кўрсатган. У Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларининг иқтисодий имкониятларини бирлаштириш зарурлигини англаган миллий арбоблардан эди. 1923 йил мартада Тошкентда учала республика раҳбарларидан вакиллар қатнашиб, Ўрта Осиё иқтисодий кенгаши ташкил этилган. Бу кенгаш Туркистон, Бухоро, Хоразм республикалари халқ хўжалигини мувофиқлаштириш ва ривожлантиришда ижобий роль ўйнаган. Қўйидаги суратда 1923 йил феввалида Туркистон Компартияси Марказий Қўмитаси Ижроия бюроси аъзолари акс эттирилган.

РКП(б) Марказий Қўмитаси Сиёсий бюроси Буюк Британия ҳукумати билан музокара олиб бориш учун Х.Раковский бошчилигида делегация таркибини тасдиқлаган (М.М.Лидвинов, М.Радченко, Н.Шверник, М.Преображенский, М.Томский, А.Шейнман, И.Кутузов, Ф.Ротштейн, И.Житков, Б.Стомоньянов, И.Хидиралиев). Делегациянинг бу таркибини Сиёсий бюро, шахсан

Сталин тасдиқлаган. Унинг таркибида И.Хидиралиев бўлганлиги ҳам Сталин ва унинг муносабати ижобий бўлганлигидан нишонадир. Натижада Иномжон Хидиралиев Совет-Англия музокарасида фаол қатнашиш шарафига муяссар бўлган.

Совет вакиллари 1924 йил 9 апрелда Лондонга етиб келишади. Уларни Англиянинг расмий кишилари, Ташқи ишлар вазирлиги, рус департаменти директори Григорий ва совет вакиллари Берзин, Гитнерлар кутиб оладилар. 11 апрелда совет ва чет эл матбуотида СССР делегацияси аъзолари суратлари эълон қилинади. Унда И.Хидиралиев СССР ва Туркистон АССР Марказий Ижроқўми аъзоси, РСФСР Ер ишлари федерал қўмитаси президиуми аъзоси сифатида делегация таркибига киритилганлиги қайд этилганди.

Англиянинг йирик нашри «Таймс»нинг 11 апрель сонида «Англия-Совет конференцияси» ҳақида хабар эълон қилинган. Унда большевиклар вакиллари Лондоннинг Ланкастер-Гейт районидаги «Албания» меҳмонхонасида жойлашгани айтилиб, совет вакиллари И.Хидиралиев, М.Преображенский, М.Томский, М.Радченко ва Англия расмий кишиларининг биргаликда тушган сурати босилган. Ғарбдаги матбуотда совет вакиллари таржимаи ҳолидан айрим лавҳалар берилган. «Таймс» газетаси И.Хидиралиевнинг совет делегацияси таркибига киритилиши большевикларнинг навбатдаги айёрлигидир, бу билан улар Англияда СССРдаги миллий масалани мақташни, тарғиб этишни мақсад қилганлар деб ёзади. Лондонда чиқадиган маҳаллий консерватив газеталардан бири И.Хидиралиевнинг суратини ҳам чоп этиб, унинг Лондонга келиши яхши, аммо у Совет Иттифоқида советлар ҳокимияти мусулмонларга ваҳшийларча муносабатда бўлаётганлигини ҳеч кимга айта олмаслиги ёмондир деб ёзган эди.

Москвадаги «РОСТА» агентлигининг Совет-Англия дипломатларининг учрашуви ҳақида берган хабарномасида мана шундай сатрлар бор: «Журналистларнинг катта қисми миллий кийимдаги Хидиралиевнинг келишган қомати билан қизиқиб қолишди. Газеталар делегация келганлиги ҳақида биринчи навбатда хабар қилдилар, аммо воқеани шарҳлашдан ўзларини тийиб туришибди. Бу хабар кўпгина хорижий



мамлакатлар газеталарида ҳам берилган эди». Париждаги «Последние новости» газетаси 1924 йил 29 апрель сониди «Халат Хидыр-Алиева» номли мана бу хабарни чоп этган: «Туркестан, как известно, не является самостоятельным членом СССР, а входит автономной частью в РСФСР. Поэтому нахождение в составе советской делегации «представителя Туркестана» в то время как там отсутствуют национальные представители Белоруссии и Закавказской Советской Федерации с юридической точки зрения бессмыслица.

Приезд туркестанца Хидыр-Алиева в Англию имеет единственной целью – произвести эффект агитации: смотрите, мол, индусы, мусульманскому Туркестану при советском режиме предоставлено право участия в международных переговорах. А вам?

С этой же показательно-агитационной целью нарядили Хидыр-Алиева в туземный костюм. Там, у себя в Туркестане, Хидыр-Алиевы, желая подчеркнуть советскую победу над старым бытом, щеголяют в пиджаках европейского покрова... Это переодевание на показ невольно приводит мне на память карикатуру ташкентского юмористического журнала «Мюштюм». Представлена старая мусульманская школа, откуда по обучению дети выходят с ослиным ушами и в халате, напоминая тот, что теперь надели на Хидыр-Алиева. Внизу надпись: «Вот каким выпускают». Рядом – школа нового европейского типа, откуда дети выходят настоящими людьми и в пиджаках. Тут же соответствующая надпись... Хидыр-Алиев, может быть, и хорошей туркестанец, но большевики заставили его сыграть роль, далеко не соответствующую ни настоящему положению Туркестана, ни его собственному личному достоинству».²

Лондондаги учрашувлардан бирида дипломатлардан бири И.Хидирралиевни синаб кўрмоқчи бўлиб инглиз тилини биласизми деб ўзининг 6 та тилда бемалол гаплаша олишини айтади. Лондондан қайтиб келгач бу элчи билан бўлган мулоқотни самарқандлик дўсти Мирзахўжа Ўринхўжаевга баён этган. Мирзахўжа Ўринхўжаев 70-йилларда Андижонга келиб дўсти Хиди-



Лондон 1924 йил 15 апрель. Иномжон Хидирралиев Исломиёв либосда Лондон ва унинг атрофидаги қишлоқлар масжиди имоми ва муфтийси билан учрашувга кетаётган пайти. Унга ҳамроҳ бўлиб М.Осётров бормоқда.

ралиевнинг қизи Махфиратхон ая билан учрашганда ўша эпизодни шундай ҳикоя қилган: «... Хидирралиев саволга тутган элчига қарата менадан оз биларкансиз деган, элчи сиз нечта тилни биласиз деб сўраганида 11 тилни – ўзбек, рус, инглиз, қирғиз, қозоқ, туркман, озарбайжон ва ҳоказоларни билишини айтган. Шунда дипломат узр сўраб, 11 тилни билишининг ўзи бўлмайди деган».

Лондон газеталарида совет вакиллари орасида мусулмон, ўзбек бўлгани, унинг расми босиб чиқарилиши Буюк Британиядаги бир қанча Шарқ мамлакатлари дипломатлари, журналистлари, Лондон ва унинг атрофидаги қишлоқлар масжиди муфтийси ва имомларини қизиқтириб қолган. Бу ҳақда И.Хидирралиевнинг «Лондон таассуротлари» номли рус тилида эълон қилинган публицистик мақоласидан айрим парчаларни келтирамиз.

«Мисрнинг «Нил водийси» газетаси вакили Муҳаммад Нажиб И.Хидирралиев билан суҳбат чоғида, энг аввало, СССРда яшовчи мусулмон-

² Мустафа Шоқай. Шығармаларынын толық жинағы. – Алматы. 2012. Т.2. – С.509.

лар этнографияси бўйича уни синаб кўради. Аммо Муҳаммад Нажиб бу борада ўзининг гоят нодонлигини ҳам намоёиш этади. У СССРда яшаётган халқлар ҳақида хира тасаввурга эга экан. Буни қарангки, шу пайтгача у Хоразм Халқ Совет Республикаси ташкил этилганлигини мутлақо билмас экан. Оксфорд университетида таҳсил кўрган М.Нажиб И.Хидиралиевга «Совет республикаси мусулмон Бухоро билан уруш ҳолатидалиги тўғрими?», «Шарқ мусулмонлари орасида Анвар пошшо шуҳратининг улуглиги қандай ва унинг ютуқлари-чи?!» сингари чалакам-чатти саволларни беради.

«Тўғри, – деб ҳикоя қилганди И.Хидиралиев кейинроқ журналистларга, – мен кам зиё топган «маърифатли» журналистнинг зулмат қоплаган онгини бироз бўлса-да равшанлантириш учун қўлимдан келган ҳамма ишни қилдим. Совет Иттифоқининг Бухоро билан ўзаро муносабатларини бир неча сўз билан тасвишлаб бердим. Анвар пошшо жаннатмакон боғларида Қуръон ваъда қилган муваффақиятларини қозониш учун Шарқий Бухорода қолганлиги ҳақидаги хабар билан суҳбатдошимни бироз хижолатга солиб қўйдим (Туркия фуқароси Анвар пошшо 1922 йилда Шарқий Бухородаги Балжувон деган жойда советларнинг арман миллатига мансуб жосуси пистирмадан чиқиб отганда ҳалок бўлганди. Анвар пошшонинг қабри Туркияга кўчириб олиб кетилган – Р.Ш.).

Менинг совет республикалари ҳаётини ва мусулмонлар аҳволини объектив тарзда тўлиқ тасвишлаб беришим Нажиб учун бутун бир кашфиёт бўлди. У Миср матбуоти Совет Иттифоқидаги ишларнинг аҳволи тўғрисида мунтазам хабар бериб туриш имконига эга эмаслигидан хафа эканлигини изҳор этди. Суҳбатимизни «Нил водийси» газетасида ўзгартирмай босиш ниятида эканлигини айтди».

Мисрлик мухбирдан кейин И.Хидиралиев ҳузурига Лондон ва унинг атрофидаги қишлоқлар масжиди муфтийси ва имоми келади. Қуръон билимдонлари ҳам «маърифатли» мисрлик сингари совет ҳокимияти принциплари, унинг диний ва миллий масалага муносабати тўғрисида етарли тасаввурга эга эмасди.

– Ўз ақли ва Аллоҳнинг қаромати билан топилган ер бойликларига эга бўлиб, сўнгра совет ҳокимияти туфайли булардан маҳрум бўлган

кишиларнинг аҳволи не кечади? – сўрайди муфтий.

– Ер меҳнат қилганники, – секин жавоб беради И.Хидиралиев. – Мамлакатимизда меҳнат эркинлиги мавжуд. Ҳар бир киши ўз меҳнати ва ҳаракати билан фаровон яшаши учун барча имкониятларга эга. Мана ўзимни мисолга ола қолай. Ерсиз, уловсиз камбағал деҳқоннинг фарзанди эдим. Қора ишларда ишлардим. Мардикорчилик қилдим, рус бойлари қўлида хизматкорлик қилдим. Уқидим. Тил ўргандим. Октябрь инқилоби туфайли бахт топдим. Дастлаб Андижон ЧКсида, мусулмонлар ҳарбий қисми штабида хизмат қилдим. 1919 йилнинг 7 февралда большевиклар партиясига кирдим. Уезд партия комитетида масъул котиб, Қўргонтепа, Султонобод районларида ревком ва партия комитетида раислик лавозимида ишладим.

– Сиз-а?! Яна оддий деҳқон ўғлиман деяпсиз.

– Ҳа, мен!

– Кейин-чи?

– Бир бошдан айтиб берайми? Марҳамат! 1920 йил майида Фаргона область партия комитети раиси область ревкоми масъул котиби, ер-сув бошқаруви бўлимлари мудир, 1921 йили РКП(б) Марказий Комитети Туркистон бюроси қарори билан Туркистон Республикаси ер ишлари халқ нозири, 1922 йил октябридан Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитети раиси, 1924 йил январидан эса республиканинг Москвадаги мухтор вакили бўлиб ишлаяпман.

– Ҳукумат аъзоси экансиз-да?!

– Ҳа, Туркистон Компартияси РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси аъзоси, Туркистон Марказий Ижроия Комитети раиси, РСФСР ва СССР Марказий Ижроия Комитети президиуми аъзоси бўлганман.

Имом муфтийга ўгринча қараб қўйди. Муфтий енгилгандай бошини қуйи солиб турарди.

– Ленинни кўрган экансиз-да?

– Бўлмасам-чи, – деб жавоб берди И.Хидиралиев, – В.И.Ленин, унинг сафдошлари М.И.Калинин, М.В.Фрунзе, Я.Э.Рудзутак, С.И.Гусев, В.В.Куйбишев, Н.И.Бухарин, С.К.Оржоникидзе, А.И.Риков, И.В.Сталин ва бошқалар билан кўп бор учрашганман. Ҳатто айримлари билан биргаликда жанг қилганман.

– Наҳотки?



– Партия X съездига делегат эдим. Съездга келган 300 га яқин вакиллар билан Кронштадтдаги исённи бостиришга сафарбар этилдим. Ушанда М.В.Фрунзе, К.Е.Ворошилов билан бирга жангда қатнашганман. Исённи бостириб қайтганимиздан сўнг доҳий бизларни қабул қилди, қизгин суҳбатлашдик ва бирга суратга тушганмиз.

Яна айтайми? 1922 йил декабрида СССР ташкил этилди. Бу Ўрта Осиёда миллий совет республикалари тузилишида қудратли омил бўлди. Мен М.И.Калинин, И.В.Сталин, С.К.Оржоникидзе, С.М.Киров, Ф.Э.Дзержинский, М.В.Фрунзе, В.М.Молотов билан ҳамкорликда СССРни тузиш тўғрисидаги декларация ва шартнома лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни имзолашда қатнашганман. Энди тушунгандирсиз?

– Совет ҳокимияти масжидларини ёпаётгани ҳақидаги хабарлар-чи? Бунга нима дейсиз?

– Ёлгон! Айрим мустабид кишилар зулмат қаърида ўтириб, ўзларича ёруғликка бўҳтон отмоқчи бўладилар. Ўз кўзингиз билан кўрмагунча ишонманг бу гапларга! Совет ҳокимияти масжидларни ёпаётгани ҳам йўқ, художўйликни тақиқлаётгани ҳам йўқ. Диний эътиқод эркинлигига риоя этиляпти. Ҳа, ҳа, бунга ишонаверинг!

Капиталистик матбуот ашаддий уйдирмаларининг кучли таъсири остида қолган муфтий ва имом учун совет ҳокимияти тўғрисидаги ҳақиқатни тушуниш ва ҳис этиш мушкул эди.

Орадан бир неча кун ўтгач совет делегациясининг айрим аъзолари И.Хидиралиев бошчилигида ҳинд миллионери Жеванжи таклифига кўра зиёфатда иштирок этдилар.

Жеванжи тўла маънодаги содиқ инглиз-ҳинд фуқароси ва савдогарлар орасида гоят катта мартабага эга, ўта ишбилармон эди. Зиёфатдан сўнг ҳинд савдогарларининг аҳволи ва уларнинг инглиз капитали билан ўзаро муносабатлари ҳақида суҳбат қизиди. Мезбон ҳинд миллий савдосининг ривожига халақит бераётган ҳолатлардан гоят ташвишланаётганлигини ҳам яширмади.

Суҳбатда Жеванжи ҳинд савдо-сотиқ дунёсининг Туркистон билан боглиқ масаласини кўтариб, ҳинд капиталини СССРда қўллаш шарт-ша-

роитларини қунт билан ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлигига совет вакилларини ишонтирди.

Бу гапларда ҳақиқат бор эди. Орадан кўп ўтмай совет делегацияси аъзолари Лондонга келган ҳинд делегацияси билан дўстона суҳбатда бўлдилар. «Бу учрашувлардан таассурот шуки, – деганди И.Хидиралиев, – Совет ҳокимияти ва республикалар иттифоқи гоёси Шарқдаги мустамлака халқлар орасида улугвор куч билан тарқалмоқда».

И.Хидиралиев Лондонда туриб Ўрта Осиёда миллий республикалар тузилиши ҳақида илмий, публицистик мақолалар ёзди, уларни ўз вақтида жўнатиб турди.

Лондон. 1 май. Хайгет қабристони. Биринчи май намойишидан қайтган ишчилар билан гавжум. Пролетариатнинг улуг доҳийси Карл Маркс қабрини зиёрат қилиш учун бу ерда ҳозир бўлганлар орасида Совет Иттифоқи вакиллари ҳам бор. Улар катта гулчамбарни чуқур сукутда доҳий қабри томон олиб борардилар. Улар орасида И.Хидиралиев ҳам бор эди.

Совет вакиллари Карл Маркс қабрини зиёрат қилиши муносабати билан Европа матбуотида Карл Маркс жасадини Лондондан Москвага кўчиришмоқчи деган мишмиш тарқалганди. Шу муносабат билан СССРнинг Англиядаги мухтор вакили Х.Раковский «РОСТА» орқали 19 июнда интервью бериб, Совет вакиллари Англия ҳукуматидан Карл Маркс жасадини Москвага олиб кетишни талаб қилгани ҳақидаги фикрлар бўҳтон, асоссиз эканини маълум қилишга мажбур бўлганди.

И.Хидиралиев ўша ҳаяжонли Лондон воқеаларини умрининг охиригача унутмасдан фахр билан эслаб юрди.

Совет вакиллари Лондондан «Деру люфт» жамияти самолётида Смоленск шаҳрига келадилар. Қўниш чоғида аэропортда ҳалокат рўй беришига оз қолади.

Лекин учувчининг чаққонлиги ва сезгирлиги туфайли қурбонлар бўлмайди. Делегация аъзолари бу ердан поездда Москвага ошиқадилар».

(Давоми келгуси сонда).



Акмал Саидов ва Люсьен Кереннинг «Амир Темур ва Франция» китобидан

АМИР ТЕМУР –

ЎЗБЕК ВА ФРАНЦУЗ ОЛИМЛАРИ НИГОҲИДА

(Охири. Боши журналнинг 2017 йил 4-, 5- ва 2018 йил 1-, 3-сонларида)



Л.КЕРЕН: Темурбек ва унинг салтанатини ўрганиш ва бу борадаги изланишлар яқин ўтмишдагига қараганда анча кучайган бўлса ҳам, ҳали жуда кам. Бу ишни амалга ошириш учун ҳозирда рағбат (маблаг, диссертациялар) йўқ, лекин интилиш сезилиб турибди. Юртингизда Амир Темур билан боглиқ ўтмишни 50 йил давомида хотирадан ўчиришга ҳаракат қилинган. Ўзбекистонда бу эзгу ишга кечикиб киришилганида совет мустамлакачилиги катта айбдордир.

А.САИДОВ: Тўғри. Аммо бу эзгу ишнинг кечикишида хорихда ноилмий нуқтаи назарларни

олга сурган тадқиқотчилар ҳам маълум роль ўйнаганлар деса бўлади. Масалан, таниқли гарблик олим А.Тойнби Марказий Осиёнинг жаҳон цивилизацияси ривождаги роли ҳақида шундай ёзган: «Мовароуннаҳр турли цивилизацияларнинг таъсирини бир-бирига узатиб турган бўлса-да, аммо бу минтақанинг ўзи цивилизация маркази бўлмаган». У Амир Темурнинг тарихда турган ўрни ва ролини ҳам камситиб кўрсатади.

Л.КЕРЕН: Бу соҳада мен Тойнби фикрига қўшилмайман, албатта. Марказий Осиё, жумладан, Темурбек тарихи жаҳон тарихи кўзгусида, ўрта аср ва Уйғониш даври бошлари доирасида қаралиши керак. Амир Темур унда катта ўрин тутади ва унинг ишлари тарих гилдираги айланишини кўрсатади.

А.САИДОВ: Сизнинг китобларингиз кенг тарихий ва замонавий манбаларга асослангани билан ажралиб туради. Аслида, бу манбаларнинг кўпчилиги бошқа муаллифлар томонидан ҳам қўлланилган. Лекин сиз уларни ўзига хос ўқиш ва ўқишга, улар асосида холис илмий хулосалар чиқаришга муваффақ бўлгансиз.

Ҳар қандай тарихчи учун ашъвий далилларни йиғиш, архивларда ишлаш, воқеа гувоҳлари ёки уларнинг авлодлари билан учрашиш ва ҳоказолар муҳим аҳамиятга эга. Бу борада темуршунослик илмида қилинадиган ишлар ҳали кўп. Европада ҳам Амир Темурга бағишланган ва у билан боглиқ бўлган бир қанча манбалар мавжуд.

Л.КЕРЕН: Менинг мамлакатимда сақланаётган Темурбек ва Франция қиролининг хатларидек ҳужжатларнинг асл нусхалари, Амир Темурнинг элчиси архиепископ Иоанн қолдирган ёзувлар ва элчи Клавихонинг Испанияда сақланаётган ёзишмалари, Амир Темурнинг элчиси



Муҳаммад Кеший ва у тортиқ сифатида олиб келган канизаклар¹ Севильяга боргани ҳақидаги далил, Амир Темур ва унинг маликасининг ливанликларникига ташрифи ҳақида Ливандаги Патриарх архивида сақланаётган хабар, Италиянинг Генуя шаҳридаги Коммуна де Пера архивида сақланаётган Амир Темур ҳаётини акс эттирувчи ҳақиқий ва замондошлари ёзиб қолдирган бир неча ҳужжат бизга маълум.

Улар жуда қисқа. Яна Темур ва унинг салтанати, шунингдек, Испания ва Франция ҳақидаги XVI ва XVII асрга молик бошқа хабар ва ҳикоялар бор. Мен кўриб чиққан Европа манбалари мана шулар.

А.САИДОВ: Сиз тўғри таъкидлаганингиздек, ҳали Амир Темур шахси ҳақида очилмаган ва айтилмаган, ўрганилмаган ва кенг китобхонларга етиб бормаган маълумотлар кўп. Шундай мунозарали масалалардан бири, фикримизча, Соҳибқироннинг яраланиши тарихидир. Унинг қандай яраланиши ҳақида турли фикрлар бор.

Л.КЕРЕН: Амир Темурнинг Сеистонда бир пистирмага тушиб, ўнг оёғи ва қўлидан яраланиши эҳтимолдан узоқ эмас. Шунда у ўша ерлик бир йигитни ёллаб олган ва то Мовароуннаҳрга қайтгунча унинг ёрдамида юрган.

Ибн Арабшоҳ у қўй ўғирлаётганида жароҳатланган деса, Клавиҳо кичик бир қочоқлар гуруҳига бошчилик қилган пайтида жароҳатланган дейди. Клавиҳо бу хабарни гўёки Самарқанднинг ўзида эшитган экан.

А.САИДОВ: XIV – XV асрлар ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётини ўрганиш учун муҳим тарихий манбалардан бири бўлмиш Фосиҳ Аҳмад ибн Жамолiddин Муҳаммад Хавофийнинг (тахаллуси Фосиҳ ал-Хавофий) «Мужмали Фосиҳий» номи асарида Амир Темур Сеистон уруши даврида ўнг қўлидан ярадор бўлгани ҳақида ёзган бўлса-да, оёғи ҳам яраланиши тўғрисида ҳеч нима демаган. Ваҳолонки, бошқа манбаларда Амир Темурнинг ўнг қўли ва ўнг оёғи ҳам шу жангда яраланиши ҳақида ёзилган.

Л.КЕРЕН: Бу, бир томондан, Амир Темурнинг – ҳамма нарсага қодир саркарданинг бундай мишмишлар тарқатилишига бепарволик билан

йўл қўйиб берганини кўрсатади, иккинчи томондан, эҳтимол, у оддий кишидан подшо тахтига кўтарилганини билдириб қўйиш учун бундай хабарни атайлаб тарқаттиргандир.

Қайси бири ҳақиқат? Амир Темурга дахлдор бу мавзудаги замонавий манбалар воқеанинг асл мазмунига тўғри келмайди. Биз далил деб атаган ҳужжат мураккаб бир жамиятда, кўплаб мусофирлар бор оломон орасида, гайритабиий бир хабар кўринишида тарқалганки, охирида тарқатувчининг ўзи ҳам унга ишонмай қолиши мумкин бўлган. Натижада ким тўғриси айтиётганлигини билиб бўлмай қолган.

Бир куни Амир Темур Деҳлида ҳарбий филлар устидан галаба қозонганини, бошқа куни у Сибирда Тўхтамишни енгганини, Бағдодни олганини, Дамашқни қамал қилганини эшитишган. Уни ўлди деганларидан кейин эса одамлар унинг Боязидни енггани ва Туркияни босиб олгани ҳақида хабар тарқатишган.

Турли мамлакатлар сайёҳлари Самарқанддан кўплаб хабарларни, ҳатто эртаси куни ёлгон чиқиб қоладиган ахборотларни ҳам олиб келиш ва тарқатишдан тўхтамаганлар.

Темурбек тарих яратган, лекин уни айтиб беришга вақти бўлмаган.

Менимча, пойтахтдаги ёзувчилар, уларнинг Амир Темур изидан жанг майдонларида энтиқиб юрганлари воқеанинг ҳаққоний эканини суриштириб ҳам ўтирмаганлар. Ўта алгов-далгов замонда гувоҳлар ҳар хил гапирган бўлишлари ёки мишмишчилар турли-туман хабарларни тарқатган бўлишлари ажабланарли эмас. Тарихчининг мушкул иши барча маълумотларни қиёслаб чиқиш, ўзи ҳақиқат деб билганини танлашдир.

А.САИДОВ: Амир Темур «Соҳибқирон» номи билан машҳур. Икки сайёра – Зуҳал юдузи билан Муштарийнинг яқинлашуви даврида дунёга келган ўғилгина шундай номни олишга мушарраф бўлган. Бу юлдузлар ҳаракатидаги ҳолат ҳар саккиз юз йилда такрорланади. Бундай кунда тугилган бахтли зотлар дунёда учта ўтган. Булар Искандар Зулқарнайн, Муҳаммад алайҳиссалом ва ул муътабар зотдан саккиз юз йил кейин тугилган Амир Темурдир.

Л.КЕРЕН: Соҳибқирон – самовий сирларни эгаллаган подшоларга бериладиган бўрттир-

¹ Бу ўринда канизаклар деганда 1396 йили Никополь жангида Боязид томонидан қулликка олиб кетилган юнон-венгер насабига тегишли уч нафар малика назарда тутилган. Бу маликаларни Амир Темур озод этиб, христиан дунёсига қайтариш мақсадида элчиларга қўшиб юборган (А.С.).



ма унвон. Баъзи Шарқ хорижий саройларининг дипломатик ёзишмаларида Амир Темурга нисбатан шу унвон қўлланилган. Унинг ўзи ҳеч қачон бу иборани қўлламаган ва атрофдагиларга ҳам қўллашга йўл бермаган. Шуниси аниқки, Амир Темур шоҳона мақтовни, унвонларни ёқтирмаган. Хужжатларда ўзини Темурбек ёки Амир ул-Аъзам деб аташларини ва Кўрагоний (яъни Чингизхон авлодига уйланган кўёв) тахаллусини қўшишларинигина истаган. Франция киролига ёзилган хатида худди шундай.

А.САИДОВ: Сиз тўғри таъкидлаганингиздек, Амир Темурга наслий камтаринлик хос бўлган. У ҳеч қачон хон, подшоҳ ёки шаҳаншоҳ ҳам бўлмаган. 1370 йили Мовароуннаҳрда ҳокимият тепасига келар экан, ўзини «хон» ёки «шоҳ» эмас, балки «амир» деб эълон қилган ва шу унвон билан кифояланган. Амирлик рутбаси дастлаб Амир Темур ҳарбий-сиёсий фаолиятининг илк даврида у билан елкадош бўлган 313 нафар кишига берилган. У ана шу амирлар билан бир даражада қолган.

Амир Темурга тегишли турли ашъвий далиллар дунёнинг кўп бурчакларига сочилиб кетган. Шулардан бири Соҳибқироннинг узугидир. Айтишларича, Амир Темур бармоқларининг изи қолган муборак ва мўътабар олтин узук-муҳр Нью-Йоркнинг машҳур Метрополитен музейи экспонатлари орасида Марказий Осиё санъатининг ноёб намуналари қаторидан ўрин олган. Санъатшунос З.Грюбенинг «Ислом санъати» номли китобида узук-муҳрнинг рангли тасвири берилган.

Тилла узук ўймакор ислимий нақшлар билан безатилган. Ҳалқа кўзига нефрит тош ўрнатилган. Ҳалқа ҳошиясида хатти насх ёзуви бор, тош жойлашган кўзи тагида қандайдир куфий хати битилган. Ҳозирча ёзувларни ўқиш имкони бўлмаган, чунки ҳошиянинг катта қисми кўринмайди. Муҳр шакли ҳам номаълум.

Сизга маълумки, Сильвестр де Саси Амир Темурнинг Франция қироли Шарль VI га ёзган хатида Соҳибқироннинг муҳри бор деб кўрсатган.

Л.КЕРЕН: Амир Темурнинг узуги хусусида бир нима дейиш қийин. Чунки Шарқ мамлакатларида узук тақиш аёлларга хос бўлган.

Темурбекнинг муҳрига келсак, ҳақиқатан ҳам, Шарафиддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ ва

Клавихонинг айтишларича, унинг муҳрида уч кичик ҳалқа форсча шиор билан боғланган: «Рости Рустии» («Агар қалбинг пок бўлса, эркинсан»). Амир Темурнинг Шарль VI га ёзган хатига ҳам шу муҳр босилган, лекин унинг сиёҳи ўчиб кетиб, текширишнинг иложи бўлмай қолган.

Уч ҳалқага келсак, бу кўп мамлакатларда илоҳий ва сирли саналган 3 рақамга илова. Мўгуллар бу рақамни зафар ва бахт рамзи сифатида ишлатган. Ўзини ўзига кўпайтириб самовий «9» рақамини олиш мумкин деб ҳисобланган. Бу муҳр Темурбек зарб эттирган тангаларда ҳам учрайди, лекин барча тангаларда эмас. Амир Темурнинг тугро (герб)ларида бу муҳрдан бошқа сўзларни топмадим.

Соҳибқирон Хитойга охириги юришига жўнаётиб зарҳал аждаҳо тасвири бўлган қора байроқни ёйдириб олган. Менимча, бу тугро эмас, хитойликларга кўз-кўз қилиш учун қилинган унинг қудрати тимсоли бўлган.

А.САИДОВ: Амир Темур давлат рамзларига, яъни байроқ, ногора-тулларга катта эътибор берган. Уларни амирларга тақдим этиш қоидаларини қатъий белгилаб қўйган.

Амир Темурнинг расмлари бизгача етиб келмаган. Форс ва ҳинд миниатюраларидаги тасвирлар эса портретлар ҳисобланмайди. Соҳибқиронни турлича акс эттиришади. Ибн Арабшоҳ Амир Темур қиёфасига, сурат ва сийратига оид қисқа, аниқ тасвирларни қолдирган.

У 60 ёшдан ошган Соҳибқиронни қўйидагича тасвирлайди: «Темур баланд қадли, узун бўйли, тик қоматли, гўё қадимий паҳлавонлар авлодидан бўлиб, кенг пешонали, катта бошли, гоят кучли ва салобатли, ажойиб бўлали, ранги оқу қизил юзли, лекин доғсиз, бугдойранг эмас, қўлоёқлари бақувват, елкалари кенг, бармоқлари тўғри, пойчалари семиз, қадди-қомати камолига етган, серсоқол, йўгон овозли эди».

Л.КЕРЕН: Ибн Арабшоҳдан бошқа ҳеч ким Темурбекнинг тасвирини бермаган.

Амир Темур ўспирин пайтида жароҳат олган. Тарих шундай сўзлайди. М.Герасимов ҳам Амир Темур суякларини текшириб кўриб, буни исботлаган.

Амир Темур баланд бўйли (1 метр 70 см), бақувват, нигоҳи суҳбатдошини эсанкиратиб қўядиган, унда тасаввур қолдирадиган даражада



бўлган. Соқолининг қизгиш мўйи топилган, бош чаногининг шакли унинг мўгул ва бошқа ирқ билан қўшилмаслигини эслатади.

А.САИДОВ: Америкалик антропологлар Г.Глезер ва М.Троттер томонидан 1958 йили таклиф этилган усул асосида ўзбек олими Т.Хўжаев² Амир Темурнинг оёқ-қўл суяқларини ўрганиб, унинг бўйи роппа-роса 170,7 см бўлган деган хулосага келди. Бу эса Соҳибқирон ўша даврдаги Мовароуннаҳр аҳолисининг ўртача бўйидан 6 – 7 см баланд бўлганини кўрсатади.

Амир Темурнинг киприклари олтин қутичада Эрмитажда сақланмоқда деган фикр бор.

Л.КЕРЕН: Гап шундаки, унинг салобати хоқон ва оқил саркарда бўлишига, ўз навқарларига далда бера олиши ва рақибини эсанкиратиб қўйишига монелик қилмаган. Армияси билан доимо бирга бўлиши, ҳатто етмишга кирганида ҳам йўл, жанг ва огир иқлим машаққатларига чидай олиши унинг ниҳоятда бақувват бўлганини билдиради.

А.САИДОВ: Амир Темур ўз салтанатида шундай тартиб-қоида ўрнатганки, иқтисод, савдосотик, маданият тараққиёти учун ҳамма шароитлар бўлган. Соҳибқирон умр бўйи дин ва шарият, давлат ва уни бошқариш, кенгаш ўтказиш, подшо ва вазирларнинг моҳияти, уларнинг аҳамияти ҳақида йўл-йўриқлар яратган.

Яшашдан асосий мақсадларининг ифодаси бўлмиш адолат ва адолатсизлик, сўз билан иш бирлиги, дўстлик ва душманлик, ботирлик ва қўрқоқлик, ширинсуханлик ҳақидаги панд-насиҳатлари унинг ҳаётлиги давридаёқ муҳим тарбиявий восита бўлиб хизмат қилган.

Л.КЕРЕН: Мен юқорида айтганимдек, Темурбек тарихда йирик саркардалигига қарамай, ўта прагматик инсон бўлган. Ўзга йирик давлатларни енгиш учун унинг ўз қўл остида барқарор ва равнақ топган давлат бўлиши керак эди. Бу шарт салтанат пойтахти аҳолисининг тинчлиги, деҳқончилик, қосибчилик ва савдо ишлари яхши йўлга қўйилгандагина бажарилиши мумкин бўлган.

Амир Темур ўз қўл остидаги одамлар ва ерлар, армияси ва мудофаа заковати туфайли рақибини улоқтириб ташлаб, одамларига тинчликни таъ-

минлаб беришга қодир бўлган. Мамлакат ичида тайинланган амалдорлар барчага нисбатан одиллик, йўлларнинг назорати, нарх-наво устидан назорат ва ҳоказолар туфайли осойишталикни ва халқ фаровонлигини таъминлаб турган.

Амир Темурнинг ўзи шахсан ҳарбий юришлар туфайли ойлаб ва йиллаб пойтахтдан йироқда юра олган.

А.САИДОВ: Амир Темур салтанатини идора этиш қоидалари «Темур тузуклари»да белгилаб берилган. Шу муносабат билан яна бир бор «Тузуклар» масаласига тўхталиб ўтсак. Маълумки, бу хусусда тарихчилар ўртасида ягона фикр йўқ. Баъзилар «Тузуклар»ни Соҳибқирон ёзган деса, бошқа бировлар унинг котиблари битган дейди.

«Тузуклар» XII асрда форсий тилда бошқа солномачилар томонидан ёзилган деган тахминни илгари сурадиганлар ҳам бор. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида «Манзумаи турк» асари турк тилида Амир Темур бош девонида ёзилган ва Амир Темур томонидан таҳрир этилган дейилади.

Л.КЕРЕН: «Темур тузуклари», менимча, «Зафарнома»га асосланиб қасида сифатида ёзилган. Шу билан бирга, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган, темурий шахзодалар тарбиясига мўлжалланган, ҳақиқатдан узоқ бўлган асардир. Унда Амир Темур ўз салтанати жамиятини, армиясини фуқаробоп қилиб ташкил этиш, жангларда зафар қозониш учун ишлатган қоида ва режалар берилган.

Амир Темурда режалар ҳам, олдиндан уюштирилган жанг услублари ҳам бўлмаган. У услубларни жанг майдонининг ўзида, тўқнашув дақиқаларида уюштирган ва вазиятга, ўз хабарчиларининг маълумотларига, об-ҳавога қараб, ақлу заковати билан китобларда ёзилган йўл-йўриқларни ишлатиб, уларни ўзгартириб турган.

«Тузуклар» ва «Хотиралар» бизга ўша зафар қозониш йўл-йўриқларини, шахсан Амир Темур қўли билан ёзилган барча нарсаларни ўқиб чиқиш кераклигини кўрсатади. Шунингдек, ўша давр мамлакатлари ҳукмдорларининг – улар Амир Темурнинг замондошлари, хоҳ у дўсти бўлсин, хоҳ рақиб – тарихини чуқур ўрганиб чиқиш керак. Ўша давр олимлари, меъморларининг, мусаввир, адиб, дин арбоблари ва сўфийларининг асарларини қолдирмай ўқиш лозим.

² Хўжаев Тельман Қоимович – тарих фанлари доктори, таниқли ўзбек антропологи, М.Герасимовнинг шогирди.



Амир Темур ҳаёти бир катта жангномаки, у кўплаб мамлакатларни, турли ирқ, маданият ва дин вакиллари ўз ичига олади. Лекин қолган энг қийин масалаларни аниқлашга тўғри келади: Амир Темур шахсининг устунлигини ва идора қилиш қудратининг сирларини, ундаги зиддиятларни, яъни бир инсонда ҳам музаффар ва шафқатсиз саркарда, ҳам тинчлик посбони, олимлар ва меъморлар раҳнамоси ва фуқаролар фаровонлиги ташвишида яшовчи одам мужассамланганининг ечимини топиш керак.

Амир Темур ҳаётини ўрганишда одил бўлиш, тадқиқотлар бошидаёқ хулоса чиқаришдан сақланиш лозим.

Амир Темур лаганбардорларни ёмон кўрган ва ҳақиқатни устун қўйган. Бу Амир Темур замонаси солномаларида баён қилинган. Клавиҳо билан бўлган мулоқот, айниқса, Амир Темур ҳаёти ва унинг қирралари, удумлари, Амир Темур салтанати гарбий қисмининг жугрофияси ҳақидаги аниқ ва батафсил ҳужжатлар шу хусусиятларни очиб беришга хизмат қилади.

Бу ҳужжатлар Самарқанд бойликлари ва гўзаллигидан, Амир Темур ва унинг саройи шукухидан гувоҳлик беради. Аммо 1783 йили ҳинд тилидан таржима қилиш учун олиб келинган даврга молик бу ҳужжатларнинг асл нусхасидаги маълумотлар асосан инглизчадир. Таниқли шарқшунос Ж.Обеннинг ёзишича, ҳужжатлар келиб чиқиши жиҳатидан ҳинд-мўғулча асосга эга бўлиб, XVII асрда битилган.

Амир Темур «Хотиралари» ва «Тузуклар»ининг ҳаққоний эмаслиги ҳақидаги фикр охириқибат бир тахминга асосланади: ҳеч ким ҳеч қачон унинг китоб битаётганини кўрмаган. Ўша даврдаги ҳеч қандай адиб Амир Темурнинг хотира ёзаётгани ёки бирон адибга айтиб туриб ёздираётгани ҳақида хабар бермайди.

Амир Темур саройида ва салтанатида ёзувчилар кўп бўлган. Арабшоҳ ҳикояси, «Зафарнома», форс солномачилари шу жумладандир. Улар ёзилаётган нарсаларни назардан қочирмаганлар ва асарларида шуларга ишора қилиб ўтганлар. Ҳеч қайсиси «Хотиралар» ва «Тузуклар» ҳақида сўз очмаган. Булар мазкур ҳужжатларнинг асосли ёки асосли эмаслиги хусусида мени ҳам ўйлантириб қўяди.

А.САИДОВ: Умуман, «Тузуклар» ёзиш хитой ва турк-мўғул хонларидан қолган анъанадир. Мисол тариқасида турк хоқонларидан қолган «Қонуннома»ни, Чингизхон «Ясо»сини, Хондамирнинг «Қонуни Хумоюн» асарини ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

«Темур тузуклари»га келсак, асосий муаммо унинг муаллифи ким деган саволга бориб тақалади. Шамсиддин Сомийнинг «Қомус ул-аълум» асарида Амир Темур «Тузукот» номли қонунлар мажмуасини қаламга олиб, унда ўзининг таржимаи ҳолини баён этган дейилади. Француз шарқшуноси М.Шармуа ва рус ҳарбий тарихчиси М.И.Иванин «Тузуклар»ни Амир Темур ўзи ёзган ва у муҳим автобиографик асар деган фикр-ни билдиради.

Аммо бошқа бир гуруҳ олимлар, масалан, В.В.Бартольд, Э.Г.Браун, Ч.А.Стори «Тузуклар»ни сохта асар, уни Амир Темур ўзи ёзмаган дейишган. Инглиз олими Ч.А.Стори Мир Абу Толиб Ҳусайний Турбатийни «Тузуклар» муаллифи деб кўрсатган. Рус шарқшуноси А.Ю.Якубовский «Тузуклар» XVIII асрда Ҳиндистонда ёзилган дейди³, француз олими Ж.П.Ру уни XVI асрга тааллуқли деб таъкидлайди.

Бу борада, менимча, ўзбек академиги, темуршунос олим Б.Аҳмедовнинг фикрига қўшилиш мумкин: «...Қандай бўлмасин, асарни Темур ёки бошқа одам ёзганлигидан қатъи назар, у сохта эмас, балки чин асардир»⁴.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, «Тузуклар» Амир Темур шахси ва фаолиятини ўрганишда муҳим тарихий манба вазифасини ўтайди.

Амир Темурнинг шундай бир сеҳри борки, у изланувчиларни ўзига ром этади. Бу Соҳибқироннинг илм-фан, таълим, санъат ва маданият ҳомийси, олимлар, адиблар, зиёлилар раҳнамоси бўлганлигидир.

Л.КЕРЕН: Темурбек олим, мусаввир, адиб, муҳандис ва дин пешволарини ҳурмат қилган, ўз муҳофазасига олган. Амир Темурнинг бу фазилатини у жанг ва қамал пайтларида уларни тинч ижод билан шугулланиш учун Самарқандга жў-

³ Якубовский А.Ю. Тимур, его держава и военные походы // Очерки истории СССР. Период феодализма. IX – XV вв. Ч.2.

⁴ Аҳмедов Б. «Темур тузуклари» ҳақида икки оғиз сўз // Темур тузуклари. – Тошкент, 1991. – Б.7.



натиб авайлагани ҳам тасдиқлайди. Дамашқлик Ибн Халдун ҳаётини бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Солномачилар, ҳатто Ибн Арабшоҳ Амир Темурнинг санъат ва фанга бўлган муносабатини, жамиятда ва ҳарбийлар орасида ҳам санъат ва фанга ҳурмат бўлишини талаб қилганини тасдиқлайди. Фан арбобларини жангу жадалларда, қонли савашларда ваҳшийлашган аскарлардан авайлагани Амир Темурнинг уларга бўлган ҳурматидан нишонадир.

Амир Темур қандай қилиб санъат ва фан қадрига етадиган инсон бўлиб камол топганини тушуниш қийин, чунки бунинг учун одам ёшлигида шу соҳаларда устозлардан машқ олган бўлиши керак. Ёшлик даври кешлик ярим кўчманчи барлослар орасида, сафар ва жангларда ўтган Амир Темур бундай билимни қаердан олди экан?

У темурийларга мансуб янги ажойиб меъморчилик намуналарини танлаш ва улар қурилишини бошқариш салоҳиятини ўзида қандай шаклантира олган бўлса?

Биз Амир Темурнинг ёшлик ва шогирдлик чоғидаги сиру синоатли ҳаётидан яхши хабардор эмасмиз. У фақат кичиклигида отаси Тарағай билан Кешдаги масжидга ва сўфийлар кенгашларига қатнаганигина маълум. Биламизки, Амир Темур у ерда ажойиб диний тарбия олган.

А.САИДОВ: Амир Темур қўшинида ягона европалик – бавариялик И.Шильтбергер бўлгани маълум. У ўзининг «Эсдаликлар»ини ёзиб қолдирган.

Л.КЕРЕН: Тўғри. Дастлаб Амир Темур, кейин унинг ўғли армиясида узоқ хизмат қилган бавариялик аскар Шильтбергернинг «Эсдаликлар»ини етарли танқидий ўрганмасдан, шунчаки санаб ўтган тарихчиларга эътирозим бор. Бу «Эсдаликлар» матни 1859 йили Мюнхенда матбаачи Нейман чоп эттиргандан кейингина маълум бўлди.

Китобга босқинчилар, айниқса, Амир Темурга қарши эҳтиросли «Сўзбоши» ёзилган. Шильтбергер замонида битилган бу «Эсдаликлар»да Осие ва Ўрта Шарқ кишилари, воқеа ва жугрофияси ҳақида янглиш фикрлар шунчалик кўпки, мен ҳатто унинг муаллифи борлигига ҳам шубҳа қилиб қоламан. Ундаги баъзи тўғри

далиллар ҳам «Зафарнома»дан ёки Арабшоҳнинг XVII ва XVIII асрларда Европада машҳур бўлган таржимаи ҳолидан олинган ва унинг муаллифи ҳақиқатан ҳам Шарқдан қайтиб келган Шильтбергер бўлиши ва у ўзининг камтарона ёзилган саргузаштларини бир-икки матбаачига ишониб бергану кейинчалик уларга Арабшоҳдан ёки «Зафарнома»дан олинган олди-қочдиларни қўшиб-чатган бўлишлари мумкин-ку деган фикрларга ҳам олиб келади.

А.САИДОВ: Бунга қарама-қарши ўлароқ, Европада кенг тан олинган манба, бир неча бор таъкидлаганингиздек, Руи Гонсалес де Клавихонинг «Амир Темур саройига саёҳат» номли кундаликлари дир. «Кундаликлар» Амир Темур даври ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаёти тарихига доир муҳим манбадир.

Бу асар биринчи марта 1582 йили Испаниянинг Севилья шаҳрида «Буюк Темурнинг ҳаёти ва фаолияти» номи билан чоп этилган. 1782 йили у Мадридда шу номда иккинчи марта нашр этилган. Бу китоб испан тилида учинчи марта 1949 йили Мадридда Лопес Эстрада томонидан чоп қилинган.

Клавихонинг «Кундаликлар»и бир неча тилларга таржима қилинган. Жумладан, рус тилига биринчи марта 1881 йили И.Срезневский томонидан таржима қилиниб, Петербургда чиқарилган. 1990 йили эса бу асарнинг И.Миракова тайёрлаган иккинчи русча нашри чоп этилган. Клавихонинг «Амир Темур саройига саёҳат» китоби И.Срезневский тайёрлаган русча матндан йирик адабиётшунос олим, профессор Очил Тоғаев томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

Сиз ҳам бу асарни француз тилига изоҳли таржима қилгансиз.

Л.КЕРЕН: Аслида, мен Клавихо «Кундаликлар»ини танқидий кўз билан ўрганиб чиқиб, луғатдан фойдаланиб, тарихий далиллар ва бошқа солномалардан олинган жугрофий маълумотлар ёрдамида таржима қилганман.



Амир Темур авлодидан
Исломбек Худойрхон



Илгари қайд этганимдек, Клавихо асари Марказий Осиёга қилинган сафарларни, Амир Темурни ва унинг атрофидаги жамиятни ва, ниҳоят, Самарқандни ўрганиш учун биринчи туртки бўлган. «Кундаликлар»нинг Клавихо шахсан кўрган ёки эшитган воқеаларни ўз ичига олган қисми, яъни ўзи гувоҳ бўлган воқеалар ҳаққоний туюлади.

Лекин бу «Кундаликлар»да бошқа киши томонидан ҳикоя қилинган ва Клавихо томонидан йигилган афсона ёки ўша давр кишилари тасаввурига мансуб воқеалар ҳам борки, уларни Клавихо ўрта аср диний эътиқодларига қўшиб ҳикоя қилади. Мен, албатта, ўз китобимда зарур изоҳлар берганман.

А.САИДОВ: Бирор-бир тарихий шахс тўғрисида тадқиқот олиб боришда шу шахс авлодларининг хотиралари, кўрсатмалари ёки қўлёзмалари катта аҳамият касб этади. Сиз «Амир Темур салтанати» номли китобингизни «Темурбек наслидан Ислонбек Худоёрхонга ва грециялик Де Дона Анжелина авлодларидан Маркиз Контрерас де Лозайага» бағишлагансиз.

Л.КЕРЕН: Мен Амир Темур авлодидан Ислонбек Худоёрхон ўгли билан танишганман. У билан бир неча йиллар давомида қадрдон дўстлик ришталарини боғлаб, кўп суҳбатда бўлганман. У Самарқандда туғилган ва большевиклар таъқибидан қочиб кетишга мажбур бўлган. Афғонистон подшоси қабул қилиб, уни Франция ва Швейцарияга ишончли вакил этиб тайинлаган. У Парижда Афғонистон элчихонасини очиб, то нафақага чиққунига қадар шу ерда халқаро алоқалар билан шугулланган.

Нафақага чиққандан кейин Швейцарияга, Монтре шахри яқинидаги шифохонага кўчиб ўтган ва 1981 йили вафот этган. То вафотига қадар мен унинг ҳузурига бир неча марта борганман. Уни мусулмон жамоаси ва Афғонистон элчиси доктор Акрам талаби билан хусусий қабристонга дафн этганлар. Лекин унинг қабри қаерда эканини аниқ билмайман, менга хабар беришмаган.

Ислонбек маълумотли ва одобли инсон эди. У мен учун тенгсиз дўст эди.

А.САИДОВ: Амир Темур тўғрисида Испанияда Клавихо «Кундаликлар»идан ташқари ҳам бир қатор манбалар мавжуд. Масалан, Соҳибқирон-

нинг Кастилия қироли Ҳенрих III билан ёзишмалари ва ҳатто ашёвий далиллар бор. Масалан, Клавихога қўйилган қабр тошида шундай ёзувлар бор: «Бу ерда ҳурматга сазовор бўлган Руи Гонсалес де Клавихо ётибди. Тангри уни раҳмат айлаган бўлсин. Марҳум яхши ном қолдирган қирол Дон Генри ва унинг ўгли Дон Жон (ҳукмронлиги)да девон бошқарувчиси бўлган. Қирол Дон Генри Темур (саройи)га элчи этиб юборганди».⁵

Л.КЕРЕН: XVI аср испан солномаларида элчи Клавиходан олдин Темурбек билан учрашган кастилиялик биринчи элчи тўғрисида жозибали ҳикоялар бор. Шу биринчи элчи Анқара жанглари пайтида Туркияда бўлган. Элчи у ерда Амир Темурни ўз подшоси номидан зафар билан муборакбод қилган. Шу давр хабарларида айтилишича, Амир Темур уларни меҳрибонлик ва сахийлик билан қабул қилган. Уларни кузатиб қўйиш учун ўз элчиси Муҳаммад Кешийни ва Боязид қарамлигидан озод этган уч европалик канизакни қўшиб юборган. Бу аёллар Амир Темурнинг Кастилия қиролига тортиги бўлган.

Мазкур воқеа Шарқ солномаларининг ҳеч бирида, ҳатто «Зафарнома»да ҳам акс эттирилмаган. Шунинг учун бу бир эртақмикан деб қоласан киши. Бундан бир неча йил бурун бир испан тарихчиси Севилья шаҳридаги қадимги архивлардан кастилиялик икки элчи, Муҳаммад исмли чигатойлик элчи ва Амир Темур томонидан турклардан озод этилган уч нафар қиз ҳамкорлигида шаҳар ҳокимлигида қабул қилинган ҳақидаги 1403 йил февралига молик хабарни топиб олган. Ҳужжатда экспедиция аъзоларига кетган озиқ-овқат ва ётоқ харажатларининг рўйхати бор. Бу харажатларни, эҳтимол, қирол қайтариб бергандир.

Экспедиция Сеговиге, қирол Ҳенрих III турган жойга борган. Сегови ҳокими Иоанн де Контрерас собиқ асирларнинг энг каттаси Анжелинани кўриб, унга ошиқ бўлиб қолган. Бу ишқ воқеаси ҳақиқат. Бу жуфтдан авлодлар то шу кунларгача етиб келган.

Мен Анжелина авлоди Маркиз де Лозойа билан танишганман. У мени Сеговидаги Анжелина яшаган уйга таклиф қилган. Менга оила архивини, бобокалони суратини ва Анжелина билан тўйлари ҳақидаги гувоҳномани кўрсатган. Ҳат-

⁵Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1995 йил 22 сентябрь.



Дона Анжелина де
Греция бюсти

то мени Сеговидаги бир черковга бошлаб бориб, момоси Анжелинанинг қабрини ва унинг устига қўйилган чиройли қабр тошини кўрсатган.

Амир Темур элчиси Муҳаммад Кешийга келсак, элчи Клавихо «Кундаликлар»ида унинг номи зикр қилинган. Чунки бир йил ўтгач Муҳаммад Кеший элчи Клавихога Самар-

қанд сафарида ҳамкорлик қилган. Бу «Кундаликлар»да Амир Темур билан бевосита мулоқот қилган кишилар бўлганлигини исботловчи ва ўша даврга молик воқеаларни акс эттирувчи аниқ далиллар бор.

А.САИДОВ: XIV аср охири ва XV аср бошларида Амир Темур салтанатининг довруги Европа мамлакатларига қадар етиб борган. Франция, Англия, Испания, Генуя ва Византия каби давлатларнинг қироллари Соҳибқирон билан сиёсий, иқтисодий ва савдо алоқалари ўрнатишга интилганлар. Шу боис буюк ва музаффар жаҳонгир ҳузурига ўз элчиларини мунтазам юбориб турганлар. Амир Темур ташқи сиёсатида Европа йўналиши муҳим ўрин тутган. Соҳибқирон дипломатияси кўп қиррали бўлган.

Л.КЕРЕН: Амир Темурнинг Ғарб мамлакатлари билан ўрнатган дипломатиясини ҳозирги кунда биз «қўл чўзиш сиёсати» деб атаймиз. Бу дипломатия Европа ҳукмдорларига Амир Темур томонидан ҳеч қандай шахсий гараз, тижорий, рақиблик, ҳудудий ва дин муаммолари йўқлигини кўрсатиш ҳаракати бўлган. Бу дипломатия икки босқичда ва икки турли йўналишда кечган.

Анқара учун бўлган ҳал қилувчи жангда Темурбек европаликлар ва византияликларни бу низога аралашмасликка қатъий чақирган. Бунинг эвазига уларни муҳофаза этишни ваъда қилган. Ғалаба қозонганидан кейин Амир Темур ўз ваъдасида туриб, Боязид тутиб турган насроний тутқунларни озод этган, Европадаги йирик мамлакатлар ва Византия дахлсизлигини тан олган. У Франция, Англия, Генуя ва Венецияга эркин алоқаларни, савдогарлар ва мол алмашишни таклиф этган.

Шундай қилиб, у ўз юртининг Европа билан яқин қўшничилик қилиш ва ҳозирда «Буюк ипак йўли» деб аталадиган савдо йўлларини раванқ топтириш нияти борлигини кўрсатган. Франция қиролининг жавобидан, масалан, унинг хати яхши кутиб олингани кўриниб туради. Амир Темур вафоти ўша давр учун жуда илгор ғояли бу ришталарни узиб қўйган.

А.САИДОВ: Амир Темур – бутун бир тарихий даврга асос солган оламшумул шахс. Унинг ишларини темурийлар сулоласининг вакиллари давом эттирганлар. Шунинг учун Соҳибқирон тўғрисида ёзганда темурийларни четлаб ўтиб бўлмайди. Бу соҳада ҳали қилинадиган ишлар кўп.

Л.КЕРЕН: Мен темурийлар тарихини ва уларнинг ўша давр мамлакатлари ва тузумлари билан ўрнатган сиёсий ва маданий алоқалари тарихини бир қадар камроқ биламан. Ҳозиргача темурийларнинг умумий тарихи йўқ. Умид қилиш керакки, бир ёки бир неча тарихчи алоҳида-алоҳида ўрганилган манбаларни йиғиб, умумий бир асар яратади.

Темурийларнинг Ҳирот ва Шерозда ҳукмронлик қилганлари ҳақида маълум бўлган ҳужжатлар бу мавзунинг тарих ва тараққиёт учун жуда бой манба ҳамда туҳфа эканидан нишонадир. Темурийлар ҳаёти ва фаолияти тўғрисида мавжуд ҳужжатларнинг аксарияти «сарой хабарлари» бўлиб, ўрганишда воқеалар ҳақида нотўғри тасаввур беради.

Улар болалигида, ўспиринлик даврида нима билан шуғулланганлари, ўзларини қандай тутганлари, Темурбекка муносабатлари ва Амир Темур уларнинг тарбиясига ва кейинги тақдирига қандай таъсир кўрсатганини билишни истар эдик. Бу ҳақда катта ва ажойиб китоб ёзиш учун маълумотлар бор.

А.САИДОВ: Жуда тўғри. Ҳазрати Амир Темур шахсияти ва фаолияти шунчалик кўп қирралики, турли манбаларда ва асарларда ҳар хил фикр-мулоҳазаларни учратиш мумкин. Шу боис мулоқотимизни ўзбек матбуотида айтилган бир таклифни қўллаб-қувватлаш билан яқунласак. Ҳақиқатан ҳам, Соҳибқирон ҳаётини тўла қамраб олган, энг сўнгги маълумотларга таяниб битилган «Амир Темур қомуси»ни тузиб, нашр этиш вақти келди.



ТУРКИСТОНДА ПОМИДОР ВА БОШҚА САБЗАВОТ ЭКИН НАВЛАРИНИНГ ТАРҚАЛИШ ТАРИХИГА ДОИР

(XIX аср охири – XX аср бошлари)

Ж.Ш.Ҳайитов, БухДУ таянч докторанти

Резюме: Ушбу мақолада Туркистон ўлкасида помидор ва бошқа сабзавот экинлари тарқалиши тарихи масалалари манбалар асосида илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Таянч атамалар: Помидор, томат, карам, бақлажон, булғор қалампир, артишок, спаржа, маржумак, янги нав, ҳосил, ҳосилдорлик, рус деҳқонлари, ер эгалари, қишлоқ хўжалиги, деҳқончилик маданияти, янгилик, ўлчов бирликлари.

XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон ўлкасида Туркистон генерал-губернаторлиги (1867 – 1917) таркибида Фарғона, Самарқанд, Сирдарё, Етгисув, Каспийорги вилоятлари ва Россия империясига қарам бўлган (протекторат) Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги мавжуд бўлиб, 1870 йиллардан рус маъмурияти кўчириш сиёсатини амалга оширди. Ўлкадаги бой хомашё захираларини ўзлаштириш ва ташиб кетиш, қулай иқлимий имкониятлардан фойдаланиб янги экин навларини жорий этиш сиёсати орқали империянинг ишончли озиқ-овқат базасини яратиш чоралари кўрилди. Шу сабабли Туркистон генерал-губернаторлиги вилоятларига агрономлар, техник ходимлар, қишлоқ хўжалиги йўриқчилари сафарбар этилиб, мева, сабзавот, полиз етиштириш ва маҳсулотни қайта ишлаш учун ссуда ҳамда кредитлар бериш тартиби қўлланилди. Америка пахта нави, донли (бошқоқли) экинлар, мева ва узумнинг янги навларини ўлкага олиб келиш, улар парваришланадиган майдонларни кенгайтириш, мевали дарахтларни пайвандлаш, чагиштириш, иқлимлаштириш, селекция ишларини йўлга қўйиш учун тажриба станция ва махсус участкалар, «Ҳаваскор богбонлар» уюшмаси, қишлоқ хўжалиги бирдамлиги жамиятлари, қишлоқ хўжалиги кўргазмалари ташкил этилди.

Ҳозирда Ўзбекистонда етиштирилаётган ва маҳаллий аҳоли истеъмолидан ҳамда озиқ-овқатлари таомномасидан мустаҳкам ўрин олган кўпгина сабзавотлар Россия империяси мустамлакачилиги даврида ўлкамизга кириб келган.

Помидор (итальянча, *romodoro* – олтин олма) экин нави итузумдошлар оиласига мансуб. Помидорнинг асл вагани Жанубий Америка бўлиб, ил

бор XVI аср ўрталарида Европанинг Испания, Португалия, Италия давлатларида иқлимлаштирилган. Помидорнинг дунё бўйлаб 7 та нави кенг тарқалган, эртапишар (вегетация даври 48 – 53 кун), ўртапишар (60 – 65 кун), кечпишар (68 – 72 кун). Помидор бир йиллик экин бўлиб, унинг уруги Ўрта Осиёга XVIII аср охири – XIX аср бошларида рус сайёҳлари томонидан келтирилган деб ёзилади расмий адабиётларда [7. 138 – 139].

Тарихий манбалар помидор (томат)нинг рус кўчкинди деҳқонлари билан Туркистонга кириб келганлиги, маҳаллий аҳоли ушбу экин туридан аввал хабарсизлиги ҳақида маълумот беради. Туркистоннинг Тошкент, Андижон, Чўлдашт тажриба станцияларида Россия марказий районларидан олиб келинган помидор навлари маҳаллий шароитга мослаштирилиб, сўнгра рус ва маҳаллий аҳоли деҳқон хўжаликларига тарқатилган.

Чўл-дашт тажриба станциясига XX аср бошларида келтирилиб, иқлимлаштирилган помидор навлари ҳақида қуйидаги жадвал маълумот беради [5. 640].

Юқоридаги жадвалдан кўринадики, Туркистонга келтирилган помидор навлари Европадан олиб келинган бўлиб, уларнинг трофи, колоссь, микадо, чудо рынка, спаркс ирлеана, король Гумберт каби навлари иқлимлаштирилган. Агар ушбу навлар ҳосилдорлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилинса, бу навларни ҳосилдор, ўрта ҳосилдор, ҳосилдорлиги паст категорияларга ажратиш мумкин. Шунингдек, уларнинг вегетация даври ҳам оз бўлса-да бир-биридан фарқ қилади. Ҳар бир навнинг ўзига



Т/р	Навнинг номи	Экин вақти	Кучат қилиш пайти	Гуллаш вақти	Ҳосилга кириш вақти	Битта тупдаги кучатлар сони	Мевасининг вазни золотник	1 дес да ҳосилдорлиги пуд ҳисобида	Июль ойида етилган мевалари фоизи
1	Трофи	7 март	14 апрель	21 май	23 июнь	36	45	6800	30
2	Колоссъ	-//-	-//-	16/5	19/6	22	53	5600	40
3	Микадо	-//-	-//-	18/5	20/6	36	30	5200	46
4	Чудо рынка (бозор мўъжизаси)	-//-	-//-	13/5	16/6	32	27	3200	54
5	Спаркс ирлеана	-//-	-//-	12/5	16/6	25	24	2700	55
6	Король Гумберт	-//-	-//-	13/5	16/6	58	7	1600	45

хос хусусияти таҳлили эса бу борадаги тасаввурларимизни кенгайтиради.

1. Трофи нави – ҳосилдорлиги юқори, меваси йирик, ҳар бири 2,1 фунтгача (1 фунт – 409,5 гр), пўсти қалин, силлиқ, қора қизғиш тусда, таъми ширин, сувли, мустақкам, уруги кичик.

2. Колоссъ нави – ҳосилдорлиги жиҳатидан 2-ўринда турган, меваси барча навдаги помидорлардан йирик, 4,3 фунт, қорамтир қизил тусда, уруги кичик, камуруг, юмшоқ, силлиқ пўстли, таъми ширин, сувли.

3. Микадо нави – ҳосилдор, меваси йирик, ёрқин қизил тусда, таъми ширин-нордон, уруги кўп, пўсти қалин, сувли.

4. Чудо рынка (бозор мўъжизаси) – ҳосилдорлиги ўрта, тезпишар, меваси ўртгача катталиқда, доира шаклида, оч қизил тусли, таъми нордон, юмшоқ, сувли.

5. Спаркс ирлеана – энг тезпишар, ҳосилдорлиги ўртгача, меваси ўртгачадан кичик, 1,1 фунтгача, шақли олмага ўхшаш, мустақкам юмшоқ, оч қизил рангли, бутаси тик ўсувчан, таъми нордон-ширин, мазали.

6. Король Гумберт – ҳосилдорлиги қониқтиради, тезпишар, меваси майда, 10 золотниккача, қароли меваси шаклида, ёрқин қизил тусли, юмшоқ, нордон, таъми ёқимли, мустақкам, узоқ пайт сақлаш мумкин.

Юқорида таъриф берилган помидор навларидан ташқари Туркистон ўлкасида король ранних, перфексионъ каби помидор навлари ҳам иқлимлаштирилган. Ушбу навлар ҳосилдорлиги юқори бўлса-да, мевалари таъмининг даражаси паст, қурук, сувсиз, нордон бўлиб чиққан. Масалан, перфексионъ ўртгача миқдорда ҳосил берса-да, меваси шашқатор, нордон, силлиқ пўстли эканлиги туфайли тез эзилувчан эди [5. 641].

Рус кўчкиндилари билан келган помидорнинг «Волгоград» тури маҳаллий шароитга муваффақиятли иқлимлаштирилади. Ушбу помидордан томат олиш, консерва қилиш, уни бозорда сотиш учун эка бошлаганлар. Айрим манбаларда ўлкага помидорнинг 25 нави келтирилганлиги айтилади. XX аср бошларида рус «ҳаваскор деҳқонлари» П.И.Виницкий, А.А.Ливицкий Тошкент ярмаркасида ўз маҳаллий хўжаликларида етиштирган сабзавотларни, жумладан, помидорни намойиш қилишган. Помидорни яшиқларга жойлаштириш, қадоқлаб хорижга экспорт қилиш, унинг ҳосилдор навлари уругини тарқатишда ушбу шахслар юқори натижаларга эришишган [3. 209].

Помидор экинини маҳаллий аҳоли анча вақт ўз хўжалигида экмай келди. Аста-секин помидор ўзбек ва тожиклар томонидан бозорда сотиш учун экиладиган бўлди. Айрим пайтларда етиштирилган помидор белгиланган нархларда мева-сабзавотларни консервалаш хусусий корхоналарига топширилди. Шу сабабли В.И.Кушелевский: «Картошка, лавлаги, карам, сарғиш ва қизил рангли помидорлар маҳаллий аҳоли томонидан истеъмол қилинмайди. Чунки улар руслар билан келиб, бозорга чиқарилди», – деб ёзганди [3. 249].

Помидор билан бирга янги сабзавот экинларидан карам, гулкарам (карамнинг уч хил нави – Ж.Х.), бақлажон, спаржа, артишок, петрушка, пастернак, сарсабил, маржумак, гречка, фасоль (рус ловияси), капарна, қўзиқориннинг ўнлаб навлари XIX аср 70 – 90-йилларида ўлкага кириб келди. Шунингдек, энг аввал бақлажоннинг кириб келганлиги маълумотларда қайд этилади. Маҳаллий аҳоли сариқ сабзи экиб, деҳқончилик қиларди. Сабзининг қизил тусли ҳозирда кенг тарқалган тури ҳам Россия империяси шимолий қисмидан ўлкамизга

кириб келган. В.И.Кушелевскийнинг маълумоти-ча, Маргилон шаҳар врачлари Бунин капарнани тўплаб, уни маринадлаб, қишга сақлаш усулини кашф этди ва уни маҳаллий аҳолига тавсия қилди. Тошкент шаҳри дорихона мудирларидан бири Краузе капарнадан дори тайёрлади [3. 268 – 269].

Ўша пайтларда Туркистоннинг тоғли ҳудудларида спаржа ва артишок ёввойи ҳолда ўсиб, унинг уруғлари тўпланиб, сўнгра экиб маданийлаштирилган. Сабзи ва пийёзнинг янги навлари маҳаллий аҳоли томонидан ўзлаштирилиб, секин-аста улар истеъмол қилинадиган сабзавотлар қаторига кириб борди. Бозорда бир қоп сабзи 30 коп, бир бош карам 1 – 2 коп, 1 пуд пийёз 30 – 35 коп баҳоланган. Ушбу рақамлар Фарғона вилояти Андижон, Наманган, Қўқон, Ўш, Маргилон уездларига тегишлидир.

Ўрганилаётган даврда бақлажоннинг «Донской», «Булгор», «Исполин» навлари, карамнинг «Брибовский», «Булгор» каби навлари кенг тарқалиб, деҳқонлар бу янги экинларни ўстириш сирларини ўргандилар [4. 39 – 40].

Манбаларда тажриба-синов участка ва майдонларида етиштирилган ҳамда уруги тарқатилган сабзавот экинларининг вазни ҳақида ҳам аниқ маълумотлар учрайди. «Болгар артелида парвариланган карамнинг вазни 22 1/2 фунт, булгор қалампири 1/5 фунт, бақлажон 1 1/2 фунт, сабзи 3/4 фунт, петрушка ва пастернак 1/3 фунт, пийёз 1/2 фунтга ташкил этган. 1906, 1907, 1908 йилларда Туркистонда сабзавот экинларидан мўл-кўл ҳосил олинган» [2. 544]. Рус қишлоқ ва посёлкаларида янги экин навлари ҳам истеъмол қилиш учун, ҳам бозор эҳтиёжлари учун етиштирилган. Ўртача катталикдаги рус қишлоқларида 4 – 6, 5 – 10 десяти-нагача ер майдонлари янги сабзавотлар экиш учун

ажратилган. Айрим қишлоқларда барча хонадонларда сабзавотчилик хўжалиги мавжуд бўлган. Масалан, Сирдарё вилояти Авлиёота ва Чимкент уездлари оралигидаги Яс Кичу (22 хонадон) ва Мамат (12 хонадон) қишлоқларидаги ҳар бир оила ер майдонида сабзавотчилик йўлга қўйилган. Фарғона вилояти Андижон уездида помидорнинг хориждан келтирилган 4 та нави ва сабзавотларнинг ўнлаб навлари етиштирилган [6. 24 – 25].

Ҳуллас, XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистон ўлкасига помидор, карам (уч хил тури), лавлаги, кунгабоқар, бақлажон, спаржа, капарна, артишок, қизил сабзи сингари экинлар, булгор қалампири (аччиқ ва ширин) каби ўнлаб сабзавот турлари кириб келди. Ушбу сабзавот турларидан помидор, картошка, карам, бақлажон, булгор қалампири кабилар маҳаллий аҳоли кундалик маданий турмушига кенг миқёсда кириб, оммавий равишда истеъмол қилинадиган бўлди. Айрим экин турлари, жумладан, спаржа, маржумак, қўзиқорин, артишок кабилар оммалашиб кетмади. Ёг берадиган ўсимлик ҳисобланган кунгабоқар ҳам маҳаллий аҳоли хўжалик тармогида кенг илдиз отмади.

XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистон ўлкасига кириб келган турли-туман янги сабзавотлар ўлка аҳолиси озиқ-овқат истеъмоли маданияти ривожига ўз таъсирини ўтказди. Ўлка аҳолиси танаси, гавда тузилишида, қиёфасида ижобий ўзгаришлар юз берди. Айниқса, витаминларга бой помидор, картошка, карам, бақлажон, қанд лавлаги кабилар истеъмол аҳоли саломатлиги, инсон организмнинг жисмоний бақувватлиги, турли касалликларга нисбатан иммунитетни кучайтиришда муҳим роль ўйнади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бушев М. Показательное «нормальное» хозяйство в Голодной степи // Туркестанский сборник. Т.500. – С.206 – 210.
2. Известия о деятельности Туркестанского общества сельского хозяйства // Туркестанский сборник. Т.501. – С.541 – 545.
3. Кушелевский В.И. Материалы для медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. – Новый Маргелань, 1891. Т.2. – С.476.
4. На пути. По вопросу о колонизации края // Туркестанский сборник. Т.451. – С.37 – 40.
5. Робинзон В. Хлопчатник, люцерена и томаты // Туркестанский сборник. Т.536. – С.634 – 641.
6. Юферев В. Опыт о переселения нормы надела переселенцев в Туркестане // Туркестанский сборник. Т.473. – С.24 – 29.
7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: ЎзМЭ, 2004. Т.7. – Б.138 – 140.

Тақризчи: М.А.Алиқожиев, т.ф.н.



ФАРҒОНА ВА САМАРҚАНД ҚЎРБОШИЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ДОИР

Б.Тожибоев, АндУ, Фуқаролик жамияти назарияси кафедраси катта ўқитувчиси

Туркистон минтақасида совет ҳокимиятининг мажбуран ўрнатилиши, большевиклар ва уларнинг ҳарбий кучлари томонидан дастлабки демократик давлат бўлган Туркистон Мухторияти ҳукуматининг тугатилиши, сўнгра Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ҳудудларининг қизил армия томонидан босиб олиниши натижасида Туркистон халқлари, жумладан, ўзбеклар ҳам совет режимига қарши қуролли ҳаракатни бошлашди. Туркистон халқларининг миллий озодлик ҳаракатлари тарихида ўзига хос ўринга эга бўлган бу қуролли кураш 1918 – 1926 йилларда бутун Туркистонда олиб борилди.

Совет режимига қарши қуролли ҳаракат ва унинг ҳаракатлантирувчи кучлари ҳақида гап кетганда Фарғона ва Самарқанд қўрбошилари, уларнинг фаолияти, олиб борган жангларини ўрганиш ва келажак авлодга етказиш муҳим ҳисобланади.

Бу ўринда профессор Р.Т.Шамсутдинов 1995 йил 26 октябрда Нью-Йоркда яшаётган Шермуҳаммадбекнинг ўғли Давронбекнинг хонадонидан жияни Анварбеклар билан биргаликда бўлган учрашувда бир ҳужжатни қўлга киритган ва унинг тафсилотини «Фан ва турмуш» журналида (1997. №2. – Б.24 – 25) шарҳлаб берган.

1927 йил шаъбон ойининг биринчи кўнида Кобул шаҳридаги Боги Алимардонда Шермуҳаммадбек, укаси Нурмуҳаммадбек бир гуруҳ понсодлар билан тўпланишган. Андижонлик истиқлолчи Абдулхай Махдум котиблигида Фарғона водийсида 1917 – 1924 йиллардаги истиқлол уруши ҳақидаги маълумотларни эсга олиб, аниқлаб, келажак авлод учун бир ҳужжат тайёрлаган. Ҳужжат Абдулхай Махдум томонидан арабча имлода ёзилган. Бу ҳужжат Давронбек ака томонидан профессор Р.Шамсутдиновга тақдим этилган. Истиқлолчилик тарихига оид ноёб воқеалар қаторида Фарғона водийсида ис-

тиқлол кураши олиб борган лашкарбошилар, қўрбошилар ва улар ҳақида маълумотлар келтирилган. Муаллиф улардан энг муҳимларини келтирган. Биз улардан айримларини беришни лозим билдик.

Шермуҳаммадбек 23 ёшида истиқлол курашига киришган, аввал 13 минг, сўнгра 103 минг аскарга эга бўлган. Унинг етакчилигида Эргашбек, Мадаминбек, Холхўжа Эшон, Парпибек, Муҳиддинбек, Омон Паҳлавон, Нурмуҳаммадбек, Жонибек қозилар миллий озодлик урушини олиб борган.

Қўқонлик Эргашбек 35 ёшида 6 йил уруш олиб борган, 12 минг аскари бўлган, муҳораба майдонида шаҳид бўлган. Маргилонлик Мадаминбек 23 ёшида 10 минг аскари билан 3 йил уруш олиб борган, 1920 йил майида шаҳид бўлган. 43 ёшли Холхўжа Ўш шаҳридан, 8 та лашкарбошиси, 10 минг аскари бўлган, бир гуруҳ йигитлари билан Олой водийсида қор кўчкиси остида қолиб кетган. Андижонлик Парпибек қўрбоши 35 ёшида 8 нафар лашкарбошига, 10 минг жангчига эга бўлиб, 5 йил кураш олиб борган, 1921 йили Сузокда шаҳид бўлган. Кўкжарлик Муҳиддинбек 40 ёшидан бошлаб 11 та лашкарбоши, 13 минг қирғиз йигитидан иборат жангчилар билан 7 йил уруш олиб бориб шаҳид бўлган. Наманганлик Омон полвон 6 лашкарбоши, 8 минг аскар билан 7 йил жанг қилиб шаҳид бўлган. Якка-тутлик Нурмуҳаммадбек 18 ёшидан 7 йил уруш олиб борган, 1975 йили Туркияда вафот этган. Ўзганлик Жонибек қози миллий кураш бошлаганида 50 ёшда эди. У 4 нафар лашкарбошига ва 10 минг аскарга эга бўлиб, 7 йил уруш олиб борган, Шарқий Туркистонга муҳожир бўлиб ўтиб кетган.

Қўмондон Эргашбек қарамогидаги лашкарбошилар қўйидагилар эди: Қўқонда Эшмуҳаммадбек, Олтиариқда Тўйчибек, Кўштегирмонда Мирзо Улугбек, Яйпанда Ислон Паҳлавон, Бе-



шарикда Ҳамдам Ҳожи, олтиариклик Султон Ғозий.

Мадаминбек қарамогида Найзақайрагочдан Солиҳ Махдумбек, Намангандан Исмоил Паҳлавон, Қалмоқдан Усмонбек, Логондан Фаёз Махдум, Оқёрдан Қозоқбойбек, Қоракийикдан Ҳошим Паҳлавон, Имомотадан қўмондон Холхўжа Соҳиб қори, Аравондан Йўлчибек, Булоқбошидан Теша қайсар, Ўшдан Саид Аҳмадбек, Оқсоқ Ниёз ва Нугмонбек, Сузоқдан Мулла Умирзоқбек, Султаноободдан Йўлдош Паҳлавон каби лашкарбошилар истиқлол учун жангларда қатнашганлар. Уларнинг ҳар бирида 1200 нафардан ўзбек ўғлонлари бор эди.

Парпибек қўрбоши қарамогида Хирабекдан Юнусбек қўрбоши, Омончўрадан Исроилбек, Урганжидан Маҳкам Ҳожи, Мурободдан Қозоқбой, Мулла Абдураззоқ, Андижондан Охунжон, Мирза тоға лашкарбошилар мустақиллик учун бўлган жангларда қатнашганлар.

Омон полвон қўмондонлигида Раҳмонқулбек, Йўлдош Чумоқ, Сотиболди қози, Рўзимухаммадбек, Ҳожитўрабек, Бойтуманбек лашкарбошилар ҳам фаолият олиб борганлар.

Нурмуҳаммадбек қўмондонлигида 25 нафар лашкарбоши, қўмондон Жонибек қозида 4 нафар лашкарбоши жанг олиб борган.¹

Самарқанд вилоятидаги қуролли ватанпарварларга Очилбек (1883 – 1923) ва Баҳромбек (? – 1922) каби қўрбошилар бошчилик қилганлар. Самарқанд уездида Ҳамроқулбек, Ҳожи Абдулқодир, Мулла Каримжон, Ислом; Жиззах уездида Ниёзбек (Маъмур Ниёзийбек), Туроббек, Абдулхамидбек; Каттақўргон уездида Қорақулбек; Хўжанд уездида Холбўтабек, Норқўзи, Машариф, Турдибой, Турсунбой, Мулла Жавлон, Муҳаммад Мурод каби қўрбошилар² большевиклар ва уларнинг ҳарбий кучлари бўлган қизил армияга қарши курашга раҳбарлик қилдилар.

Шу ўринда Самарқанддаги қуролли ҳарбий муҳолифатга етакчилик қилган бош қўмондон Очилбек ва унинг ўринбосари Баҳромбек каби

қўрбошилар ҳаёти ва фаолияти хусусида қисқача тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Чунки Самарқанд вилоятидаги қўрбошилар ўртасида Очилбек ва Баҳромбек алоҳида ажралиб туради.

Очилбек 1883 йили Самарқанднинг шарқ томонидаги Қўштамғали қишлоғида (Самарқанд уездининг Сиёб волостида жойлашган) Эшназар хонадонидан тугилган, ўзбекларнинг найман уруғидан бўлган. 1917 – 1923 йилларда Туркистон минтақасидаги сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси бўлган Аҳмад Заки Валидий Тўғоннинг кейинчалик гувоҳлик беришича, «Очилбек йирик гавдали, жуда меҳр-муҳаббатли киши... Ниҳоятда жасур, ахлоқ-одобли, меҳр-оқибатли, аввалдан ўйлаб иш юритадиган, ҳалол бир инсон. Россия ва дунё сиёсати ҳақида газеталарни ўқиб, фикр қилади. Даврон Очил деган гайратли, ишнинг кўзини биладиган ўгли ҳам ёнида эди».³

Туркиялик тадқиқотчи Али Бодомчининг ёзишича, «Очилбек Самарқанд ва унинг теварағида мустақам ҳокимликка эришган кучли бир қўрбошидир. Самарқанд-Зарафшон водийси ҳудудидан Матчо тоғлари этакларига қадар бўлган жойларда Очилбек ягона ҳоким бўлган».⁴

1918 йил охирларидан Очилбек қизил аскарларга қарши курашни бошлади. У жасур ва мардлиги учун халқ орасида Очил Дов (Очилдев) сифатида танилди. Тез орада у Самарқанд вилоятидаги қўзғолончиларнинг раҳбарига ва қўрбошиларнинг бош қўмондонига айланди. 1921 йилдан бошлаб Очилбек миллий зиёлилар томонидан тузилган «Туркистон Миллий Бирлиги» (ТМБ)⁵ ташкилоти кўрсатмалари асосида фаолият кўрсатиб, ўз ҳаракатларини кучай-

³ Zeki Velidi Togan. Hatıralar. Turkistan ve Dider Musluman Dogu Turklerini Milli Yarliik ve kultur Mucadeleleri. 2-baski. – Ankara, 1999. – S.339, 352.

⁴ Ali Bademci. 1917 – 1934. Turkistan Milli Istiklal Hareketi ve Enver Pasa. Korbasilar. – Istanbul, 1975. 1-cilt. – S.502.

⁵ «Туркистон Миллий Бирлиги» – Туркистон тараққийпарварлари ташкил қилган сиёсий ташкилот (1921 – 1942). У дастлаб «Урта Осиё миллий мусулмон жамиятлари федерацияси» номи билан Бухорода 1921 йил августда пайдо бўлган. Ташкилотнинг асосий мақсади Туркистон минтақасининг тулик мустақиллигига эришиб, яхлит давлат тузиш бўлган. Валидий ташкилотнинг Марказий Қўмитаси раиси этиб сайланган. Унинг таркибига Туркистоннинг нуфузли сиёсий арбоблари кирган, ташкилотнинг дастури тасдиқланган. «Туркистон Миллий Бирлиги» билан «Миллий Иттиҳод» ташкилоти ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатган.

¹ Шамсутдинов Р. Фарғона қўрбошилари // Фан ва турмуш. 1997. №2. – Б.24 – 25.

² Фарғона ВДА (Фарғона вилояти давлат архиви). 435-фонд 1-руйхат. 44-иш. 76-варақ ва унинг орқаси.



тирди. Бу пайтда унинг қўл остида 4000 – 5000 йигит бўлган. Очилбек ҳузурида ТМБ вакили зиёли Қори Комил, Челак уламулари наслидан Катта Махдум, Кичик Махдум, Самарқанд вилояти қорақалпоқларидан Очил Тўқсабо сиёсий маслаҳатчи сифатида иш олиб бордилар.⁶ 1920 – 1923 йилларда Очилбек қўрбошининг ихтиёрида 5000 йигит бўлган. Бектош Назруллаев 1921 – 1923 йилларда Очилбек қўрбошининг котиби вазифасини бажарган. «Иттиҳоди ислом» яширин ташкилоти ўз вакиллари орқали Очилбекни гоёвий жиҳатдан руҳлантириб турган. Очилбек (Очилдов Эшназар ўғли) ўз атрофига Файзуллаҳужа ва Ёрқора каби йигитларни тўплаган.⁷ 1923 йил 9 майда Китоб районидаги Варганза қишлоғида бўлган жангда Очилдов (Очилбек қўрбоши) ўлдирилди.⁸

Самарқанд яқинидаги Ургутда Ҳожи Абдулқодир, Каттақўргон теварагида Қорақулбек (қарлуқ уруғидан), Жиззах атрофида Маъмурбек (Маъмур Ниёзийбек; Маъмурбек Йўлдошев)⁹ ва Туроббек (Туроббек Тўрабеков)¹⁰, Сангзорда Абдулҳамидбек, Қўйтошда Мулла Ҳамроқул [Ҳамроқулбек], Матчо беклигида Асрорхон, Нусратшоҳ ва Ҳамидбек, Уратепада Холбўтабек каби қўрбошилар Очилбек раҳбарлигида фаолият кўрсатишган.

Баҳромбек Самарқанд шаҳридан 4 км жанубда жойлашган Даштак даҳасининг Денов қишлоғида Абдуғаффор қассоб оиласида туғилган, туркий баҳрин уруғидан бўлган. Улар оилада уч ака-ука: Баён, Баҳром ва Шаҳриёр бўлишган.¹¹ У

⁶ Раджабов К.К. Вооруженное движение в Туркестанском крае против советского режима (1918 – 1924 гг.). Автореф. дисс... док. ист. наук. – Ташкент, 2005. – С.51.

⁷ Ўрунхўжаев М. Унутилмас кунлар. – Б.101.

⁸ Самарқанд ВДА. 1685-фонд. 1-руйхат. 222-иш. 160-варақ.

⁹ Маъмур Ниёзийбек Жиззахнинг Жом қишлоғидан бўлиб, қирқсадоқ уруғидан эди. 1916 йил қўзғолонида қатнашган. Истиқлолчилик ҳаракати мағлубиятга учрагач, у хорижга жўнаб кетди. Маъмур Ниёзийбек кейинчалик Туркияга келиб, Усмон Хўжа ва Валидийга «Янги Туркистон» журналинини нашр қилишда ёрдам берди. Темир йўл қурилиши идораларида ишлади. 1929 йили Товшонли шаҳрида вафот этди.

¹⁰ Туроббек қўрбоши эски ўзбек уруғларидан бирининг вакили бўлиб, Жиззахнинг Ажи қишлоғидан чиққан. Унинг 200 нафарга яқин йигити бўлган. Жиззах билан Фарғона орасидаги тоғлар унинг қўлида бўлган. Туроббек хорижга жўнагач Эронда большевиклар қўлига тушиб қолади. Машҳаддан яширинча олиб чиқилиб, узоқ қийноқлардан кейин Тошкентда қатл қилинади. Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракати тарихи тўғрисида Туроббекнинг Хуросондан туриб Валидийга ёзган хатларида муҳим маълумотлар сақланиб қолган.

¹¹ Ўрунхўжаев М. Унутилмас кунлар. – Б.94 – 95.

Самарқандда 1917 йил февралда тузилган «Шўро Исломия» ташкилотининг фаолларидан бири эди. Баҳромбек маълум муддат Бухоро амирлиги ҳудудидаги Шаҳрисабз вилоятида яшагач, 1920 йилда яна Самарқандга қайтиб, Чашмайиоб, Довул, Қоратепа ва Ургут тоғларида яшириниб юриб, 150 – 160 кишилик қуролли гуруҳни вужудга келтиради.¹² Кейинчалик унинг қўл остида 2000 нафардан ортиқ йигит бўлган, у, хусусан, тожиклар ўртасида катта шуҳрат қозонган эди. 1922 йил ёзида чекистлар ва жосуслар ёрдамида Баҳромбек Абдуғафуров ва укаси Шаҳриёр қўрбоши қўлга олинди ҳамда Самарқандда отиб ўлдирилди.

Баҳромбекнинг яқин ёрдамчиси Самарқанд атрофидаги Пастқишлоқ [Пастдаргом]да туғилган Ҳамроқулбек [Мулла Ҳамроқул]¹³ эди. Ҳамроқулбек қўрбоши ҳам ориятли, қаҳрамон, ўқимишли шахс бўлган. Валидийнинг ёзишича, Ҳамроқулбек кейинчалик Истанбулга келган. Унинг муҳожирликдаги ҳаёти асосан Афғонистонда кечди.¹⁴

Аҳмад Заки Валидий Тўгон умрининг охирида ёзган «Хотиралар» китобининг «Самарқанд босмачилари» номли фаслида Очилбек ва Баҳромбек қўрбошилардан ташқари бу даврда вилоят ҳудудида фаолият кўрсатган Қорақулбек, Ҳожи Абдулқодир, Ниёзийбек, Туроббек, Мулла Ҳамроқул, Холбўтабек қўрбошилар ҳақида қуйидаги маълумотларни келтириб ўтади.

«Самарқанд шаҳри гарбида, Каттақўргон теварагида *Қорақулбек* 500 кишилик қарлуқ йигитлари билан Зарафшоннинг жануброғидаги тоғ ораларини тулиқ ўз назорати остига олган эди. Ургут тожикларидан *Ҳожи Абдулқодир* исмли киши ҳам бор эди. У рус тилини биларди, совет ҳокимиятига ҳам хизмат қилган, ўқтам фикрли бир инсон... Шунингдек, Жиззахнинг Нурота томонларидаги тоғларда яшган тожиклардан *Мулла Ҳамроқул* ҳам иш олиб борди. У Қўйтош деган жойни макон тутди... Самарқанд вилоятига ҳаёт бериб турган Зараф-

¹² Ўша жойда.

¹³ Ҳамроқулбек ёки Мулла Ҳамроқул совет ҳокимиятининг расмий ҳужжатларида Дарғом районида 1921 йилдан фаолият кўрсатган Ҳамроқул Ражаб (Ҳамроқул Ражабов) номи билан юритилади.

¹⁴ Аҳмад Заки Валидий Тўгон. Хотиралар. Туркистонда мустақиллик ва озодлик учун курашлар тарихи. – Б.377 – 378.



шон дарёсининг Мачай [Матчо] тоғларидаги тожиклар бошлиги *Асрорхон* билан *Ҳамидбек*, Сангзор ҳавзаси ўзбекларидан *Абдулҳамидбек* исмли кишилар ҳам *Очилбек* ихтиёрида эди.

Самарқанд ва Фарғона ўртасидаги *Ўратепа* атрофидаги тоғлар *Холбўтабек* деган бир қўрбошининг қўлида бўлди, 500 га яқин йигити бор эди. Ҳақиқий ботир, русларга қарши бўлган бир ватанпарвар. Йигитлари ва яқинлари уни жуда ақлли, тadbиркор, истиқболни кўриб иш қиладиган, дунё аҳволини тушунадиган инсон сифатида кадрлар эдилар, унинг бир ёрдамчиси бўлиб, молиявий ишлар билан шуғулланарди, чамаси, юз уруғидан эди».¹⁵

Валидий Самарқанд қўрбошилари ва «босмачилари» ҳақидаги ўз мулоҳазаларини қуйидаги фикр билан якунлайди: «Руслар босмачиларнинг ҳаммаларини эски таловчи, босқинчи деб ҳисоблашади. Лекин Самарқанд вилоятидаги босмачиларнинг кўпчилики раҳбарлари Ватанига содиқ, фидойи, дунё аҳволидан воқиф кишилар эдилар».¹⁶

Туркиялик тадқиқотчи Али Бодомчининг қўрбошилар хотиралари ҳамда Адана шаҳрида сақланаётган қўрбошилар архиви маълумотларига таяниб ўз китобининг «Шарқий Бухоро ва Самарқанд – Зарафшон қўрбошилари» қисмида ёзишича, *Мулла Ҳамроқулбек* бошида 100 нафар йигит билан фаолиятини бошлаб, кейинчалик уларнинг миқдорини 1000 нафардан оширган. *Мулла Тоғай*, *Мулла Мустафо*, *Хизирбек*, *Маллабой Худоёр*, *Мулла Дехқон*, *Муҳаммад* исмли йигитлар *Мулла Ҳамроқулнинг* минтақа қўрбошилари эди. Булар Ингичка қасабаси (посёлкаси) ва унинг атрофларида ҳокимлик қилганлар. Бундан ташқари, Янгиқўргонда *Ҳамро қўрбоши*, *Мўйтанлида Жўрабек*, *Оқтепада Мулла Қорақул*, *Шўрчада Муҳаммадқул Эшон* кабилар бошқа минтақа қўрбошилари эдилар.¹⁷

«*Холбўтабек қўрбоши* Самарқанд, Фарғона, Бухоро ҳудудларини боғлаб турган *Ўратепа* ва унинг атроф тоғларидаги йигитларнинг қўмон-

дони эди. Унинг 500 нафарга яқин йигитлари бўлиб, у жуда жасур қўрбоши бўлган. Саидмурод ва *Мулла Мустафо* унинг маслаҳатчилари эди.

Нусратшоҳ қўрбоши эса *Ҳамидбек*, *Абдумажидбек*, *Саид Акрамхон*, *Асрорхон* каби йигитлари билан бутун Матчода ҳоким эди. Ҳаммаси мунаввар эдилар ва уларнинг тахминан 2000 нафарга яқин аскарлари бўлган».¹⁸

Бу пайтда Самарқанд уездида фаол ҳаракат қилган қўрбошилардан яна бири *Очил Тўқсабо* ёки *Кичик Очил* ҳисобланади. Уни *Очилбек* (*Очилдов*) билан чалкаштириб юбормаслик лозим. *Очил Тўқсабо* бошчилигида *Зарафшон*нинг ўнг қирғогидаги *Эрмат Полвон*, *Ғани юзбоши*, *Мамат юзбоши*, *Уммат юзбоши*, *Бойқўзи*, *Олим чўлоқ*, *Сарибой*, *Муҳаммадқул*, *Убайдулло*, *Одина махсум*, *Ҳомид махсум* ва *Мардихўжа* каби қўрбоши ва понсодлар фаолият кўрсатганлар.

Хулоса қилиб айтганда, Фарғона ва Самарқанд қўрбошиларининг жанговар фаолияти Туркистон минтақасида совет режимига қарши олиб борилган ҳаёт-мамот курашида катта аҳамият касб этди. Катта ва кичик *Эргаш*, *Мадаминбек*, *Шермуҳаммадбек*, *Очилбек* ҳамда *Баҳромбек* бошчилигидаги ўнлаб қўрбошилар гуруҳлари сафидаги истиқдолчилар 1918 – 1926 йилларда бутун Туркистонда совет ҳокимиятининг ҳарбий кучлари бўлган қизил армия қисмлари, ППУ ва ЧОН отрядлари, милиционерлар ҳамда турли «кўнгилли дружиналар»га қарши курашдилар. Хусусан, қўрбошилар фаолияти таҳсинга сазовор бўлди, шунинг учун ҳам совет ҳокимияти вакиллари, айниқса, коммунистлар ва чекистлар уларни меҳнаткаш халқ оmmasи олдида обрўсизлантириш учун бутун воситаларни ишга солди. Жангларда мағлубиятга учрамаган ёки ҳалок бўлмаган қўрбошиларнинг кўпчилиги большевиклар томонидан ҳийла ва макр йўли билан йўқотилди.

Тақризчи: Қ.К.Ражабов, т.ф.д., профессор

¹⁵ Курсатилган манба. – Б.378 – 379.

¹⁶ Курсатилган манба. – Б.379.

¹⁷ Ali Bademci. 1917 – 1934. Turkistan Millî Istiklal Hareketi ve Enver Pasa. Korbasiilar. – Istanbul, 1975. 1-cilt. –S.502 – 504.

¹⁸ Курсатилган манба. – S.504.



ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДА ФАШИЗМ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАГА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИНГ ҚЎШГАН МУНОСИБ ҲИССАСИ ТАРИХИНИ ЯРАТИШ ХУСУСИДА

Ўзбекистон мустақиллигининг 2016 йил охири – 2017 йил бошларидан бошланган янги тарихий босқичида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий соҳада юз бераётган буюк ўзгаришларга жаҳон жамоатчилиги, давлат арбоблари, дунёвий, диний илм даргалари, турли хил халқаро ташкилотлар раҳбарлари юқори даражада баҳо бермоқдалар. Улар кўп минг йиллик бетақрор, ҳавас қилса арзийдиган, бой ва кўркам тарихимизга ҳам очиқ-ошқора тан бермоқдалар. Биз буни Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Осиё, Европа, Америка давлатларига расмий ташрифларидаги учрашувларда ҳамда хориждан келаётган давлат ва жамоат, илм-фан, санъат ва маданият арбоблари билан бўлган мулоқотларда билдириляётган баҳолардан ҳам яққол билмоқдамиз. Ватанимизнинг узок ва яқин ўтмиши ҳақида юртбошимиз томонидан концептуал, методологик, тарихийлик, байналмилалчилик, ватанпарварлик руҳи сингдирилган, ёш авлодни маънавий-марифий жиҳатдан тарбиялашда бениҳоя катта аҳамиятта эга қарашлар илгари сурилмоқда, тарихимизда мавжуд бўлган кемтикларни тўлдириш, тарихимизнинг ҳалигача ўрганилмаган саҳифаларини тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида халқ билан доимий мулоқотда бўлиш, одамларнинг ташвиш-муаммоларини ҳал этиш, уларни рози қилиш фаолиятимиз мезонига айланаётгани, инсон кадр-қимматини эъозлаш, бунинг учун ҳар қандай ҳолатда ҳам адолатни қарор топтиришга қодир бўлган одил судлов тизимини шакллантириш энг устувор вазифага айлангани алоҳида таъкидланди. Бу тарихий нутқда инсонпарварлик тамойили асосида мутлақо янги амалиёт жорий

этиляётганига алоҳида ургу берилди ва бу борада амалга ошириляётган аниқ тадбирлар яққол кўрсатилди. Нутқда келтирилган «... жиноят йўлига адашиб кириб, қилмишига чин дилдан пушаймон бўлган 993 нафар фуқаро, жумладан, 456 нафар йигит-қиз ҳамда 113 нафар аёллар Ёшлар иттифоқи, маҳаллалар ва хотин-қизлар кўмиталарининг кафилиги билан жазодан озод қилинди. Шунингдек, жазони ўтаётган 3 минг 333 нафар, жумладан, фаолияти ман этилган ташкилотларга кириб қолган 646 нафар маҳкум афв этилиб, оиласи бағрига қайтарилди»¹ деган маълумотлар барча-барчанинг розилиги ва қувончига сабаб бўлди.

Ш.М.Мирзиёевнинг минбардан туриб «Улуг байрам – Конституция куни муносабати билан бугун махсус фармонни имзоладим. Унга кўра, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган ва айни пайтда озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган 136 нафар шахс афв этилди»² деб айтгани улкан анжуман аҳли томонидан катта қувонч билан қарши олинди. Президентимизнинг «Бир пайтлар диний-экстремистик гуруҳларга алоқаси бор деб назоратга олинган 20 мингдан зиёд фуқаро «махсус» ҳисоблардан чиқарилди», «Узоқ йиллар мамлакатимизда истиқомат қилиб, жамият равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ва биз билан ватандош бўлишни орзу қилган 2 минг 528 нафар шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинди»³ деб айтганида анжуман зали гулдурос қарсақларга тўлди.

Юртбошимиз нигоҳи, қалб қўри, ҳаваси, таасуфи Ўзбекистоннинг совет давридаги ҳам қаҳрамонона, ҳам фожиавий саҳифаларга қаратилгани ҳам бутун халқимизни беҳад қувонтирмоқда.

¹ <http://www.uza.uz/oz/politics/bilimli-avlod-buyuk-kelazhakning-tadbirkor-khal-farovon-ayet-08-12-2018>

² ўша жойда.

³ ўша жойда.



Ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз, буюк аجدодларимиз меросини тиклаш, ўрганиш ва тарғиб-ташвиқ этиш, бу тарих билан халқимиз, айниқса, ёшларни қуроллантириш, тарбиялашдек катта, масъулиятли, лекин шарафли, хайрли ишга ҳам бош-қош бўлиб турганидан халқимиз беҳад хурсанд. Бунинг ёрқин мисолларидан бири Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 31 майда **«Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган галабага Ўзбекистон халқининг қўшган муносиб ҳиссасига бағишланган китоб-альбомни нашр этиш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Ф-5294-сонли фармойишидир. Ҳақиқатан ҳам, мазкур фармойишда тарихимизнинг муҳим саҳифаси – Иккинчи жаҳон урушида жаҳон цивилизациясини фашизм балосидан қутқозишдек буюк галабага Ўзбекистон халқининг қўшган буюк ҳиссасини, машаққатли ҳаётини ҳар томонлама акс эттирадиган яхлит илмий-тарихий китоб ёки ҳужжатлар тўплами шу пайтга қадар яратилмагани афсус билан қайд этилган. Халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушида эришилган буюк галабага қўшган муносиб ҳиссасини тарихий ҳужжатлар асосида кўрсатиш, фашизмга қарши жанглarda қатнашган юртдошларимизнинг номларини абадийлаштириш, ёш авлодни мардлик, Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш энг асосий вазифалардан бири эканлиги таъкидланган.

«Афсуски, – деб кўрсатилади фармойишда, – Ўзбекистон халқининг бу қонли уруш даврида фронтда ва фронт ортида кечган огир ва машаққатли ҳаёти, фашизм устидан қозонилган галабага қўшган улкан ҳиссасини ўзида ҳар томонлама акс эттирадиган яхлит илмий-тарихий китоб ёки ҳужжатлар тўплами шу пайтга қадар яратилмаган. Уруш йилларида халқимиз томонидан амалга оширилган буюк ишларни, унинг кучли ирода ва қаҳрамонлигини, ўша давр ҳақиқатини келгуси авлодларга аниқ мисоллар асосида етказиш, уларни ватанпарварлик ва жасорат руҳида тарбиялаш борасида бундай манбалар гоят муҳим аҳамиятга эга».⁴

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида миллий ўзлгимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий тадқиқот ишларини кучайтириш,

гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозимлиги кўрсатилди. **«Ўтмишга берилган баҳо, – дейилади мурожаатномада, – албатта, холисона, энг муҳими, турли мафкуравий қарашлардан холи бўлиши зарур».** Ўтмишдаги буюк саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий гурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиш кераклиги айтилди. Шу мақсадда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибида **«Ўзбекистон тарихи»** каналини ташкил этиб, илмий жамоатчилик, ижодкор зиёлиларимиз билан биргаликда унинг дастурларини пухта шакллантириш кераклиги қайд этилди.⁵

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган галабага Ўзбекистон халқи қўшган муносиб ҳиссага бағишланган китоб-альбомни тайёрлаш ва нашр этиш ишларини мувофиқлаштириш бўйича ташкилий қўмитанинг йигилиши 2018 йил 23 июнда ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Девонининг масъул ходимлари, вазирликлар, идоралар, ижодий уюшмалар, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари ва вакиллари иштирок этдилар.

Кун тартибидаги масала бўйича билдирилган мулоҳаза ва таклифлардан келиб чиқиб йигилиш қуйидагича қарор қилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги фармойишига Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган галабага Ўзбекистон халқининг қўшган муносиб ҳиссасига бағишланган китоб-альбомни тайёрлаш ва нашр этиш ишларини мувофиқлаштириш бўйича Ишчи гуруҳ таркиби 1-иловага, амалий чора-тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ишчи гуруҳ амалга оширган ишлар ҳақида Ташкилий қўмитага мунтазам ҳисобот бериб турсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ташкилий қўмита раиси зиммасига юклатилсин».⁶

Фармойиш ва унда кўрсатилган вазифаларни бажариш, тадқиқот ишларини олиб бориш билан боглиқ тадбирлар, муайян илмий концепция лойиҳаси бўйича амалга ошириладиган изланишлар, фикр-ғоялар, таклиф ва мулоҳазалар юзасидан «Водийнома» журнали таҳририяти «Давра суҳбати» ўтказишни лозим билди.

⁴ https://nrm.uz/content?doc=545315_&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana

⁵ Халқ сўзи. 2018 йил 29 декабрь.

⁶ Уша жойда.



КИТОБ-АЛЬБОМНИ ТАЙЁРЛАШГА ОИД МУЛОҲАЗА ВА ТАКЛИФЛАР

Р.Т.Шамсутдинов, АнДУ, т.ф.д., проф.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 31 майда имзолаган фармойишида «1941 – 1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида кўп миллатли Ўзбекистон халқи жанг майдонларида ва фронт ортида улкан жасорат ва матонат кўрсатиб, фашизм устидан қозонилган галабани таъминлашга муносиб ҳисса қўшди. Урушда қатнашган 1,5 миллиондан ортиқ ўзбекистонликларнинг ярим миллиондан ортиги ҳалок бўлди, 133 мингга яқини бедарак йўқолди, 60 мингдан зиёди ногирон бўлиб қайтди»¹ деб кўрсатилган. Фронтга сафарбар қилинган 1,5 миллион ўзбекистонликнинг 800 минг нафари тақдири не кечган деган савол туғилади. Бу саволга илмий, далилий ашёларга асосланган жавобни бериш Ўзбекистон тарихчиларининг гарданидаги масъулиятли вазифадир. Бу муаммо ечимини топиш орқали Ўзбекистон халқининг буюк галабага қўшган ҳиссасини янада яққолроқ, кенгроқ кўрсатиш мумкин бўлади. Гап Ўзбекистондан сафарбар қилинган 800 минг юртдошимиз тақдири ҳақида бормоқда. Бундай ҳолат тадқиқотчиларимизнинг масалала жиддий қарамаганлиги натижаси бўлса керак. Иккинчи жаҳон урушида ҳар хил объектив ва субъектив сабаблар туфайли ҳарбий фронтларда жанг олиб бораётган ҳарбий кучлар сафида асирга тушиш ҳолатлари жуда кўп бўлган. Масалан, генерал Власов 300000 аскар, зобит, генераллар билан асирга тушган ва душман томонига ўтиб кетган. Россия, Украина, Белоруссия, Кавказорти, Ўрта Осиё, Қозоғистон, Сибир ва бошқа ҳудудлардан армияга сафарбар қилинган ҳарбийлардан маълум қисми ҳам душман томонидан асир олинган барчага маълум. Ҳарбий асирлар масаласига, совет империяси қулагач, янгича нуқтаи назардан қаралмоқда, асирлар ҳақида чин ҳақиқат рўёбга чиқмоқда. Собиқ асирларни реабилитация қилиш жараёнлари ҳам юз бермоқда. Ҳарбий асирлар тақдири

одилона ўрганилмоқда, кўплари афв этилмоқда. Бу ҳақда мақолалар, рисолалар, китоблар яратилмоқда. Масалан, Власов армиясидагиларнинг номма-ном рўйхати эълон қилинди. Ҳарбий асирлар ҳақида диссертациялар ёзилмоқда. Бу ўринда 2017 йили Россия Фанлар академияси Санкт-Петербург Тарих институти диссертация кенгашида Кирилл Александров «**Генералитет и офицерские кадры вооруженных формирований Комитета освобождения народов России**» мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Тадқиқотчи Власов армиясидаги 200 га яқин генерал ва зобитларнинг таржимаи ҳолини ҳам ўрганган. Ҳарбий асирлар ҳақида бор ҳақиқатни рўёбга чиқариш борасида собиқ СССРнинг бошқа ҳудудларида ҳам тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

«Туркистон легиони» ташкилотчиларидан бири Мустафо Чўқайнинг 12 жилдлик асарлари тўплами 2014 йили Олма-отада чоп этилди. 11-жилдда 2 та ҳужжат эълон қилинган. Биринчиси «Выступления М. Чокая перед военнопленными – туркестанцами в лагере Сувалки в сентябре 1941 год». Шу нутқни айнан келтиришни лозим билдик:

«Мои дорогие соотечественники!

Сердце мое обливается кровью, глядя на вас. Неужели вы заслужили, чтобы вас держали за колючей проволокой? Нет! Да видит Аллах, свободолюбивым сынам Туркестана места в беспредельных степях нашей родины. И я верю, что Он поможет нам освободится из немецкого плена и зажечь мирным и честным трудом у себя дома. Я считаю, что среди вас нет не одного идейного коммуниста, не одного комсомольца, вы все сыны единого туркестанского народа, который имеет свое отечество. А для этого нам необходимо сплотится в одну тесную семью и быть друг другу братьями, в полном смысле этого слова.

Самой насыщенной заботой моей будет устроить вас на разные специальные работы, что-

¹ <http://uza.uz/oz/documents/ikkinchi-zha-on-urushida-fashizm-ustidan-ozonilgan-alabaga-z-31-05-2018>



бы каждому из вас приобрести специальность, нужную для строительства нашей будущей родины – Туркестана».

Бу нутқ Парижда чиқаётган «Ёш Туркистон» журналининг 1949 – 1950 йилда чиққан сонидан олинган.

«Туркистон легиони»дагиларнинг фожиаси тўғрисида Мустафо Чўқай шундай деган: **«Пленные туркестанцы делятся на две категории: военнопленные красноармейцы, то есть военнопленные в собственном смысле слова, и оказавшиеся в плену сосланных советским правительством на принудительные работы туркестанцы, осужденные советским судом за разного рода антисоветские деяния и преступления, то есть гражданские пленные.** Те и другие в одинаковых совешенного условиях. Ни в режиме, ни в праве работу никакой разницы между ними нет. Живут люди обеих этих категорий в тесной дружбе. Видно по всему и сами они говорят, что дружба эта не результат общности их судьбы в плену, так сказать, «товарищей по временному несчастью», а того, что все они – и те, кто взят в плен в форме красноармейца, и те, кто захвачен в своем гражданском одеянии «советского невольника», считают себя в одинаковой мере жертвой русского большевизма и большевистского пленения Туркестана» (Мустафа Шоқай. Шығармаларынын толық жинағы. Он екі томдық. Он бірінші том. – Алматы, 2014. – С.152 – 166)

Шу жылдан ўрин олган Мустафо Чоқайнинг 1941 йил октябрида Вали Қаюмхонга йўллаган хати ҳам туркистонлик ҳарбий асирларнинг аҳволини билишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Мустафо Чўқайнинг аёли Мария Чўқайга 1941 йил ноябрь ойида Берлиндан ёзган хати ҳам тўпламда берилган. Уни ўзбек тилига таржима қилиб қуйида бермоқдамиз:

«Мен бу бахтсиз одамларга ёрдам бера олмаганимдан жуда ҳам огир ташвишдаман. Улар мендан ёрдам сўрашмоқда ва менга катта умид болаганлар. Мен уларга ёрдам бераман деб ваъда бердим, лекин бу фақат уларни тинчлантириш учунгина амалга оширилди. Уларга ёрдам беришга кучим етмаслигини билганим ҳолда уларни алдашга мажбур бўлмоқдаман. Бундан буён мазкур ҳолатга чидаб туришга ку-

чим етмайди. Ўлганим яхши. Кеча 35 та одамни отиб ўлдиришларидан сақлаб қолдим, лекин улар ҳаётини қанчага узайтирдим экан? Ҳозир ноябрь, кимлардир ёзги кийимда, кимдир ярим-ялангоч ҳолда совуқдан сақланиш учун қўллар билан ўра қазишга мажбур бўлмоқда. Уларга нонни итга ташлагандек ташлашмоқда, сув ҳақида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Мен остларига тўшаш учун қандай бўлса ҳам тўшама беришларини жуда қаттиқ илтимос қилдим. Беришдими ёки йўқми, маълум эмас. Бу «цивилизациялашганлар» ҳайвондан ҳам ёмон.

Мен Қаюмхон билан биргаман. Ёдингдами, у баҳорда Ножанга келган эди. У орқали немислардан туркистонлик ҳарбий асирларни сақлаш шароитларини яхшилашни сўраган эдим. У менинг илтимосимни кимгадир етказди. Ўзгариш бўладими, буниси маълум эмас. Ўнлаб километрлаб масофа босиб ўтиб лагерларга ташриф буюряпман. Куч-қувватим тугамоқда. Қалбан қай даражада чарчаганлигим бусиз ҳам сенга маълум. Ўлгим келяпти. Мактубимни «ўлим» сўзи билан тугатмоқдаман»² (Мустафо Шоқай. Шығармаларынын толық жинағы. Он екі томдық. Он екінші том. – Алматы: Дайк-Пресс, 2014. – С.448 – 449).

Россия Давлат Думаси аъзоси, кейинчалик Грузия ташқи ишлар министри А.Чхенкели «Ёш Туркистон» журналида эълон қилган «Менинг дўстим Мустафо Чўқаев хотираси» номли эсдалигида шундай ёзган: «Совет-Германия урушида ҳарбий асирлар лагерларидан бирида ўзининг довюраклиги билан отувга ҳукм қилинган бир неча ўнлаб ёш грузинларни яхудийлар сифатида отувдан сақлаб қолган. У ўз ҳаётини хавф-хатарга қўйиб, даҳшатли хатони тушунтириб ҳукм ижросини тўхтатиб қолган.

Мана ўшандай ваҳшиёна даврда бизнинг Мустафо яшади ва курашди».

(Ёш Туркистон. – Париж, 1949 – 1950. – Б.29 – 30)

Мустафо Чўқай мероси ҳақидаги 12 жилдлик асарлар тўпламидан Германиянинг концлагерларидаги исм-шарифлари, маҳбуслик рақами, касби кўрсатилган туркистонлик ҳарбий асирлар «Иқтисодиёт ва сиёсий фойдаланиш» сарлавҳаси остида берилган ноёб материал ўрин олган. Немис тилидан ўзбек тилига ўгирилган бу ҳужжатни айнан келтирамиз:

² Мактубнинг тўлиқ матни топилмади (Тупловчилар).



«Туркистон

Комиссариат: Гайбел

Иқтисодиёт ва сиёсий фойдаланиш

Лемберг асосий лагери 328

Фамилияси	Исми	Маҳбус рақами	Касби
1. Мирзабеков	Тўлабой	3698	Чилангар – студент
2. Ражабов	Нурбой	3385	Студент
3. Жумалиев	Кеночекара	101	Идора хизматчиси
4. Набиев	Сафар	1343	Ўқитувчи
5. Муслимов	Туроб	1632	«»
6. Ботирбеков	Сафарбой	3067	Студент-ўқитувчи
7. Юсупов	Ақром	3091	Профессор
8. Самиев	Анварбек	?	Тиббиёт доктори
9. Қўлдашев	Назиркул	2527	Ўқитувчи
10. Иброҳимов	Назиржон	879	Ҳисобчи
11. Расулов	Убайдулло	1027	Ўқитувчи
12. Орипов	Исоқхўжа	1118	Ҳисобчи
13. Ўсмонов	Васик	514	Мактаб ўқитувчиси
14. Пўлатов	Фатҳулла	2516	«»
15. Умаров	Ғулумжон	2213	«»

Ярослау: Асосий лагерь 327 (А ва D)

16. Саждалиев	Муслим	26427	Идора хизматчиси
17. Ризаев	Ориф	44354	Ҳисобчи
18. Бакиров	Марасул	44348	«»
19. Калонов	Абдуллажон	44386	«»
20. Сайфиддинов	Шоди	44372	Идора хизматчиси
21. Саждалиев	Омон	44100	Ҳарф терувчи
22. Холматов	Абдураззоқ	27687	Электромонтёр
23. Чабоев	Каримжон	21654	Агроном ўқитувчи
24. Мансуров	Сайдулла	27686	Ҳарф терувчи
25. Айбоев	Умурзоқ	29343	Ўқитувчи
26. Темиралиев	Маликаждар	45915	Идора хизматчиси
27. Хўжабоев	Николай Нурали	17379	Ўқитувчи
28. Рустамов	Раҳмонкул	29437	«»
29. Мичурин	Али	4566	Юрист
30. Азизов	Наим	10953	Ҳисобчи
31. Мирзаев	Ҳайдар	19598	Электромеханик
32. Намозов	Ражаббой	46581	«»
33. Аҳмедов	Рашид	44709	Ўқитувчи
34. Чуронон	Пирназар	8098	«»
35. Ризқимбаев	Тўлаган	47927	Санитар
36. Эгамбердиев	Исмоил	40808	Ўқитувчи
37. Йўлточиев	Йўлбарс	16161	«»
38. Хўжаев	Мамур	47962	Тиш доктори
39. Икромов	Воҳид	26902	Банк ходими
40. Шакаров	Ақром	47926	Ишчи
41. Нуралиев	Тўргай	40616	Ўқитувчи
42. Ҳожибеков	Намодсолиҳ	15982	Техник
43. Саралиев	Тожибой	26374	Идора хизматчиси



Дебица – Кочановка

44. Сериқов	Валишер	44006	Ўқитувчи
45. Энсекбаев	Бердали	41721	
46. Рахбердиев	Мардон	26214	
47. Султонов	Раззоқ	21025	Қурувчи
48. Бердиев	Расул	42042	Солиқ йигувчи
49. Эрматов	Қодир	27834	Ўқитувчи
50. Канашев	Кубаш	25385	Ҳисобчи
51. Казибаев	Сааду	41721	Ўқитувчи
52. Ибраимов	Тугел	44098	Ҳисобчи
53. Кункашев	Достаж	22509	Суд котиби
54. Камаев	Ҳожихон	41729	Инженер
55. Жуманов	Ғулом	40172	Ўқитувчи
56. Жусипбеков	Мюкач	43981	
57. Бекетаев	Калпан	44039	
58. Абдурахманов	Молдаш	44300	Инженер
59. Ҳасанов	Азиз	262332	Ҳисобчи
60. Тўйчибоев	Ўскўнбай	26872	Ўқитувчи
61. Кузембаев	Дехолмаҳаммед	43988	Ўқитувчи
62. Избасов	Муса	44089	
63. Ўткелбаев	Вакит	44038	
64. Жусембаев	Эрмакан	44096	
65. Эскенов	Кемал	43989	
66. Қўчқаров	Ўринбосар	41649	Идора хизматчиси
67. Расулов	Эргаш	37805	Ўқитувчи
68. Алиев	Мамбет	39097	Қурувчи
69. Чўнмурунов	Нургози	29232	Ҳарф терувчи
70. Жакубов	Берик	25334	Ҳисобчи
71. Юлдашев	Тўрахўжа	18364	Идора хизматчиси
72. Айхедшаев	Ғулом	39416	Қурувчи
73. Наукебаев	Койтахигул	37713	Ҳисобчи
74. Бобоев	Ҳамиджон	42357	Мактаб ходими
75. Жумабаев	Чантахарбай	26444	Ўқитувчи
76. Сарсенбаев	Ўрунбай	41723	
77. Избасканов	Кагубай	41730	
78. Абдугаффоров	Малик	44042	Нотариус
79. Жармешов	Абдурахмон	16419	Ўқитувчи
80. Тўлибеков	Бўрибай	41637	
81. Долбин	Жумағали	44234	Ветеринар
82. Солиев	Хайрулла	25744	Ҳисобчи
83. Маразиков	Кенжебек	26212	Ўқитувчи
84. Балтабаев	Анепаш	27869	
85. Сеитов	Жақисбай	37712	Агроном
86. Алиев	Аманжел	21969	Ўқитувчи
87. Раҳимбеков	Томпиш	23431	
88. Кибрияев	Бобохон	21004	Мактаб ходими
89. Дингазиев	Зина	37798	Ҳисобчи
90. Кенжаев	Ашелал	?	Ўқитувчи
91. Даҳафарбаев	Курхўжа	25817	Бошқарувчи
92. Бадреддинов	?	27846	Соғувчи
93. Балеев	?	44285	Ҳисобчи
94. Ахметов	Керимбек	41779	
95. Айбатиров	Бўронбой	44284	Ҳисобчи



96. Усенов	Бобоқул	41627	Ветеринар
97. Аминов	Карим	37919	Ҳисобчи
98. Калонов	Инъом	44694	Хизматчи
99. Акбаров	Сайдулла	?	Ўқитувчи
100. Жунусов	Ризмамбет	37810	
101. Носиров	Раҳматулло	29605	Ветеринар
102. Раҳматов	Отабой	26114	
103. Баймурсунов	Силкан	41634	Санитар
104. Кулканов	Абдували	44066	Ветеринар
105. Ариктаҳалов	Самиддин	37862	Ҳисобчи
106. Алмазов	Аҳмед	44242	Идора хизматчиси
107. Аббосов	Холик	37673	Ҳисобчи
108. Ўтепғалиев	Жўлмон	25773	Мактаб ходими
109. Наузуров	Исраил	43615	Ўқитувчи
110. Қобилов	Нигматулла	39373	
111. Собиров	Воҳид	?	
112. Раҳимжанов	Мевлет	25780	
113. Отгаралин	Изберген	41728	Ҳисобчи
114. Ваҳабов	Сулаймон	39340	Ўқитувчи
115. Алимов	Фозил	27611	
116. Байтемиров	Шайахмед	25145	
117. Казимжанов	Байжуман	43995	
118. Жўраев	Холмат	40033	Текстиль ишчиси
119. Тошматов	Пўлат	40012	Фельдшер
120. Султонов	Холмамад	26177	Тиббиёт доктори
121. Мустафоев	Хурсанд	21051	Бошқарувчи
122. Ўгулболаев	Ўсмон	39278	Фельдшер
123. Карашев	Мюзен	37834	Ветеринар

Д е б а – М а ж д а н (Махсус сараланган ишчилар гуруҳи)

124. Гаффоров	Қаҳҳор	10388	Ҳисобчи
125. Алтихев	Али	4035	Мушиқачи
126. Абдуқодиров	Орифжон	14515	Студент-фельдшер
127. Аббосов	Казак	14511	Ҳисобчи
128. Қурбонов	Ландаш	13056	Идора хизматчиси
129. Мирзаев	Тўқлубай	7644	Агроном
130. Асанов	Асирбек	4239	Соғувчи-лаборант
131. Акажанов	Мюрсалим	580	Студент
132. Ўмаров	Бойбўта	11892	
133. Зокиров	Захир	3442	
134. Муродов	Омонали	14514	Ўқитувчи
135. Иброҳимов	Якуб	15033	Санъаткор
136. Бобомуродов	Иброҳим	14604	Мактаб ходими
137. Йўлчиев	Худойберди	1237	Ўқитувчи
138. Дзенов	Абиш	12121	Котиб
139. Айтқулов	Ҳасан	8093	Ўқитувчи
140. Аҳмедов	Мурод	6877	
141. Ҳожимуродов	Бўрибой	12178	Ходим
142. Ўсманов	Саидақбар	875	Ўқитувчи
143. Юсупов	Ботир	6668	Студент
144. Исмоилов	Сарсенбай	6660	Мактаб ходими

145. Эргашев	Вали	5580	Ҳарф терувчи
146. Рўзиев	Зиёд	10833	Идора хизматчиси
147. Ҳаров	Қаҳҳор	11625	Мактаб ходими
148. Алиев	Раҳимжон	15053	Ҳисобчи
149. Аббосов	Ўмархон	8138	Студент
150. Қазиев	Жолдаш	12145	Ўқитувчи
151. Маҳмудов	Иржаули	3448	«»
152. Ражапов	Қозоқ	13633	Ҳарф терувчи
153. Эргашев	Раимхон	6400	Ўқитувчи
154. Шомуродов	Садулла	524	«»

Комиссариат: Гайбел

ТУРКИСТОН

Т а ш в и қ о т
Лемберг асосий лагери 328

Фамилияси	Исми	Маҳбус рақами	Касби
1. Файзуллаев	Ҳабиб		Ўқитувчи
2. Фармонов	Зокир	1446	Профессор
3. Турдиев	Досбай	3196	Ўқитувчи
4. Исмоилов	Парпи	764	Студент
5. Обидов	Солиҳ	1684	Идора ишчиси
6. Сулаймонов	Ибод	1126	Ўқитувчи
7. Халилов	Давронбек	807	Студент
8. Мирзаев	Пирим	329	Қурувчи
9. Маҳмудов	Муҳаммаджон	2966	Студент ва ўқитувчи
10. Аҳмедов	Ахтам	3067	Ҳисобчи
11. Арсариев	Берди	3115	Студент
12. Ражапов	Бўри	1725	Ўқитувчи
13. Азизов	Файзи	2857	Савдогар
14. Гулсаров	Али	1644	Қурувчи
15. Эгамов	Самат	1368	Савдогар
16. Рўзибоев	Дўстбек	2519	Мактаб ходими
17. Истиллеев	Сарсембай	1593	Ўқитувчи
18. Қурманбаев	Салар	–	Ишчи
19. Исламов	Сирожи	2292	Мактаб ходими
20. Собиров	Саттор	1923	Студент
21. Назаров	Саид	1657	Мактаб ходими
22. Барманов	Маҳкам	3897	«»
23. Чориев	Аваз	2130	«»
24. Исаев	Така	3189	«»
25. Боқиев	Раззоқ	1643	«»
26. Шарапов	Сулаймон	2470	Ўқитувчи



Ярослау асосий лагери 327 (А ва D)

27. Ҳасанов	Ўсмон	11301	Студент
28. Даминов	Муҳаммадқул	44353	Мактаб ходими
29. Сирожидинов	Қутби	44345	«»
30. Абдраҳимов	Абдураҳман	44332	Идора хизматчиси
31. Қаюмов	Шах Мақсуд	44384	Ўқитувчи
32. Бўтаев	Лутфулла	44385	Ишчи
33. Мақсудов	Маҳмуд	22283	Ўқитувчи
34. Гофуров	Аҳмаджон	27689	«»
35. Кенелдиқов	Жилкелди	2434	Мактаб ходими
36. Раҳимбеков	Бакир	29360	Мактаб ходими
37. Сирожидинов	Тўра	42737	Студент
38. Кокибоев	Султон	42772	Ўқитувчи
39. Элазизов	Жумадилла	40090	«»
40. Ўсаров	Анарбой	26938	«»
41. Носиров	Юлдаш	47919	Мактаб ходими
42. Бердимбетов	Ўтебай	22517	«»
43. Хўжақулов	Салом	26133	«»
44. Нурмаҳамбетов	Эжан	47923	Ўқитувчи
45. Назимжанов	Истурган	16450	«»
46. Малиқулов	Тоҳир	12205	«»
47. Қурмангозиев	Уйтўлгон	17388	Ўқитувчи
48. Сарсенбаев	Мергенали	42755	Мактаб ходими
49. Мукаррамов	Носир	10380	Ўқитувчи
50. Адамбеков	Абдукирим	25888	«»

Дебица – Кочановка

51. Пўлатов	Абдураҳман	44360	Ўқитувчи
52. Ёдгоров	Исмед	35576	«»
53. Қодиров	Аҳмедулла	39277	«»
54. Муҳамедов	Буйунучали	27583	Студент
55. Дербисалиев	Тулебжан	44048	Ўқитувчи
56. Сакинов	Хўжамурот	44049	«»
57. Дўсанов	Қидирали	39425	«»
58. Бойматов	Турсунбой	29085	«»
59. Серкебаев	Олимжон	41622	«»
60. Эсбўтаев	Темирбай	44288	«»
61. Қобилбеков	Абдулла	37813	Ўқитувчи
62. Қурманбаев	Жусипбек	23454	Студент
63. Чоткараев	Асанбек	41656	«»
64. Пиралиев	Дўсмухамбет	43985	Агроном
65. Дўсимбетов	Толиб	43987	Мактаб ходими
66. Дуйсунбеков	Ўлжан	44023	«»
67. Нуриддинов	?	21022	«»
68. Усенов	Ўринтой	22574	«»
69. Ўсманов	Болатбек	37860	«»
70. Раҳмонов	Мустафо	31157	Ўқитувчи
71. Имомов	Тургун	37928	Мактаб ходими

72. Дуҳарбаев	Чингизхон	17385	Ўқитувчи
73. Давронов	?	17582	Мақтаб ходими
74. Абдурахим	Турдимамаат	29100	Ўқитувчи
75. Турабоев	Хумайдулла	37719	Қурувчи
76. Пумов	Хўжақул	37706	Ўқитувчи
77. Жумадилов	Энвер	44015	«»
78. Қасимов	Жентибай	44046	Мақтаб ходими
79. Элирбаев	Байжўлди	35983	«»
80. Аймагамбетов	Жанкелди	27528	Ўқитувчи
81. Чориев	Ҳасан	43601	«»
82. Исмаилов	Усенбай	44003	«»
83. Дюсебаев	Избас	23441	Мақтаб ходими
84. Раҳимов	Имонгози	27674	Ветеринар
85. Язматов	Абдул	41645	Мақтаб ходими
86. Сейсенгалиев	Мукан	27584	Ўқитувчи
87. Меденов	Мамирбек	37811	«»
88. Жаманбаалин	Кабил	29655	«»
89. Қўшқинбаев	Болисбек	41624	Мақтаб ходими
90. Акилбеков	Бакас	37861	«»
91. Тогаев	Худойберди	10915	Ўқитувчи
92. Қосимов	Маҳмуд	42043	Мақтаб ходими
93. Саитов	Саидкерим	29626	Ўқитувчи
94. Бўтабеков	Суюн	44018	Мақтаб ходими
95. Алтинбеков	Нурмакан	23102	Ўқитувчи
96. Атамжаров	Жусипбек	44019	Мақтаб ходими
97. Абулгазин	Канзай	26930	Мақтаб ходими
98. Мусин	Махди	15530	Ўқитувчи
99. Қурбонов	Омон	37710	Мақтаб ходими
100. Файзуллаев	Наврўз	41776	Мақтаб ходими
101. Қусмагамбетов	Эмир	21149	Ўқитувчи
102. Душатов	Жақуп	41760	«»
103. Шокиров	Норинбой	26417	Ўқитувчи
104. Деменов	?	26360	«»
105. Бобоев	Ниёз	25349	«»
106. Ахмадинов	Умар	25750	«»
107. Абдраҳманов	Аҳмед	27856	Студент
108. Нурғалиев	Аббос	39307	Мақтаб ходими
109. Исматов	Худайберди	29130	Мақтаб ходими
110. Жўраев	Зокир	21038	Ўқитувчи
111. Хусейнғалиев	?	31156	«»
112. Жалгасов	Сембай	43991	Шоир
113. Алмухамедов	Яхшибек	41752	Ўқитувчи
114. Қосимов	Хўжамурод	43598	Мақтаб ходими
115. Камолов	Гофур	21026	«»
116. Холматов	Оймат	44705	«»
117. Ҳақимов	Фаттоҳ	27556	«»
118. Султонов	Ислол	4759	«»
119. Бакбергенов	Байсен	41770	Ўқитувчи
120. Абузаров	Маҳмуд	23935	«»
121. Анаров	Турдали	17681	«»



122. Бараханов	Сарап	26451	«»
123. Ҳайдаров	Тўхтасин	29151	«»
124. Зокиров	Камол	17372	Мактаб ходими

Д е б а – М а ж д а н (Махсус сараланган ишчилар гуруҳи)

125. Азимов	Ўлмас	1310	Ҳисобчи
126. Тугаев	Кобай	10955	Ўқитувчи
127. Ғозиев	Олим	852	«»
128. Нигматов	Насри	830	«»
129. Оталиев	Одилхон	1236	Мактаб ходими
130. Жонбобоев	Аҳмаджон	3797	Ўқитувчи
131. Имомов	Эгамберди	7100	Мактаб ходими
132. Нарзуллаев	Делли	13049	Қурувчи
133. Қазақбаев	Турамбай	836	Студент
134. Жўрақулов	Омон	1238	Мактаб ходими
135. Саидов	Эргашбой	3445	«»
136. Мирзабеков	Маҳмуд	2368	«»
137. Тилабов	Раҳим	14112	Ўқитувчи
138. Тўраев	Мўмин	7670	«»
139. Жўраев	Ҳакимжон	10837	Мактаб ходими
140. Канкулов	Жумабек	12210	Студент
141. Сиддиқов	Қўчқор	13043	Муסיқачи
142. Ниязматов	Жолбай	1415	Ўқитувчи
143. Қабилов	Тош	8408	«»
144. Холиқов	Маҳмуджон	2365	«»
145. Алимов	Юсуфжон	1227	«»
146. Тайлақов	Жонмурод	13617	Мактаб ходими
147. Мирзаев	Мирзамед	9490	Ўқитувчи
148. Раҳмонов	Ҳайит	68922	«»
149. Исмаилов	Сарсенбай	6660	Ишчи
150. Алимуродов	Расул	520	Мактаб ходими
151. Аҳмедов	Али	5758	Студент
152. Гуликов	Ҳасан	525	Ўқитувчи
153.	Ўмарали	13052	Мактаб ходими
154. Воҳидов	Маннон	13613	«»
155. Турсунов	Тургун	9489	«»

Офицерлар лагери 325 (Замоск)

156. Саржанов	Жаксигали	0889	Офицер-ўқитувчи
157. Аязбаев	Жунус	0754	Офицер
158. Мамбетов	Абилтай	075395	Офицер-локомотив
159. Суюндиков	Бекмахамбет	0994	Офицер-ўқитувчи
160. Қоянаков	Жемаледдин	981	Радист
161. Бекешов	Муллахан	25164	Ўқитувчи
162. Сеидов	Хусейн	23489	Солдат, ўқитувчи
163. Хусейнов	Нурмад	294090	Офицер, агроном
164. Турмагамбетов	Султан	1420	Ўқитувчи



Бундай зарур ва ҳайрли ишни Ўзбекистонда ҳам амалга оширишнинг вақти аллақачон етилган эди. Бу ўринда Ш.М.Мирзиёев томондан амалга оширилаётган инсонпарвар амалиётни, бизнингча, Иккинчи жаҳон урушида ноиложликдан асирга тушган ўзбекистонлик ҳарбий асирларга нисбатан ҳам қўллаш мумкин бўлса керак. Ўзбекистонлик ҳарбий асирлар тақдири тўғрисидаги масалага давлат ва кенг жамоатчилик нуқтаи назаридан янгича қараш ва тарихий ҳақиқатни қандай бўлса шундайлигича англаш, ёзиш, минглаб ватандошларимизни номма-ном аниқлаш, уларнинг ҳам қахрамонона, ҳам фожиали фаолиятини, тақдирини ҳозирги ва келажак авлодларга етказиш кенг жамоатчилик, айниқса, тарихчиларнинг масъулиятли бурчи ва вазифасидир. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев қўллаган инсонпарвар, янгича амалиётни ана шу Иккинчи жаҳон урушида иштирок этганлар, номлари унутилган юртдошлар тақдирига нисбатан қўллаш асосида ўзбекистонлик ҳарбий асирлар ҳақидаги бор ҳақиқатни рўёбга чиқариш ва уларнинг тарихий ўрнини ўз жойига қўйиш мумкин бўлса керак деб ўйлаймиз. Бундай мураккаб, масъулиятли, лекин ҳайрли иш Иккинчи жаҳон уруши тугалланишининг 75 йиллигини нишонлаш олдидан бошлаш мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Собиқ ҳарбий асирлар ва уларнинг тақдирига янгича қараш, таҳлил этиш жараёни МДХ мамлакатларидан Россия, Украина, Белоруссия, Қозоғистон каби мамлакатларда, СССР қулагач, бошланган эди. Бунда ўрта осийлик собиқ ҳарбий асирлар ва уларнинг тақдири ҳақида юртдошларимиздан Вали Қаюмхон, Боймирза Ҳайит ва бошқаларнинг мақолалари эълон қилинган. Ҳатто олий ўқув юртлари учун қўлланма сифатида нашр этилган «Ватан тарихи» (Андижон, 1997; Тошкент, 2010) китобларида «Туркистон легиони» номи остида собиқ ўзбек ҳарбий асирлари ҳақида маълумотлар берилган эди. Бизнингча, ўзбекистонлик ҳарбий асирлар, жумладан, «Туркистон легиони»дагилар ҳақидаги бор ҳақиқатни яратилажак кўп жылдлик «Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган галабага Ўзбекистон халқи-

нинг қўшган муносиб ҳиссасига бағишланган китоб-альбом»да ёритиш зарур.

Кейинги тадқиқотларда ўзбекистонликлардан фронтга сафарбар қилинганлар ҳақида янги маълумотлар ва рақамлар илмий истеъмолга киритилаётганини ҳам эътироф этмоғимиз лозим. Бу ўринда аниқ далиллар келтирамиз.

1931 йил август – сентябрида Ўрта Осиёдан Шимолий Кавказга 3 минг, Украинага 3 минг оила «қулоқ» хўжаликлари сифатида сургун қилинган. Ана шу собиқ «қулоқ»лардан Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳарбий хизматга олинган. СССР Мудофаа давлат комитетининг 1942 йил 11 апрелдаги махсус қарорига мувофиқ меҳнат сурғунидаги «қулоқ»лар ҳам расман ҳарбий хизматга сафарбар этилган. Улар ҳарбий комиссариат йўли билан қизил армия сафига сафарбар қилинганлар. Урушнинг дастлабки тўрт ойи давомида – 1941 йил 15 октябргача бўлган даврда «қулоқ»лардан 3218 нафари ҳарбий хизматга (901 нафари кадрларга, 2317 таси махсус қурилиш батальонларига) сафарбар қилинган эди.

Украинанинг Херсон области Скадовский районида яшаб, шу ердан урушга сафарбар қилинган ва жанггоҳларда мардларча ҳалок бўлган ўзбеклардан **87 нафари** аниқланган. Уларнинг аксари 1943 йили, Скадовский райони фашистлардан озод этилгач, армияга сафарбар этилган, 4-Украина фронтининг 2- ва 28-гвардиячи армияси қисмлари таркибида жанг қилганлар. Бу уруш қурбонлари Херсон вилоятининг Цюрупинск, Горностаев, Чаплинск, Каланчакск, Белоозерск районларидаги Биродарлик қабристонларига дафн этилган. Бу жангларда омон қолганлари эса Польша, Венгрия, Шарқий Пруссия, Германия ҳудудидаги жангларда ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолган.

Каховский районидаги «қулоқ»ларнинг аксарияти Андижон, Фаргона, Наманган, Тошкент ва Ўш вилоятларидан кўчириб келтирилганлар эди. Уруш йиллари ҳалок бўлган 4000 нафар қаховкаликлар қаторида **46 нафар** ўзбек жангчилари бўлиб, уларнинг хоки ҳозирда Қрим, Украина, Россия, Польша, Венгрия, Чехословакия, Германияда.



Голопристан районидан урушга сафарбар қилинган ўзбеклардан **29 нафари** 4-Украина фронти таркибида Украина, Қрим, Белоруссия, Венгрия, Германия ва бошқа жойлардаги жангларда ҳалок бўлган, бир қисми бедарак йўқолган.

Урушдан кейин меҳнат сургунли қишлоқларига қайтиб келганлардан Херсон областидаги 2-пахтачилик совхозининг 1-бўлимидан номлари аниқланган **15 нафар**, 2-бўлимдан **8 нафар жангчи** «Қизил юлдуз» ордени, «Жасорати учун» ва «Жанговар хизматлари учун» медаллари билан тақдирланган.

Ўзбекистондан Шимолий Кавказга сургун қилинган «қулоқ» оилалари Ставрополь ўлкасининг Прикумск, Арзгир, Апанасенково районларида яшаганлар. 1941 йил 1 январь маълумотига кўра, Шимолий Кавказда 11 та меҳнат сургунлари қишлоқларида жами 44376 киши бўлган, ўзбекистонликлар Николо-Александровск посёлкасида ҳаёт кечирган. Ушбу посёлка қармоғидаги «Советский хлопкороб», «Заря Востока», «Красный луч», «Ворошилов» колхозлари ва бошқа қишлоқлардан урушга сафарбар қилинган ва жанггоҳларда ҳалок бўлган **53 нафар ўзбекистонлик** номма-ном аниқланган. 1943 йили олинган рўйхатга қараганда, Николо-Александровскда 140 та ўзбек ва тожик оилалари бўлган, улар сафидан армияга 90 киши олинган.

Бундан ташқари, Ўзбекистондан қизил армия сафига чақирилган ва Ставрополь ўлкасидаги жангларда ҳалок бўлган **62 нафар** ўзбек ҳақида ҳам маълумотлар аниқланган.

Шимолий Қозогистон меҳнат посёлкаларидаги ўзбекистонликлар машғум уруш йилларида жуда оғир шароитларда меҳнат қилганлар, эркаклар эса урушга сафарбар этилган. Шўртанди районидан 3129 киши фронтга олинган бўлиб, улар асосан ўзбеклар ва бошқа ўрта осиеликлар эди. Улардан 1200 нафардан ортиги урушда ҳалок бўлган. Бундан ташқари, 1500 кишидан иборат эркак ва аёллар меҳнат армиясига жалб қилинган. Меҳнат аскарларининг ҳам 70 фоизи халқ хўжалигининг «буюк қурилишлари»да ҳалок бўлганлар. Улар орасида ўзбекистонликлар ҳам бор эди.

Шўртанди районидан урушга сафарбар қилинган ва жанггоҳларда ҳалок бўлган **27 нафар** ва жасоратли меҳнати учун давлат медаллари билан тақдирланган **26 нафар** меҳнат кўчкиндилари ҳақида маълумотлар аниқланган.

1. 1941 – 1945 йилларда Ўзбекистондан мажбурий меҳнат армиясига олинган, ўша давр ибораси билан айтганда, «қуролсиз аскарлар» ва уларнинг қаҳрамонона, лекин фожиали ҳаёти, тақдири, буюк галабага қўшган ҳиссаси Ўзбекистон тарихидан ҳозиргача муносиб ўрин олганича йўқ. Ваҳолонки, хорижда, айниқса, Россиядаги тадқиқотларда бу масала бўйича маълумотлар келтирилган. Масалан, 1941 – 1943 йилларнинг ўзида Ўзбекистондан 155 минг киши меҳнат армиясига сафарбар қилинган. Тошкент области ҳарбий комиссариатидан экстримал ҳолатда эшелонда 1700 киши Бошқирдистонга жўнатилган. Уралдаги мудофаа саноати завод ва фабрикаларида 32620 нафар ўзбек ишчиси фаолият кўрсатган.

Иккинчи жаҳон уруши Ўрта Осиё аҳолисининг миқдори ва таркибига ниҳоятда салбий таъсир кўрсатди. Унинг умумий миқдори 1940 йилдаги 10906 минг кишидан 1945 йилга келиб 8982 минг кишига тушиб қолди ёки 1924 минг нафарга қисқарди.³ Аҳолининг ёш ва жинсий таркиби анча вақтгача уруш арафасидаги ҳолатини тиклай олмади. Шу даврда фронтда худудларидан келтирилган корхоналарни тиклаш баҳонасида ўн минглаб аҳоли мамлакатининг Европа қисмидан Ўрта Осиёга кўчириб келтирилди. Айни вақтда, Ўрта Осиё юртидан бадарга қилинган миллатлар яшайдиган ўзига хос сургун жойи бўлиб қолди. Ўрта Осиёга уруш даврида месхети турклари, Қрим татарлари, Волгабўйида яшаган немислар, чеченлар, сал аввалроқ корейслар ва бошқа халқлар сургун қилинди. Коммунист арбоблар шу йўсинда Ўрта Осиёни «байналмилал маскан»га, «халқлар дўстлиги қалъаси»га айлантирмоқчи бўлдилар.

Фашизм босқинига қарши кураш олиб бориш учун кўп минглаб ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар меҳнат фронтига сафарбар этилган.

³ Отамирзаев О., Қажумов А. Туркистон аҳолиси: уйдирма ва ҳақиқат // Шарқ юлдузи. 1992. №10. – Б.122.



Саноат, айниқса, мудофаа саноати ва унинг барча тармоқлари ишчи кучига муҳтожлиги фавқуллодда ортган эди. Галаба учун қўшимча ишчи кучини сафарбар қилиш ва ундан самарали фойдаланиш душман устидан голиб бўлишнинг муҳим омилларидан бирига айланиб қолганди.

СССР Халқ Комиссарлари Советининг 1941 йил 23 июлдаги қарори билан меҳнат армиячиларининг фаолияти ҳаракатдаги қўшинларда хизмат қилаётган ҳарбийлар билан тенглаштирилган.

СССР Олий Совети 1942 йил 13 февралда «Ҳарбий вақт даврида ишлаб чиқариш ва қурилиш ишлари учун меҳнатга лаёқатли аҳолини сафарбар қилиш тўғрисида» қарор қабул қилди.⁴ Натижада ҳарбий саноат ва қурилиш миллионлаб меҳнат армиячилари билан таъминланди.

К.Хусенов 1943 йили РСФСРнинг 14 областида, 4 автоном республикасида ва Красноярск ўлкасида 60 мингга яқин ўзбеклар ишлагани, ишчи ўзбекларнинг яшаш шароитлари тўғрисидаги масала ВКП(б) район, шаҳар ва областлар комитетларида бир неча бор муҳокама этилиб тегишли қарорлар қабул қилингани, тадбирлар, амалий чоралар кўрилгани, 1943 йил 12 июнда Новосибирскда, 16 сентябрда Пермда бу масала партия комитетлари йигилишларида кўриб чиқилганини ёзган.⁵

Урал заводларидаги қурилишда ва Красногорск ТЕЦда бу ерга келган ўзбекларнинг катта жамоаси ишлаган. Улардан кўплари фидокорона меҳнат қилишган. Ишчи Ақром Ортиқов гвардиячи вахтада нормани 140 фоизга, бетон заводи шофёри Бобоев 120 фоизга, слесарь Убайдулла Ҳайдаров 200 фоизга бажарган.

Иркутск областидаги 4-қурилиш трестидан ишлаётган 47-бригададаги ўзбек ишчиларидан 43 нафари 1943 йили режани ортиги билан бажарган.

Мудофаа заводларида, шахталарда ва қурилишларда ишлаган ўзбек «қуролсиз аскарла-

ри» турли хил мураккаб мутахассисликларга эга бўлганлар. Кўплаб ўзбеклар рус ишчилари оилаларида яшаганлар, улар билан бирга яхши ва ёмон кунларни бирга кечирганлар.

Қашқадарё областидаги собиқ колхозчи Э.Тургунбоев Уралдаги меҳнат фаолиятини эслаб рус халқи шаънига катта миннатдорчилик ҳис-туйғуларини шундай ифодалаган эди: **«С первых же дней моей работы подручным вальцовщик Миша Мурзиенко стал моим другом и учителем. Он научил меня своему мастерству, помог освоить процесс производства. Миша и его жена приняли меня в дом как родного, и за все время пребывания на Урале я никогда не чувствовал себя одиноким».**⁶

Иккинчи жаҳон уруши даврида Урал мудофаа саноатининг муҳим маркази бўлган. Минтақанинг жуғрофий жойлашуви, фронтдан жуда олислиги бу ерни индустриал марказга айлантирган. Темир йўл коммуникацияси ҳам анча ривожланган эди. СССРнинг Европа қисмидан урушнинг дастлабки икки йилида ҳудудга 730 корхона эвакуация қилинган. Даставвал урушга сафарбар этилган мамлакатдаги немислар 1941 йил октябри – 1942 йил майида Уралдаги меҳнат-тузатув лагерларига жойлаштирилган. Немис миллатига мансуб фуқаролар қизил армия ҳарбий қисмларидан чиқариб юборилган ва улар қурувчилар қисмига жойлаштирилган, Уралдаги меҳнат тузатув лагерларида меҳнат қилганлар.

СССР Давлат Мудофаа Комитетининг 1942 йил 14 октябрдаги №2414 СС қарори билан Ўрта Осиё ҳарбий округидан 35013 нафар ҳарбий хизмат ўтайдиганлар Уралга меҳнат армиясига сафарбар қилинган. Улар ЎОҲОдан 1943 йил баҳорида сафарбар қилинганларнинг катта қисмини ташкил этган. 1943 йил 15 апрелдаги маълумотга кўра, Ўзбекистондан 67000 киши Урал регионига жойлаштирилган: «Свердловск областида 15131 киши, Челябинскда 2427 киши, Молотов областида 2212 киши, Чкаловскда 2529 киши, Бошқирдистон АССРда 2357 киши ва Удмуртия АССРда 2970 нафар ўзбеклар меҳнат қилишган». Ўзбеклардан ташқари бу ерларга

⁶ Ўша жойда.

⁴ История Великой Отечественной войны Советского Союза. 1941 – 1945 гг. – М., 1961. – С.498.

⁵ Хусанов К. Патриотический подвиг рабочих-узбеков на предприятиях и стройках Урала и Сибири в годы Великой Отечественной Войны. Материалы XXIII научной конференции профессорско-преподавательского состава Самаркандского гос. уни-тета. История. 1966. – С.23.



бошқа миллат вакиллари – тожиклар, туркманлар, қирғизлар ва қозоқлар сафарбар этилган. Уларнинг умумий миқдори 30000 кишини ташкил этган. 1943 йили УОХОдан Уралга сафарбар этилганларнинг умумий улуши 41,5 фоиздан иборат бўлган. 1943 йил ёзида уларнинг миқдори Уралда 73000 кишига етган. Чкаловск областида 8000 киши, Молотов областида 12692 киши, Свердловскда 27000 га яқин киши, Челябинскда 20000 га яқин, Бошқирдистон АССРда 2500 кишидан кўпроқ, Удмуртияда 3000 га яқин киши. Удмуртиялик тадқиқотчи Т.С.Третьякова уруш йилларида 51-сонли қурилиш трестига Бухоро ва Сурхондарё областларидан минг нафар ўзбек келтирилгани, улар турли ёшда ва турли касбда бўлганини таъкидлайди. Г.Д.Селянинованинг ёзишича, 1943 йил ёзида Пермдаги Молотов номли заводда 978 ўзбек, Киров номли заводда 200 ўзбек, 90-сонли заводда 800 га яқин ўзбек ва 60 қозоқ, 103-сонли заводда 50 ўзбек, 12-қурилиш трестига 70 ўзбек ишлаган. Тадқиқотчи К.А.Моргуновнинг маълумотига кўра, Орск шаҳридаги корхоналарда 7 минг ўзбек (шундан 500 нафари нефть заводи қурилишида), Чкалов шаҳрида 700 ўзбек, Медногорскда 200 ўзбек ишлаган.

1943 йил кузидан Ўрта Осиё ва Қозоғистондан сафарбар қилинганлар миқдори камайиб бораётган ва 1944 йил ўрталарига келиб уларнинг сони 22000 кишига тушиб қолган.⁷

Меҳнат армияси шахсий таркиби миқдори кўпайган давр 1943 йил ўрталарига тўғри келади. Бу вақтда уларнинг миқдори 190000 кишини ташкил этган, фоиз ҳисобида 61,7 фоиз бўлган.

2. Иккинчи жаҳон урушида қатнашган ўзбекистонликлар ҳақида кўпдан-кўп маълумот ва материаллар, жангларда кўрсатилган қаҳрамонлик намуналари фашистлар Германиясига қарши жанг олиб бораётган фронтларда ўзбек тилида нашр этилган газеталарда ҳам ўз аксини топган. Масалан, Гарбий фронтда **«Қизил аскар ҳақиқати»**, Шимоли-гарбий фронт, кейинчалик Болтиқбўйи фронтда **«Ватан учун»**,

3-Украина фронтда **«Совет жангчиси»**, 2-Белоруссия фронтда **«Фронт ҳақиқати»**, Узоқ Шарқ фронтда **«Бонг»**, 1-Болтиқбўйи фронтда **«Душманга қарши олга»** газеталари саҳифаларида жуда кўп ўзбекистонлик жангчилар ҳақида маълумотлар келтирилганки, улардан айримларининг номлари республикада нашр этилган кўп жилдлик «Хотира» китобига киритилмай қолгани маълум бўлди. Ҳатто Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари Одилбек Раҳмонов, Ш.Сулаймонов, Ҳасан Эркаев фронтлардаги ўзбек тилидаги газеталарда мадҳ этилгани ҳолда, негадир Ўзбекистондаги «Хотира» китобларидан ўрин олмаган.

3. Бундан ташқари, 1937 – 1938 йилларда қатагон қилиниб, ГУЛАГ лагерларига этап қилинган ўзбекистонлик маҳбусларнинг маълум қисми уруш даврида шароит тақозоси билан айбини ювиш маъносида «штрафбатальон»ларга, урушнинг оғир нуқталарига сафарбар этилган. Масалан, 1922 йил 28 июлда Оренбургда тугилган, Тошкентда яшаган, Тошкент пиёда ҳарбий билим юртида ўқиган, бокс бўйича Ўзбекистон ва Ўрта Осиё чемпиони, 1941 йил февралда собиқ курсант сифатида қамоққа олиниб, Ўрта Осиё ҳарбий округи томонидан антисовет тарғиботи учун 5 йил қамоққа маҳкум этилган Владимир Карпов 1942 йил октябрда Калинин фронтдаги штрафротага жўнатилган. Унинг ҳарбий жасоратлари тегишли ордон ва медаллар билан тақдирланган. 1943 йил 19 августда душман ортига ўтиб, катта гуруҳни қўлга киритган, артиллерия ўқи билан 200 немис аскарини, танкларни йўқ қилган. СССР Олий Совети Президиуми фармони билан В.Карпов Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан тақдирланган. Кейинчалик у КПСС Марказий Комитетига аъзо, СССР Олий Советига депутат, СССР Ёзувчилар союзи ўринбосари бўлиб хизмат қилган. Катта қўламда тарихий тадқиқотлар олиб борган Владимир Карповнинг «Генералиссимус» номли капитал асари 3 марта нашр этилган.

4. Гап Иккинчи жаҳон урушида қозонилган тарихий галабада Ўзбекистоннинг ҳиссаси ҳақида борар экан, айтиш ўринлики, Совет Иттифоқи билан Германия ўртасидаги урушнинг илк

⁷ Гончаров Г.А. Категориальный состав «Трудовой армии» на Урале в годы Великой Отечественной войны // Вестник Челябинского государственного университета. 2011. №34 (2. 248). История ВКП(б) 48. – С.60 – 64.



Ғуллом Алимов

йилларида (1941 – 1942 йиллар) советларнинг ғарбий қисмида тахминан 2 миллионга яқин туркистонлик аскар бўлгани, 1943 йили қизил армиянинг фақат 6 ғарбий қисмида – Минск, Киев, Москва, Ленинград, Узоқ Шарқ ва Шимолий Кавказда 1179802 туркистонлик аскар бўлган, фақат Киев ва Минск қисмида 997892 нафар туркистонликлар бўлган. Ушбу туркистонлик қизил армия аскарларининг каттагина қисми немислар томонидан асир олинган. Германия ғарбий асирлари бошқармаси 1943 йили берган маълумотларга қараганда, урушнинг дастлабки йилларидаёқ (1941 – 1942) советлар армиясидан 1700000 га яқин туркистонлик асир олинган. 1942 йил ёзига қадар улардан фақат 400 минг киши омон қолган, қолганлари очлик, касаллик, совуқ туфайли қирилиб кетган, бир қисми отиб ташланган. «Туркистон легиони»нинг асосини ана шу асирлар ташкил этган.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, «Туркистон легиони» қошида «кўнгиллилар»нинг яширин гуруҳлари ҳам мавжуд бўлган. Улар Қаршилик кўрсатиш ҳаракати жангчилари ва партизанлар билан алоқада бўлганлар. 1943 йил ёз фаслида 3-Туркистон батальонининг бир гуруҳ аскарлари Белоруссиянинг Речица шаҳрида бўлиб, партизанлар билан алоқа ўрнатганлар ва гитлерчиларга қарши ҳамкорликда курашганлар. Бироқ нацист агентлари яширин гуруҳни топишга муваффақ бўлганлар. «Кўнгиллилар» батальони тарқатиб юборилган, унинг шахсий таркиби Германиядаги каторга ишларига жўнатилган.

Абдулла Отахонов бошчилигидаги тўлиқ куролланган 370 кишидан иборат Туркистон батальони артиллерия юклари билан 1943 йил сентябрда 74-ўқчи дивизия томонига ўтиб кетган.

1944 йилнинг январида «Туркистон легиони» югослав партизанларига қарши курашиш учун Черногорияга юборилган легионерларининг катта отряди (улар таркибида ўзбеклардан 28 киши бор эди) С.Файзуллаевнинг ишораси би-

лан фашистларни йўқ қилганлар ва куроллар ҳамда ўқ-дориларини отларга ортиб тоғдаги партизанлар ҳузурига жўнаб кетганлар.

Туркистон легионерлари ўз ҳаётини тажрибаларида советларнинг қасос ва ўч олишдан иборат сиёсатини билганликлари, тажрибадан ўтказганликлари боис немисларга қарши очиқдан-очиқ қарши чиқиш, қизил армия томонига ўтиб кетишдан чўчиганлар. Шундай бўлса ҳам, улар фашистларга қарши исёнлар қилганлар, қаршилик ва партизанлик ҳаракатида фаол қатнашганлар.

Туркистонлик ғарбий асирларнинг бир қисми Франция, Югославия, Польша, Италия, Словакия, ҳатто Испаниядаги партизанлик ҳаракатига оммавий равишда ўтиб кетганлар. СС Туркистон полки командири, асли андижонлик Ғуллом Алимов 1944 йил декабрида немис армиясидан дезертирлик қилиб, Венада съезд бўлаётган даврда, Братислава ёнида турган руслар ва словаклар билан алоқа ўрнатиб 500 нафар легионери ҳамда партизанлар билан биргаликда фашизмга қарши кураш олиб борган.⁸ Унинг полкида Ғулломжон Рўзибоев (машҳур бастакор), андижонлик (Қизил Карвон кўчасидан) Мадаминжон Исроилов ва бошқалар бўлган.⁹

Ана шу асирлардан 3 нафари андижонлик бўлган. Уларнинг бири 1919 йил 30 январда Асакада ҳунарманд оиласида таваллуд топган Ғулломжон Рўзибоевдир. Унинг «Туркистон легиони»даги фожиали ҳаёти ва фаолияти, тақдири «Водийнома» журналида (2017 йил 2 (4)-сон) берилган.

Советлар даврида мазкур мавзу фақат салбий жиҳатдан талқин этилган, Туркистон легионерлари, ғарбий асирлар ватан хоини, сотқин, душман каби турфа номлар билан атаб келинган. Чунки бу ҳақда ёзиш Коммунистик партия мафкураси ва советлар сиёсатига тўғри келмас эди. Истиқлол туфайли бу масалага ҳолисона, янгича ёндашиш сари қадам ташланди. Бу турдаги асарлардан айримларинигина

⁸ Михаил Геллер. История России 1917-1995. В 4-х томах. Том 1. М.: «МИК», «Агар», 1996, стр. 474

⁹ Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi. – Toshkent: Sharq, 2010. – В.369 – 370.



Гуломжон Рўзибоев

эслатиб ўтишни лозим топдик: «Туркистон легиони»нинг ташкилотчиларидан Вали Қаюмхоннинг «Қийратилган қисматлар» (Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1992 йил 24 апрель); Боймирза Ҳайитнинг мақолалари (Шарқ юлдузи. 1992. №3; Мулоқот. 1992. №3 – 4); Шермат Булоқбоши мақоласи (Шарқ юлдузи. 1992. №1); Р.Шамсутдинов, Ш.Каримов «Ватан тарихи» (Иккинчи китоб. – Андижон, 1998); Ўша муаллифлар «Ўзбекистон тарихидан материаллар» (Андижон, 2004); «Vatan tarixi» (Toshkent: Sharq, 2010); Ш.Каримов «Туркистон легиони» (Турон тарихи. 2003. №1); Р.Шамсутдинов, С.А.Ҳошимов. «Яна туркистонлик ҳарбий асирлар хусусида» (Ватанимиз ўтмишидан, Андижон давлат университетининг 75 йиллигига бағишланган «Истиқлол ва миллий тарих» мавзuidaги илмий-амалий конференция материаллари. Андижон, 2007. – Б.45 – 49). «Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакичилиги даврида» (Тошкент: Шарқ, 2000) китоби муаллифлари шундай ёзганлар: «Умуман, «Туркистон легиони» масаласида турлича фикрлар мавжуд. Бу масалани чуқур ўрганиш ва холисона баҳо бериш тарихчи олимлар олдида турган муҳим вазифалардан биридир» (Б.480).

Профессор Ш.А.Ҳайитов «Историческая судьба туркестанских военнопленных Второй мировой войны» мақоласида бир қанча янги материалларни илмий истеъмолга киритиб, яқин келажақда Туркистон бирлиги миллий комитети ва «Туркистон легиони»нинг май-

донга келиши ва фаолиятини, уларнинг миллий ташкилотларини, матбуот органларини, шунингдек, тирик қолган ва муҳожирликдаги туркистонликларнинг ҳаёти ва фаолиятини анча қунт билан ўрганиш зарурлигини таъкидлайди. Мазкур мавзу бўйича П.П.Воробьевнинг «Деятельность «Туркестанского легиона» в источниках и в исторической литературе» мақоласи, Б.Садиқованинг «История «Туркестанского легиона» в документах» (Алматы, 2002) асари ҳам диққатга сазовордир. Асқар Умаровнинг «Туркестанский легион – между немецкой свастики и советской звездой» (полемика) мақоласида ҳам янги қарашлар мавжуд.

Хуллас, **биринчидан**, Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган галабага Ўзбекистон халқининг қўшган муносиб ҳиссасига бағишланган китоб-альбомни нашр этиш чоратадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойишини бажариш доирасида Ўзбекистонда Иккинчи жаҳон урушида ҳарбий асирлар, «Туркистон легиони», меҳнат армияси («қуролсиз аскарлар»), фронтлардаги ўзбек тилидаги газеталарнинг ўрни ва роли масаласига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман ўтказиш зарур.

Иккинчидан, назарий, илмий, манбавий ва тарихшунослик нуқтаи назаридан, ҳозирги давр талабидан келиб чиқиб бугунгача илмий истеъмолга киритилмай «мутлақо махфий» тамгаси остида сақланаётган Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати архивидаги ҳарбий асирлар, жумладан, «Туркистон легиони»га дахлдор ҳужжат ва материалларни ўрганиш лозим. Бунинг учун бўлажак муаллифларга шу архивда ишлашга рухсат этилиши, архив ходимлари ҳам материалларни кўчириб беришлари керак.

Учинчидан, ўлжага олинган Россия ҳарбий давлат архивидаги 3-Рейх архив фондларида «Туркистон легиони», ўрта осиелик ҳарбий асирлар тўғрисидаги ҳужжат-материаллар, Туркистон бирлиги миллий комитетининг органи «Миллий Туркистон», «Миллий адабиёт», «Янги Туркистон» нашрларини ўрганиб чиқиш зарур.



Ака-ука Абдулхамид ва Мадаминжон (унгда) Исроиловлар урушга кетиш олдидан Андижонда тушган сурат. Мадаминжон СССРга қайтгач бир неча йил қамокда бўлган, турмадан қайтгач 70-йилларда Андижонда вафот этган, акаси Абдулхамид фронтда ҳалок бўлган.

Тўртинчидан, Россия Мудофаа вазирлиги ва унинг таркибидаги ҳарбий фронтлар архивларини ва бу фронтларда нашр этилиб турган ўзбек тилидаги газеталарни излаб топиш ва улардан олинган материалларни илмий истеъмолга киритиш керак.

Бешинчидан, Россиядаги архивларда мазкур мавзуга оид ҳужжат ва материаллар, фото, фоно, кинохроника материалларидан фойдаланиш масаласини Ўзбекистон ва Россия мутасадди органлари орқали ҳал этиш лозим. Чунки кейинги вақтда Россия архивларидан хориждаги тадқиқотчиларнинг фойдаланишлари ман этилган. Ўзбекистоннинг Россия, Украина, Белоруссиядаги элчилари ҳам тадқиқотчиларга ташкилий ва амалий жиҳатдан яқиндан ёрдам беришлари керак.

Олтинчидан, китоб-альбомни ҳозирги замон талаби даражасида яратиш ишига Ўзбекистон Республикасининг тегишли вазирликлари ва барча вилоятлар ҳокимлари ўз ҳиссаларини қўшишлари зарур. Ҳар бир вилоятда давлат ва Президент девони ҳузуридаги вилоятлар архивлари, вилоят тарихи ва маданияти музейлари, Қатагон қурбонлари хотираси музейлари, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамоат фондлари,

олий ўқув юртлари тарихчиларидан иборат кўмак комиссиялари ташкил этилиши ва улар мазкур масалани ҳал этишда ёрдам беришлари керак.

Еттинчидан, китоб-альбомни яратиш жараёни ва излаб топилган ҳужжат ва материалларни республикадаги етакчи журнал ва газеталарда ёритиб бориш лозим, кенг жамоатчиликнинг эсдаликлари, фотоҳужжатлари эълон қилиниши йўлга қўйилиши керак. Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши жангчилари, меҳнат фахрийлари, фронт ортида фаолият кўрсатган таниқли кишиларнинг эсдаликларини ёзиб олиб, тарғиб ва ташвиқ этиш даркор.

Саккизинчидан, юқоридаги масалалар бўйича Москвадаги деярли барча марказий архивларда, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, Ўзбекистон Президенти Девони архиви, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлиги хизмати архиви, Ички ишлар вазирлиги архиви, вилоятлар архивлари, Киев, Херсон, Николаев, Ставрополь, Прикумск, Боку, Олма-ота, Қараганда, Остона, Шортандин, Кокчетов архив ва музейларидан кўплаб ҳужжат ва материаллар олганмиз, улар асосида кўплаб монографик тадқиқотлар эълон қилганмиз. Хуллас, «**Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган галабага Ўзбекистон халқининг қўшган улкан ҳиссаси**» номли кўп серияли ҳужжатли фильмни яратиш учун манбавий асос мавжуд. Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган галабага Ўзбекистон халқининг қўшган муносиб ҳиссасига бағишланган ҳужжатли фильмнинг яратилиши 2020 йили фашизм устидан қозонилган буюк галабанинг 75 йиллиги нишонладиган тарихий санага муҳим совга бўлиши мумкин деб ҳисоблаймиз. Айни вақтда бу ҳужжатли фильмнинг яратилиши Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий ҳаётида, хусусан, халқимизни, айниқса, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга бўлади.



ВАТАН СИЗЛАРНИКИ БЎЛГАНИ КАБИ, МЕНИКИ ҲАМДИР

Доктор Боймирза Ҳайит билан суҳбат

1991 йил баҳорида мен ҳам Боймирза Ҳайит билан шўро замонида Ўзбекистон Компартиясига қарашли бўлган Шелковичная кўчасидаги хос меҳмонхонада учрашиб суҳбатлашганман. Ўша куни ушбу гапниям бу инсоннинг оғзидан ўз қулоғим билан эшитган эдим. Ҳаяжонланиб, идроксиз равишда «Хуш келибсиз!» деганимда Боймирза оға ўша заҳоти «МЕҲМОНГА ХУШ КЕЛИБСИЗ ДЕЙИЛАДИ. МЕН МЕҲМОН ЭМАСМАН, МЕН ВАТАНИМГА ҚАЙТДИМ» деган эди.



Хуршид Даврон

Ҳали эсимда, 1992 йил 24 август, якшанба куни. Доктор Боймирза Ҳайит рафиқаси Рут хоним ва уларга ҳамроҳ бўлган туркиялик қардошлар Андижонга келганларида таклифимизга биноан бизникида меҳмонда бўлиб Андижон давлат университетига ҳам ташриф буюришган. Ўшанда Боймирза ака «ИСТИҚЛОЛИНГ МУБОРАК, ЎЗБЕКИСТОН, ВАТАНИМ МАНИМ» стенди олдига келиб Президент Ислон Каримов портретига ишора қилиб, «Бу инсонни кадрлаш керак, асраш лозим, чунки у ўзбек миллатини истиқлолга олиб чиқди, унинг номи бу халқ тарихида абадулабад қолажак. Истиқлол эълон қилинган хуш, қувончли хабарни эшитиб биз, хориждаги ўзбеклар, дунёнинг турли мамлакатларидаги биродар, миллатдошларимиз билан телефон орқали кўзда ёш, қалбда қувончлар тўла бир-биримизни муборакбод қилганмиз» дегани ҳамон қулоғимда.

Кафедрамиз олдидаги «Тарихимизнинг долзарб муаммолари» номли стенд кўргазмага биз меҳмонлар ташриф буюрмасдан анча олдин «Мулоқот»да босилган Боймирза Ҳайит мақоласини расми билан қўйган эдик. Буни кўрган Боймирза ака чехраси ёришиб, ҳамроҳларига қарата: «Мана, қаранглар, истиқлол шарофати ила Ватан бизларни ҳам ёд айлаб, асарларимизни тарғиб-ташвиқ этишга имкон очибди, ахир, шўролар даврида биз ва асарларимиз устидан қора чизиқ тортилган эди, бизлар «ватан хоинлари», «ватан гадолари» деган номлар билан аталганмиз. Мана энди ҳақоратомуз тухматлар ортда қолди, адолат ва ҳақиқат қарор топа бошлади. Илоҳо, истиқлолимизни Яратганинг ўзи асрасин», – деганди.

Аммо бу вақтда замон, давр талабига, мустақиллик руҳига мос келувчи дарслик, қўлланмалар йўқ эди. Шунда биз, профессор-ўқитувчилар, кўп жиҳатдан «Мулоқот»да эълон қилинаётган тарихимизга доир мақолалардан фойдаланиб ўқув ишларини олиб борардик. Дарслик, қўлланма яратишда ҳам улардан самарали фойдаландик. Ш.Каримов билан ҳаммуаллифликдаги «Ватан тарихи» ўқув қўлланмасининг учала китобини тайёрлашда «Мулоқот»даги мақолалар жуда асқатганди. Ана шу уч жилдлик «Ватан тарихи» 1995 – 2016 йиллар давомида тўрт марта нашр этилиб, ҳозирга қадар республика олий ўқув юртлари талабалари учун қўлланма-дарслик сифатида хизмат қилмоқда.

Доктор Боймирза Ҳайит билан 1995 йили Анқарада бўлиб ўтган Туркий дунё тарихчилари конгресси ташкилий қўмитаси аъзоси сифатида мен ва академик Аҳмадали Асқаров биргаликда конгресси ташкил этиш ва уни ўтказиш жараёнида икки марта бирга бўлиб, кўпдан-кўп учрашувларда унутилмас суҳбатлар қурганмиз. 1996 йили Германиянинг Баден-баден курортида, Кёльнда, Боймирза Ҳайитнинг уйида меҳмонда бўлиб, ватанимиз, унинг бетакрор тарихига доир долзарб муаммолар ҳақида фикр алмашганмиз. Боймирза Ҳайит вафотига хат орқали мулоқот қилиб турганмиз. Биз кўплаб китоблар берганмиз, у бизга кўплаб асарларини юборган. Вафоти муносабати билан бизга дафн маросимида бўлиш насиб этмади, аммо бизнинг телеграф орқали юборган таъзияномамиз дафн маросимида ўқиб берилган.

Рустамбек Шамсутдинов

ТУРКИСТОН ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА

(1939 – 1945)



Боймирза Ҳайит
Анқара университетида ўтказилган «Дунёда туркийлар» мавзuidaги симпозиумда (1987 йил 27 – 28 апрель) ўқилган маъруза

1935 йил охиригача Туркистон турклари Совет армиясига сафарбар этилмас эди. 1935 йилда қабул қилинган «Совет армиясига сафарбарлик» қонунига асосан 1935 – 1938 йиллар ичида Қизил армияда ҳарбий хизматга туркистонликлар оз миқдорда олинганди. 1939 йил сўнгида Совет Иттифоқи билан Финляндия орасида уруш борганлиги сабаб бўлиб туркистонликлардан Қизил армияга аскар олиш орта борди. 1941 йил июнь ойида Совет Иттифоқи билан Олмония орасида бошланган урушнинг дастлабки йилларида (1941 – 1943) Қизил армияда тақрибан 4847775 туркистонлик бор эди. 18 билан 65 ёш орасидаги туркистонликлар фронт хизматига сафарбар қилинди. Туркистонликлар 1939 – 1945 йиллар орасида узлуксиз равишда Қизил армия хизматига олинишидан олдин Совет режими Туркистондаги дастлабки сиёсатининг «мева»сини тотаётган эди. Сталиннинг «Давлат ва коммунистик партия идораларини халқ душманларидан ва миллатчилардан тозалаш»га оид кўрсатмаси билан Совет Иттифоқи коммунистик партияси Марказий Комитети қабул қилган қарор асосида 1937 – 1939 йилларда туркистонликлардан тақрибан 2 миллионга яқин киши қамоққа олинганди. Бундай террорлардан кейин қўрқинчли йиллар таъсиридаги туркистонликлар энди Қизил армия хизматига олинаётган эди.

Иккинчи жаҳон уруши пайтларида Қизил армияга сафарбар этилган Туркистон туркларининг sanoғи тўғрисида тўла маълумот йўқ. Лекин «Миллий Туркистон» Бирлик Қўмитасининг 1942 – 1943 йилларда Олмония томонида фронтда бўлган «Туркистон легиони»нинг аскарларига берилган саволларга олинган жавоблардан уруш даврида Қизил армияда бўлган туркистонликларнинг sanoғи борасида ҳақиқатга яқин маълумот олиш мумкин бўлганди. Тўпланган маълумотларга қараганда, 1943 йилда Қизил армиянинг 6 ҳарбий қисмида, яъни Минск, Киев, Москва, Ленинград, Узоқ Шарқ, Шимолий Кавказда 1179802 туркистонлик аскар бор эди. Фақат Минск ва Киев қисмларида 997802 нафар эди. Совет Иттифоқининг бошқа ҳарбий қисмларида бўлган туркистонликларнинг sanoғи ҳақида маълумот олишнинг иложи бўлмаган. Олмон уруши доираларининг тарқатган маълумотларига кўра, Совет Иттифоқи билан Олмония орасидаги урушнинг илк йилларида (1941 – 1942) Советларнинг Ғарбий фронтда тақрибан 2 миллионга яқин туркистонлик аскар бўлган. Тўғай шаҳрида жойлашган Олмон ҳарбий асирлари бошқармасининг 1943 йилда берган маълумотига кўра, урушнинг илк йилларида (1941 – 1942) Совет армиясидан 1700000 га яқин туркистонлик олмонлар томонидан асир олинган.

Олмон-Совет урушидан олдин Совет армиясига чақирилган туркистонликларнинг кўпи Украина ва Польшада хизмат қилаётган эди. Финляндия-Совет Иттифоқи урушида маънавий ва моддий кучларидан айрилган Қизил армия Олмониянинг Польшадаги уруш бораётган чегараларига юборган аскарларини на қурол жихатдан ва на маънавий жихатдан таъминлаган эди. Олмон армияси билан юзма-юз келган туркистонлик совет аскарларининг кўпчилиги қўлларида милтиққа ўхшаган тахта парчала-



рини кўтариб боришарди. Олмонлар биринчи бўлиб чегарада турган совет аскарларидан туркистонликларга огир зарба бергандилар. Шу сабабли туркистонликларнинг бир қисми ҳалок бўлган. Кўпчилиги эса немисларга таслим бўлган ва улар томонга ўтган эди. Совет армияси таркибида хизмат қилаётган туркистонликларнинг фақат озгина қисми орқага чекинди. Лекин буларнинг ҳам аксарияти немис армияси томонидан асир олинди ва ўлдирилди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Совет армиясида бўлган туркистонлик аскарларнинг «Совет Ватани» деб аталган, аслида, «Рус ватанпарварлиги» руҳида яшаётган Совет Иттифоқининг гарбий минтақаларидаги тупроқларини мудофаа қилиш учун маънавий кучлари етарли эмас эди. Ҳеч кимса 1937 – 1939 йиллардаги сталинизм-большевизм террорининг таъсиридан қутулолмаган эди. Устига-устак, туркистонлик аскарларнинг кўпчилиги рус тилини билмаганлари учун уларга «иккинчи даражали аскар» назари билан қараларди. Шундай бўлса ҳам, туркистонликлар ўз Ватанларидан йироқ жабҳаларда урушаётган эдилар. Ҳар бир туркистонлик совет аскарининг хаёлида «мен нега бу ердман?» деган савол бор эди. Шунинг билан бирга, Совет армиясида Туркистон миллий озодлиги учун Русияга қарши генерал Миршакар бошчилигида ташкил этилган яширин бир ташкилот Минск шаҳрида жойлашиб, туркистонлик совет аскарларининг Олмонияга қарши жиддий жангга кирмасликларини ташвиқ этаётган эди. Қизил армия кўмондонлиги фақат 1944 – 1945 йиллардагина туркистонлик аскарларни назорат остига ола билган. Совет Иттифоқининг фронтларида туркистонлик аскарларнинг сони камайган эди. Фронт ортидаги ишларга туркистонлик совет аскарлари жалб қилинган эди. Тўғридан-тўғри фронтда жанг олиб бораётган туркистонлик совет аскарларининг озгина қисми Олмонияга сизинган эди. Немислар ташвиқотининг хатоси ҳам Совет армиясига ёрдамчи ролни ўйнади. Немис армияси билан бирга туркистонлик аскарлар Совет армиясига қарши жабҳада иштирок этаётган бўлишларига қарамай, немис тарғибот органлари «Большевизмнинг асосий манбаи мўғул-

лар ва осиеликлардир» деб жар солишдан воз кечмади. Бундай хатоли тарғибот ҳаммасидан олдин туркистонликларни кўрқитмоқда эди. Немисларнинг Совет армиясидан олган асирлари ва Совет армиясидан қочиб Олмон армиясига ўтган собиқ совет аскарларига нисбатан олиб борган бундай ёмон муомалалари совет аскарларида немисларга қарши ишончсизлик туйғусини вужудга келтирди. Совет армиясида икки миллионга яқин туркистонлик турк ва мусулмон аскарларининг бўлганлиги Туркистоннинг уруш давридаги инсон потенциали оқимининг даражасини кўрсатмоқда эди. Иккинчи жаҳон уруши Туркистон туркларининг анъанавий жанговарлик қобилиятлари сақланиб қолганини кўрсатди. Туркистонликлар урушга кўрқмай отилиб кирардилар.

Туркистон Совет Иттифоқининг уруш йилларидаги иқтисодий эҳтиёжларини таъминлаган марказ бўлганди. Бунга Туркистоннинг бой маъдан конлари ва зироати имкон бермоқда эди. Масалан, 1945 йилда Совет Иттифоқи кўмир резервининг 26,7 фоизи, бензин резервининг 32 фоизи, миснинг 76 фоизи, симобнинг 100 фоизга яқини, рух ва кўргошиннинг 86 фоизи, висмутнинг 100 фоизи, хромнинг 90 фоизи ва марганецнинг 95,5 фоизи Туркистонда эди. Иккинчи жаҳон урушидан олдин совет мутахассислари билдирган маълумотга кўра, ёлғиз Қарагандадаги кўмир кони Совет Иттифоқи кўмир эҳтиёжларини 120 йилгача қоплай оладиган даражада бойдир. Қарагандадаги кўмир конида уруш йилларида ҳар куни 31314 тонна кўмир чиқарилганди. Уруш йилларида 150 темир-маъдан конлари кашф этилган. Жезқазган марганец-маъдан кони Украина немислар томонидан ишғол этилгандан кейин Советларнинг Кривой Рог маъдан кони ўрнига ишга солинганди. Совет Иттифоқининг гарбий минтақалари (Украина, Белоруссия каби) ишғол этилгандан кейин советларнинг фойдали қазилмалар ва озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжларини Урал, Сибирь ва Туркистон таъминлаганди. Олмон-Совет урушидан олдин Совет Иттифоқида чиқарилган темирнинг 68 фоизи, пўлатнинг 58 фоизи, алюминийнинг 60 фоизи гарбий минтақалардан олинарди. Лекин уруш бунга бар-

ҳам берди. Совет ҳукумати 16 август 1941 йилда Уруш иқтисодиёти планини қабул қилди ва фавқулодда ўлароқ Ғарб минтақаларидаги кутқариб қолиш мумкин бўлган саноатини Туркистон, Урал ва Сибирига жойлаштирди. Украина, Белоруссия, Москва ва Ленинграддан 1941 йил июль – ноябрь ойларида 1563 фабрика (булардан 1360 таси ҳарбий саноатга оид) Совет Иттифоқининг шарқий минтақаларига кўчирилди. Булардан 260 дан ортиги Туркистонга юборилганди. Украинадай бой бир мамлакатнинг Олмония томонидан ишғол этилиши муносабати билан Совет Иттифоқи ҳарбий эҳтиёжлари юқининг катта қисмини Туркистон зиммасига ортди. Туркистон Қизил армияни кийим-кечак, пахта, жун, ипак, мева, сабзавот, гўшт, ёғ, нон ва шакар билан таъминлаб турди. Туркистоннинг ерости маъдан бойликлари, деҳқончилик ва чорвачилик имконлари ҳақида бу ерда баҳс юритишнинг ҳожати йўқ. Чунки булар ҳақида «Туркистоннинг иқтисодий муаммолари» («Die Wirtschafts – Probleme Turkestans»), Турк маданияти тадқиқотлари институти нашр этган 32, VII серия, А I сонли рисола. – Анқара, 1968. – 244 б.) номли асаримда маълумотлар беришга ҳаракат қилганман. Шуни ҳам таъкидлашимиз керакки, Туркистон темир йўллари Иккинчи жаҳон уруши йилларида Совет армияси учун беқиёс хизмат қилди. Масалан, Ашхобод темир йўли 1942 йилда 100 минг вагон аскар ташиган эди. Уруш учун керакли бўлган саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини фронтга ташиш ва фронтни Туркистонга боғлаш масалаларида Тошкент, Ашхобод ва Турксиб темир йўллари муҳим роль ўйнаганди.

Уруш даврида Совет Иттифоқининг гарбий минтақаларидан Туркистонга 3 миллионга яқин киши эвакуация қилинган. Булардан 2 миллион 400 минг нафари Қозогистон Совет Республикасига, 716 минг киши Ўзбекистон Совет Республикасига, қолган қисми Туркменистон, Қирғизистон ва Тожикистон Совет Республикаларига жойлаштирилди. Туркистон аҳолиси уларни уй-жой, озиқ-овқат, кийим-бош ва бошқа ҳаёт эҳтиёжлари билан таъминлади. Етим қолган болаларнинг кўпчилиги эса Туркистонга жўнатилди. Булар билан Туркистон-

нинг турк аҳолиси инсонпарварлик руҳида муомала қилди. Масалан, тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шомаҳмуд ўгли ва унинг хотини Баҳри ая Тошкент етим болалар уйидан 16 нафар 16 миллат ва қавмдан келган етим болаларни ўз ҳимояси ва тарбиясига олдилар. Ҳар бир болага турк-мусулмон исмини қўйиб, уларни турк-ўзбек лаҳжасида ва мусулмонлик руҳида улгайтдилар ва болаларга Шомаҳмудов фамилиясини бердилар. Отасининг исми Шоаҳмад, онасининг исми Баҳри деб ёздирдилар. Бу болалар турли миллатлардан келган оилаларнинг болалари бўлганларини фақат кейинчалик билдилар. Лекин шунгача Шомаҳмудов оиласи анъаналарига боғлиқ ҳолда яшадилар ва ишладилар.

Туркистон, умуман, Совет Иттифоқининг уруш даври иқтисодиётида муҳим роль ўйнади. Буни Сталин 1943 йилда куйидаги фикрлар билан баён этган эди: «Ўрта Осиё ва Қозогистон Совет Республикалари Қизил армиянинг энг муҳим қурол омбори бўлди».

Сталин биринчи марта Ўрта Осиё ва Қозогистон атамасини ишлатган Совет коммунист раҳбари бўлган эди. Шу нарсани очиқ қайд этишимиз керакки, Сталиннинг атамачилик борасидаги бу «руҳий мерос»ини ҳозирги кунгача Ғарбда ҳам ишлатиб юрганлар талайгина.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Туркистон, бир томондан, Совет армиясининг аскарий потенциалида аҳамиятли роль ўйнаган бўлса, бошқа томондан, иқтисодий имконлари билан Совет Иттифоқи ҳарбий иқтисодиётига оид талабларини қондиришга мажбур этилди. Бу эса Совет Иттифоқининг урушда енгиб чиқишида муҳим негизлардан бири бўлди. Иккинчи жаҳон уруши, айтиш чоғда, Туркистон миллий масаласини ўртага кўндаланг қилиб қўйди.

Олмон-Совет уруши бошланган йилларда Олмонияда бўлган туркистонлик зиёлилар 1939 йилда Олмония ила Совет Иттифоқи орасида Польша тақсим этилганидан кейин Туркияга кўчдилар. Ўша йилларда Парижда яшаган Мустафо Чўқай ва Берлинда турган Вали Қаюмхондай икки туркистонлик зиёли Советлар Иттифоқи ҳокимияти остида яшаб келган турк



қавмлари муҳожир зиёлиларининг вакиллари ила ўз мамлакатларидан келган ҳарбий асирларнинг анкеталарини тайёрлаш билан машғул бўлдилар. 1941 йил декабрида Мустафо Чўқай вафот этди. Ёзув билан қайд этилмаган (яъни оғзаки) маълумотларга қараганда, Совет Иттифоқида турк қавмларининг Олмониядаги муҳожир раҳбарлари асирларни ишлашга жалб қилмоқ учун анкеталар тузишга киришгандилар. 1942 йил бошида аҳвол ўзгарди. Аввал Совет Русияси ҳокимияти остида бўлган, ҳозирда эса Олмонияда турган гайрирус миллатларининг бир қисмини легионларга қабул қилиш масаласи кўрилди. Шу тариқа Олмония ҳокимияти остига ўтган ерларда Армани, Гуржи (грузин), Шимолий Кавказ, Озарбойжон, Идил-Урал ва Туркистон легионлари барпо этилди. «Туркистон легиони»нинг биринчи қисми 2 май 1942 йилда Брянск ўрмонларида Совет армиясига қарши жангга кирди. 1942 йил августда Вали Қаюмхон раислигидаги «Туркистон Миллий Бирлик Қўмитаси» тузилди ва, айна замонда, «Миллий Туркистон» журнали нашр этилди. Журналнинг биринчи сони (15.8.1942) «Бизнинг йўл» номи билан чиқди ва «Бизнинг йўл оталар йўлидир, мустақиллик йўлидир» дея баёнот берди. Олмон давлати миллий қўмитанинг бу сиёсий йўлини ўрганиб чиқди, аммо унинг сиёсий ниятига қарши чиқмади.

«Туркистон легиони»нинг фронтдаги аскар ва зобитлари миқдори 1944 йил охирида 181402 киши эди. Буларга қўшимча тарзда ҳарбий форма кийган ва легионга мансуб бўлган ишчи бирликлари (рабочий персонал) ҳам бўлган, уларнинг саногии 85 мингдан зиёд эди. 1944 йил охирида эса «Туркистон легиони»да 267 мингдан ортиқ туркистонлик хизматда бўлган. Ҳарбий қўмондонлик Олмон армияси томонидан тайинланарди. Туркистонликлардан батальон ва полк қўмондонлари, рота командирлари жуда кўп эди. Легионнинг сиёсий ва миллий ишлари Миллий Туркистон Бирлик Қўмитаси томонидан идора этиларди. Ҳар бир аскар ва зобитнинг (легионда хизматда бўлган олмон аскар ва зобитларнинг ҳам) сўл қўлида «Туркистон, Оллоҳ биз билан» тамгаси бор эди. Аскар қасамёди Қуръони карим қаршисида икки

қилич бирлаштирилиб, Туркистон байроги остида қабул қилинарди.

Олмонияда ташкил этилган Озарбойжон, Шимолий Кавказ, Идил-Урал ва Туркистон легионларининг тарихи бугунги кунга қадар ёзилмади. Фақат «Туркистон легиони» ҳақида баъзи манбаларимиз бор. Лекин бу нашрларда ҳарбий кучлар (аскарлар миқдори) ва уларнинг фаолиятлари борасидаги маълумотлар йўқ дегудекдир.

«Туркистон легиони» Совет Русиясининг қўшинларига қарши жиддий жанглар олиб борди. Руслар Туркистон миллий аскарларидан асир олмас, уларни «қора фашистлар» дейишарди. Олинган асирларни жойида ўлдиришарди. Ҳатто ярадор миллий аскарларни ҳам аяб ўтиришмасди. «Туркистон легиони»дан 1944 йилнинг охирига қадар тахминан 65 минг киши шаҳид бўлганди, 900 га яқин легионер Совет партизан отрядларига қочганди. Легионерлар олмон аскар ва зобитлар билан, умуман, яхши чиқшардилар. Баъзан ораларида келишмовчилик ҳоллари ҳам бўларди. «Туркистон легиони» ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман ва тожик қавмларидан иборат эди. Улар, советларнинг йиллар давомида олиб борган парчалаш ва бир-бирига қарши қўйиш сиёсатига қарамай, туркистонликларнинг «Турклик бирлиги»ни кўрсатиб қўйиш қобилиятларини ҳам исбот этгандилар. Табиийки, совет тарғиботи «Туркистон легиони»ни ичидан бузиш учун кўп ҳаракат қилди. Лекин Туркистон Миллий Бирлигини бузолмади.

Олмон давлати 24 март 1945 йилда «Туркистон легиони»ни ТУРКИСТОН МИЛЛИЙ АРМИЯСИ, Туркистон Миллий Бирлик Қўмитасини ТУРКИСТОН МИЛЛИЙ ҲУКУМАТИ сифатида расмий ҳужжат билан тан олди. Миллий ҳукуматга Олмония ва унга дўст давлатлар билан дипломатик муносабатда бўлиш ҳуқуқини ҳам берганди. Олмониянинг бу тадбири бироз кечиккан бўлса ҳам, тарихий бир ҳодиса сифатида, бундай бир тан олиш қарорининг ҳужжати эса ўша даврнинг Туркистон миллий масаласига бир муносабат сифатида аҳамиятлидир.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин олмонларнинг ҳимояси остида тутиб турилган тур-



кистонлик асирларнинг ва Туркистон миллий армиясининг аскар ва зобитлари ҳаётида аччиқ бир давр бошланди. Иттифоқчи давлатлар – Америка, Англия ва Совет Иттифоқи давлат бошлиқларининг 1945 йил февралда Ялта шартномадаги шартномасига кўра, ҳар бир давлат урушдан кейин ўз фуқароларини қайтариб олиши керак эди. Бундай шартнома озод ватанга эга бўлган давлат ватандоши учун гоят табиий бир масала эди. Аммо Совет Иттифоқи учун бундай қарорга келишилгани кўп кишиларнинг ўлимига сабаб бўлди. Ялта шартномаси асосида Америка, Англия ва Франция армиясининг минтақаларида бўлган туркистонлик аскарлар ва миллий аскарлар мажбуран Совет Иттифоқига жўнатила бошланди. Совет Иттифоқидан келган туркларнинг аксарияти, шу жумладан, 200 мингдан ортиқ туркистонлик Совет Иттифоқига кетишдан бош тортдилар. Иттифоқчи давлатларнинг зобитлари рус зобитлари билан бирга қаерда бир собиқ совет аскарини, асирини ёки олмонлар билан бирга Совет армиясига қарши жанг қилган аскарларни кўрсалар, дарҳол Совет зобитларига қайтардилар. Америкадаги арманилар ўз арманиларини қутқариш учун бемалол, муваффақият билан иш олиб бордилар. Совет Иттифоқига қайтишни хоҳламаган туркийларга ёрдам берадиган бир давлат керак эди. Олмонияда бўлган икки турк талабасининг ҳиммати билан 1945 йилда Туркия бош қўмондонлигининг Бавариядаги Америка армияси қошидаги вакили юзбоши Эҳсон Унэсан (1966 йилда вафот этди) билан танишдим. Ундан ёрдам сўрадим. У, ўз навбатида, туркийларнинг анкетасини ҳозирлашимни илтимос қилди. Эҳсон Бей анкеталарнинг бир нусхасини ўзи олди, бошқа бир нусхасини эса махфий йўллар билан Анқарага жўнатди. Эҳсон Бей ўтирган учоқ Югославия устида ўққа тутилди ва учоқ уриб туширилди (унинг жомадонидаги анкеталар йўқолди). Жўнатилган иккинчи нусха эса Анқарага келган, Анқарада масъулиятли хизматчилар бу анкеталар асосида Олмонидан 100 мингга яқин туркийларни Туркияга олиб келиш масаласини муҳокама қилганлар. Ораларида «Агар буларнинг орасида 10 минг Совет жосуси бўлса нима қи-

ламиз?» деган савол ўртага ташланган ва «Қабул этилмасин» деб қарор қилганлар. Туркияга мурожаат қилган бунча инсоннинг 10 минг тугул, юз кишиси ҳам жосус бўлмаслигини кўра билмаганлар. Ёрдамсиз қолган туркийлар 1945 йил ноябрига қадар Совет Иттифоқига қурол кучи билан (мажбуран) топширилганлар. 1945 йил ноябрида Эйзенхауэрнинг «Русияга бирор-та ҳам одам мажбуран жўнатилмасин!» деган амрига асосан 6 – 7 минг туркий, шу жумладан, тахминан 800 туркистонлик жонларини қутқариб қола олдилар. Совет Иттифоқига мажбуран жўнатилган туркистонликларнинг офицерлари Совет Жиноят кодекси қонуни асосида уруш даври қоидалари бўйича дарҳол отиб ташланганлар. Қолганлар эса 20 – 25 йил муддат қамоқхоналарда, хусусан, Сибирь сургунларида бўлганлар, соғ қолганлари ахири ватанларига қайтишга муваффақ бўлганлар. Иттифоқчи давлатлар бугунги кунга қадар Совет Иттифоқига жўнатилган собиқ совет аскарлари ҳақидаги архивни нашр этганлари йўқ.

Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги Туркистоннинг Совет ҳарбий ҳаётига қўшган ҳиссаси ҳақида Совет Иттифоқида ёзилган бир қанча асарлар бор. Туркистонликларнинг олмонлар билан бирга Совет Русиясига қарши жанглари ҳақида Совет Иттифоқида ёзилган талайгина асарлар, шу жумладан, романлар, мақолалар ва хотиралар бор. Олмонияда Совет Иттифоқидан келган туркийларнинг Иккинчи жаҳон уруши йилларида миллий озодлик даъвоси, давом эттирган курашлари, жанглари ҳақида баъзи асарлар ёзилди. Лекин булар туркистонликларнинг ҳаракатини тўла ва тўғри ифода этмаганлар. Иккинчи жаҳон уруши йилларида туркистонликларнинг икки фронтда, советлар ва олмонлар тарафидаги жанглари ва Туркистоннинг у йиллардаги аҳволи ҳақида бу кунга қадар миллий туйғу ва ҳалол манбалар асосида ёзилган асар йўқ, бундай асар яратилмагандир.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Олмония билан бирга урушган Туркистон миллий армиясининг тарихда қолдирган баъзи муҳим излари бор. Буларни қуйидаги нуқталарда баён эта оламиз:



1. Туркистонлик беш қавм вакилларидаан иборат бир Туркистон армиясининг қурилиши, Туркистонда миллий туркийлик туйгуларининг ўлмаганлигини исбот этди.

2. Туркистонликлардан ҳали Совет кишилари, Совет миллати яратилмаганлиги тасдиқ этилди. Чунки Туркистон миллий армиясида Совет ҳокимияти хизматида бўлган барча ижтимоий гуруҳлар (ўқитувчилар, партия ва давлат идораларида ишлаган шахслар, офицерлар, коммунистлар, ҳаттоки сиёсий комиссарлар, талабалар, ишчи ва деҳқонлар) бор эди.

3. Туркистон легиони, сўнгра Туркистон миллий армияси, Совет армиясидаги туркистонликларга руҳий жиҳатдан таъсир кўрсатди. Шунинг натижасида Совет давлати 1926 йилдан бери Ўрта Осиё Ҳарбий Округи исмини ташиган округ исмини ТУРКИСТОН ҲАРБИЙ ОКРУҒИ деб ўзгартиришга мажбур бўлди.

4. Туркистон миллий армиясида ислом диний таълимотининг ва фронтда ҳам ислом маросимларининг давом этирилиши ва Совет армиясида бўлган туркистонликларнинг ота-оналарининг талабларига биноан Совет давлати илк бор Туркистонда ислом диний ташкилотининг тузилишига ва Совет армиясида ислом жаноза маросимида изн беришга мажбур бўлди.

5. Олмонияда маълум бўлган манбалардан биламизки, туркистонлик легионерлар ва кейинги Туркистон миллий армияси, аскарлари саногининг кўплиги билан Олмонияда ташкил этилган барча миллий қўмиталар, жумладан, Озарбойжон легиони ва Миллий Қўмитаси, Озарбойжон номидан Ёрбой Фотиҳали Юдон Бей ва Туркистон номидан Бендениз, Олмон пиёда кучлари қўмондонлигининг «Туркия Олмонияга қарши жабҳа очса, Туркистон ва Озарбойжон аскарлари «Туркияга қарши жабҳага кира оладими?» саволига кескинлик билан «Йўқ, Туркияга қарши жабҳага киролмаймиз» дея жавоб бергандилар. Бу билан турклигимиз-

нинг йўли тайин этилганди. Ҳолбуки, Олмон уруши қўмондонлиги бизнинг Туркияга қарши жабҳага киришимизга рози бўлганди.

6. Туркистонда уруш пайтида ва урушдан кейин Миллий армиянинг руҳи асосида янги бир миллиятчилик оқими юзага келди. Шу сабабли Советларнинг уруш йилларида туркистонликларнинг Олмония билан бирга Совет Русиясига қарши жабҳага киришларининг сабабларидан кўз юмиши ва миллий ҳаракатни таъсирсиз ва аҳамиятсиз қилиб кўрсатиш ниятида олиб борган ташвиқоти ҳам янги миллиятчиларнинг кўпайишига имконлар берди.

Совет армияси 1979 йил охиридан эътиборан Афғонистонни ишғол қилган илк ойларида бу ишғолчи армия орасида туркистонликлар кўп эди. Туркистонлик совет аскарлари Афғонистон мужоҳидларига қарши берилган буйруқ асосида ҳаракат қилмадилар. Булар ҳаттоки Совет армиясини маънан буздилар. Шунинг учун Совет ҳарбий қўмондонлиги очиқчасига Афғонистондан кўп миқдорда туркистонликларни қайтариб олишга мажбур бўлди.

Афсуски, Ғарб мамлакатларида бу кунга қадар Туркистоннинг Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги (1939 – 1945) умумий масалалари тадқиқ этилмаган. Туркистоннинг уруш йилларидаги умумий уруш манзарасини (инсоний ва моддий потенциаллари ва миллий озодлик ҳаракатини) ўрганиш учун ҳеч бўлмаганда Советларнинг асарлари танқидий кўз билан тадқиқ этилиши керак.

Муаллифнинг ушбу мақоласи қуйидаги икки нашр асосида тайёрланди.

1. *Baymirza Hayit. Turkistan, II. Dunya savasi yillarinda (1939 – 1945) // Sovyetler Birliḡi'ndeki Turklugun ve Islamin bazi meseleleri. – Istanbul, 1987. – S.200 – 207.*

2. *Боймирза Ҳайит. Туркистон Иккинчи жаҳон уруши йилларида (Миразиз Аъзам таржимаси) // Шарқ юлдузи. 1992. №3.*



БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТИШ ШАРОИТИДА АҲОЛИНИ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

(Андижон, Наманган, Фаргона вилоятлари мисолида. 1991 – 1995 йиллар)

А.Н.НУРМАТОВ, ЎзР ФА Тарих институти таянч докторанти

Мустақиллик тараққиётининг 2016 йил охири – 2017 йил бошларида бошланган янги босқичида қабул қилинган «2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да халқимизни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, моддий турмуш тарзини, ҳаёт шароитларини яхшилаш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, бунда, энг аввало, инсонлар учун зарур бўлган истеъмол маҳсулотлари билан таъминлашга алоҳида эътибор берилган.¹ Мазкур ўта долзарб вазифани ҳар томонлама, кенг кўламда англаш ва масъулият билан амалга оширишда яқин ўтмишимиз, яъни мустақилликнинг дастлабки йилларидаги жараён ва ҳолатни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бу илмий ахборотда 1991 – 1995 йилларда аҳолини истеъмол моллари билан таъминлаш тарихи, тажрибаси ва натижаларининг айрим қирралари ҳақида фикр юритилади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаги энг долзарб масалалардан бири аҳолини истеъмол маҳсулотлари билан таъминлаш, бу борада йиллар давомида тўпланган қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келган. Мураккаб иқтисодий танглик йилларида аҳоли истеъмол ҳажми кескин тушиб кетишининг олдини олиш ва моддий таъминотни яхшилаш учун ижтимоий-иқтисодий соҳаларга алоҳида эътибор берилиши керак эди. Шу боис ҳам мавжуд иқтисодий имкониятлардан

келиб чиққан ҳолда аҳоли ҳаёт даражаси кескин пасайишининг олдини олиш мақсадида ижтимоий аҳамиятга молик бўлган бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва босқичма-босқич амалга оширилди.

Бундай ислохотлардан бири – аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида олиб борилган сиёсат алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Чунки собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги асосан хомашё етиштиришга ихтисослаштирилганлиги оқибатида истеъмол молларининг аксарият қисми четдан келтирилган. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг илк йилларида аҳоли моддий таъминотида қийинчиликларга дуч келинди. Бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки мураккаб йилларида иқтисодий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда истеъмол моллари аҳолига меъёрлаштирилган тарзда, яъни бунда ҳаёт учун энг зарур бўлган маҳсулотлар давлат томонидан белгиланган норма асосида ҳар бир оила жон бошига қараб ягона карточка (оилавий ҳисоб варақалари) жорий этилиб, дўконларга бириктирилган, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларининг тақчиллиги сабабли давлат томонидан белгиланган миқдорда сотишга мажбур бўлган. Бу тадбирларнинг асосий мақсади аҳолининг барча қатламларини узлуксиз ва адолатли таъминлаш, минимал нормалар даражасида бўлса ҳам таъминот устидан қатъий назорат ўрнатишдан иборат бўлган. Айни вақтда, миқдори доимо ўзгартириб турилган иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, турли нафақалар, компенсация тўловлари тарзидаги бевосита пул тўловла-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон фармонининг 1-иловасида келтирилган «2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси». <http://strategy.regulation.gov.uz>



ри, имтиёзлар ва турли дотациялар тарзидаги туловларни жорий қилиш каби усуллар кенг қўлланилди. Бу каби ижтимоий аҳамиятга эга ислохотларни қўллаш республика миқёсида, айниқса, ижтимоий-иқтисодий, демографик жиҳатдан алоҳида аҳамият касб этувчи Фаргона водийси ҳудудларидаги ижтимоий муаммолар мураккаблашувининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этди.

Фаргона водийсининг Ўзбекистон таркибидаги вилоятларида ҳам аҳолини зарур меъёрлаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда қатор ишлар амалга оширилди. Бунда ЎзССР Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 6 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш меъёрлари тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамият касб этди. Бу вақтда водий вилоятларида ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари четдан келтирилиб, аҳолига арзон нархларда етказиб бериб турилган эди. Фаргона вилоятида 1992 йилнинг ўтган 11 ойи давомида ажратилган озиқ-овқатлар фондидан ташқари бошқа республикалардан 235 млн сўмлик маҳсулот, шулардан 400 тонна ун, 1000 тонна шакар, 80 тонна чой, 1,5 тонна гуруч, 200 тонна пахта ёғи², 1994 йили 5 миллиард сўм-купонлик³, 1996 йилнинг 1-чорагида 4976 тонна бугдой, 1516 тонна ун⁴, Андижон вилояти савдо ташкилотлари томонидан 1993 йилнинг 5 ойи давомида 615 тонна гуруч, 155 тонна чой, 60 тонна совун, 2 миллион дона тухум, 130 миллион сўмлик хўжалик моллари, жами 2,5 миллиард сўмга яқин истеъмол моллари⁵, 1993 йили 5,6 млрд сўмлик халқ истемол моллари, шундан 1,2 млрд сўми озиқ-овқат маҳсулотлари⁶, 1994 йили 30 турдаги 70 миллион сўмдан ортиқроқ озиқ-овқат маҳсулотлари⁷, 1995 йили эса 498,8 млн сўмлик озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари келтирилиб аҳолига сотилди.⁸

² ФВДА. 1220-фонд. 1-руйхат. 6-йиғма жилд. 12-варақ.

³ ФВДА. 1220-фонд. 2-руйхат. 72-йиғма жилд. 6-варақ.

⁴ ФВДА. 1220-фонд. 2-руйхат. 168-йиғма жилд. 33-варақ.

⁵ ЎзР Президент девони архиви Андижон вилоят бўлими (бундан кейин ЎзР ПДА АВБ). 4141-фонд. 1-руйхат. 104-йиғма жилд. 66-варақ.

⁶ ЎзР ПДА АВБ. 4141-фонд. 1-руйхат. 104-йиғма жилд. 122-варақ.

⁷ ЎзР ПДА АВБ. 4141-фонд. 6-руйхат. 24-йиғма жилд. 6 – 7-варақлар.

⁸ ЎзР ПДА АВБ. 4141-фонд. 8-руйхат. 33-йиғма жилд. 21-варақ.

Наманган вилояти матлубот жамияти Москва, Кострома, Новосибирск, Уфа ва Барнаул шаҳарларида дўкон очиб, уларда консервланган сабзавот ва мева, турли хил шароб, эркаклар қўйлаклари ва турли хил маҳсулотларни сотишни йўлга қўйиб, бунинг эвазига вилоятга озиқ-овқат ва қурилиш ашёлари олиб келган.⁹ «Намангансавдо» концерни ва «Кооптайёрлашсавдо» бирлашмаси Россияда 20 дан ортиқ савдо уйи ва ваколатхонаси ташкил этган. Ўз навбатида, ички истеъмол бозорини тўлдириш мақсадида товар айирбошлаш усулларида ҳам кенг фойдаланилган. 1994 йилнинг ўзида Андижон вилоятидаги «Андижонирмаш», «Электродвигатель», «Авиасозлик», «Механика» заводлари Андижон ип-газлама ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти, Андижон деҳқончилик саноати фирмаси томонидан 150 тонна гуруч, 250 тонна картошка, 100 тонна ун, 10 тонна шакар ва 2,5 миллион сўмлик қандолатчилик ҳамда бошқа турдаги маҳсулотлари¹⁰ келтирилган. 1992 йили Фаргона вилоятидаги саноат корхоналари 100 миллион сўмликдан ортиқ озиқ-овқат маҳсулотларини¹¹ мол айирбошлаш эвазига келтириб, ўз ишчиларига бозор нархларидан арзон нархларда етказиб бердилар. Аҳамиятли томонларидан бири шунда эдики, бозор муносабатларига ўтиш шароитида нархлар талаб ва таклиф ўртасидаги ўзаро нисбат натижасида шаклланади. Республикадаги ижтимоий-иқтисодий вазият кескинлашувининг олдини олиш мақсадида асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига чакана нархларнинг давлат йўли билан ушлаб турилиши инсонлар учун муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлди.

Ўтиш даври йилларидаги давлат ижтимоий сиёсатининг ўзига хос томонларидан яна бири, аксарият маҳсулотлар четдан келтирилишига қарамасдан, аҳолига истеъмол моллари ҳақиқий импорт нархидан арзон чекланган чакана нархларда сотилгани бўлди.

⁹ Халқ сузи. 1994 й. 19 январь.

¹⁰ ЎзР ПДА АВБ. 4141-фонд. 6-руйхат. 24-йиғма жилд. 6 – 7-варақлар.

¹¹ ФВДА. 1220-фонд. 1-руйхат. 6-йиғма жилд. 12-варақ.



Белгиланган меъёрларда аҳолига сотиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари чекланган чакана нархлари¹²

Маҳсулот номи	Улчов бирлиги	Ўрта ҳисобдаги чакана нарх (сўм)
Нон (оқ, қора, жавдари, қолипда пиширилган)*	кг	20
Ун	кг	30
Макарон	кг	100
Ўсимлик ёғи	кг	100
Чой	кг	250
Қанд-шакар	кг	200
Гўштнинг барча турлари (парранда гўшtidан ташқари)	кг	400
Сут (қаймоғи олинмагани)*	л	40

*нон ва сут меъёри белгиланмайд

Жадвалда маҳсулотларнинг давлат томонидан белгиланган чакана нархлари келтирилган бўлиб, аслида, гўштнинг 1 килограми ҳақиқий харид нархи 750 сўмдан, шакарнинг ҳар бир килоси 315 сўм, буғдойнинг бир килоси 105 сўмдан, чойнинг 1 килоси 650 сўмдан¹³ бошқа давлатлардан сотиб олинган. Маҳсулотларнинг чакана нархларда (сотиб олинган нархидан арзонлаштирилган ҳолда) сотилиши ўртасидаги тафовут (иқтисодий зарар) давлат бюджети ҳисобидан қоплаб борилди, бу, ўз навбатида, аҳоли моддий таъминотида катта ижобий ёрдам бўлди.

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам даромадли оилаларни, камқонли ҳомиладор аёлларни бепул озиқ-овқат, дори-дармонлар билан таъминлаш, мактаблардаги 1 – 5-синф ўқувчиларига бепул нонушта бериш каби ижтимоий йўналтирилган қатор инсонпарварлик ишлари амалга оширилди. Буни вилоятлар мисолида кўриш мумкин. Масалан, Андижон вилоятида 1992 йилда 195 мингдан

ортиқ 1 – 5-синф ўқувчиларига бепул нонушта учун 172 миллион сўм¹⁴, 1993 йилда 292 млн сўм, кам даромадли оилалардаги 20156 та камқонли ҳомиладор аёлларни имтиёзли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга 386 млн сўм, дори-дармонлар учун эса 3 млн сўм¹⁵, 2 ёшгача бўлган нимжон болаларга бепул озиқ-овқат маҳсулотлари учун 432 миллион сўм¹⁶ маблағ сарфланган. Бу каби амалий ишлар республиканинг барча вилоятларида амалга оширилди.

Давлат томонидан яратилган шароитларга қарамай, жойларда қарор ва фармонларнинг бажарилишида сусткашликка йўл қўйиш, савдо шохобчаларида аҳолига нормадаги маҳсулотларни ўз вақтида етказиб бермаслик, кам миқдорда таъминлаш, айрим дўконларда эса талон бўйича сотиладиган маҳсулотлар савдосида жон бошига нисбатан маҳсулотларни кам бериш, тарозидан уриб қолиш, нарх-навони асоссиз тарзда ошириш, аҳолига белгиланган норма билан тарқатиладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг чайқов бозорларига чиқиб кетиш ҳоллари юз берган. Масалан, Наманган шаҳар озиқ-овқат савдосига қарашли 25 та дўконда танлов йўли билан 1991 йил июнь ойи давомида кирим қилинган ва талон бўйича аҳолига сотилган маҳсулотлар қолдиги текширилганда еттига дўконда 1794 кг гуруч, бештасида 17826 кг ун, тўртта дўконда 103 кг чой, 641 кг шакар, 467 дона кирсовун, иккитасида 240 кг сариёғ ортиқчилиги, яъни ушбу маҳсулотларга аҳолидан талон қабул қилиб олингани ҳолда улар билан тўла ҳисоб-китоб қилинмаганлиги, еттига дўконда 408 кг шакар, 4 тасида 197 кг гуруч, учтасида 317 кг ун, иккитадан магазинда 65 кг чой, 70 кг сариёғ ва 3220 бутилка ароқ ой давомида талонсиз сотиб юборилгани аниқланган.¹⁷ Кўплаб магазинлар талон эвазига сотиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини аҳоли сонига белгиланган миқдордан кам таъминлаган бўлса, айрим магазинларда маҳсулотлар дўкон омборларида мавжуд бўлганлигига қарамай, савдо пештахтасига қўйилмаган. Натижада 2-3 ой давомида айрим маҳсулотлар аҳолига етиб бормаган.

¹² Халқ сўзи. 1993 й. 29 май.

¹³ Раҳматуллаев Ш. Фаргона водийси шаҳарларида иқтисодий трансформация жараёнлари (1991 – 1996 йиллар). – Тошкент: Нишон носир, 2017. – Б.123.

¹⁴ ЎзР ПДА АВБ. 4141-фонд. 1-руйхат. 105-йиғма жилд. 41-варақ.

¹⁵ ЎзР ПДА АВБ. 4141-фонд. 4-руйхат. 25-йиғма жилд. 43-варақ.

¹⁶ ЎзР ПДА АВБ. 4141-фонд. 4-руйхат. 21-йиғма жилд. 17-варақ.

¹⁷ НВДА. 688-фонд. 1-руйхат. 846-йиғма жилд. 12-варақ.



Аҳвол шу даражага етганки, баъзи инсонлар ўз манфаатлари йўлида аҳолига берилиши лозим бўлган моллардан бойлик орттириш мақсадида фойдаланганлар ва аҳоли орасида норозилик келиб чиқишига сабабчи бўлганлар. Вилоятлардаги савдо бошқармалари давлат кредит ресурсларидан самарали фойдаланиб аҳоли учун керакли кундалик моллари сотиб олиш ўрнига қимматбаҳо матолар ва видеоопаратуралар олишга сарф қилиши ҳоллари ҳам учраан. Бунинг оқибатида биргина Андижон вилояти бўйича меъёрлашган товарлардан 1992 йили 1833 тонна шакар, 382 тонна чой, 180 тонна макарон, 163 тонна ўсимлик ёғи¹⁸ аҳолига етказиб берилмаган. Вилоят халқ назорат комитети ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда 247 марта савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ўрганилганда текширилган объектларнинг ҳар 3 тасидан биттасида савдо қоидалари бузилгани аниқланган.¹⁹ Бунда товарларни яшириб қўйиш, белгиланган нормадан кам сотиш, сотиш муддати ўтказиб юборилиши каби салбий ҳолатлар аниқланган.

Бундай ҳолатларни Фаргона вилоятида ҳам кўриш мумкин. Ёзёвон туманидаги 7-магазинда ўсимлик ёғи белгиланган нархлардан қиммат нархларда сотилган, Богдод туманидаги 25-дўкон мудури 2700 килограмм унни оила варақасига асосан сотмасдан, йўқ қилиб юборган, 11-дўкон мудури 6 тонна унни ва 207 килограмм гуручни²⁰ истеъмолчиларга тарқатмаган. Бундай ҳолатларни вилоятнинг бошқа жойларида ҳам кўриш мумкин. Бунинг натижасида 1994 йилнинг сентябрь ойида салкам 1000 тонна гуруч, 661 тонна шакар, 126 тонна чой, 343 тонна хўжалик совуни Фаргона вилояти аҳолисига етказиб берилмаган.²¹

Соғлиқни сақлаш бўлимлари, унинг қўйи муассасалари ва озиқ-овқат савдоси идораси томонидан ҳукумат қарорларида белгиланган кўп болали ва кам даромадли оилалардаги ҳомиладор аёллар, икки ёшгача бўлган болаларни бепул овқатлантиришни ташкил этиш, дори-дармон билан таъминлаш ва уларга ажратилган маблағлардан фойдаланишда ҳам кам-

чиликларга йўл қўйилган. Масалан, Наманган шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимнинг 5-сонли аёллар консултациясида ўлик туққан ва олти кунгача чақалоги яшамаган аёлларнинг тиббиёт варақалари таҳлил қилинганда англашилганки, 2 аёлнинг ҳомиладорлиги ҳомиланинг фақатгина 38 – 39-ҳафталарида ҳисобга олингани натижасида лозим бўлган бепул озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминламаганлари учун шундай салбий ҳолатлар кузатилган. Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими бўйича ҳомиладор аёлларнинг бепул овқати учун ажратилган 182,0 минг сўм ўрнига 161,6 минг сўм ишлатилиб, 20,4 минг сўм²² маблағ сарфланмай қолган. Аёлларнинг ҳомиладорлик даврида касалликларни даволашга бериладиган бепул дори-дармон учун шаҳар бўлимига ажратилган маблағ 62 фоизга ўзлаштирилган, холос.²³ 1992 йили Фаргона вилоятида ижтимоий ҳимояга муҳтож камқонли ҳомиладор аёлларни бепул озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда белгиланган турдаги маҳсулотлардан 463 тонна гўшт, 211 тонна сариёғ, 514 тонна сут, 2 миллион 729 минг дона тухум етказиб берилмаган.²⁴

Республика ва вилоятлардаги интернат уйларида таъминот масаласида ҳам бир қанча камчиликларга йўл қўйилган. Масалан, вилоят интернат уйларида ҳисоб-китоб юритилишини назорат қилмаслик оқибатида йиллик йўқлама ўтказилганда жами вазирлик бўйича 5545 сўм 80 тийин камомад, 4084 сўм 15 тийин отиқча моллар аниқланган.²⁵ Қарор ва фармонлар бўйича имтиёзларга эга уруш қатнашчилари, ногиронлар, камқонли ҳомиладор аёлларга савдо хизмати кўрсатишда, қишлоқ мактабларида ўқувчиларга бепул нонушта ташкиллаштиришда ҳам камчиликлар борлиги аниқланган. Хусусан, уларни гўшт, тухум, ўсимлик ёғи, хўжалик совуни билан таъминлашда узилишлар бўлган, 1992 йили эса кўпчилик ўзига тегишли маҳсулотларни тўлалигича олмаган. Кўплаб мактабларда озиқ-овқат маҳсулотлари ассортименти белгиланган нормаларга жавоб бермаган, баъ-

¹⁸ ЎзР МДА. 37-фонд. 1-руйхат. 349-йиғма жилд. 34-варақ.

¹⁹ ЎзР ПДА АВБ. 3-фонд. 22-руйхат. 12-йиғма жилд. 12-варақ.

²⁰ ФВДА. 1220-фонд. 1-руйхат. 5-йиғма жилд. 47 – 48-варақлар.

²¹ ФВДА. 1220-фонд. 2-руйхат. 75-йиғма жилд. 41-варақ.

²² НВДА. 688-фонд. 1-руйхат. 856-йиғма жилд. 2-варақ.

²³ НВДА. 688-фонд. 1-руйхат. 856-йиғма жилд. 3-варақ.

²⁴ ФВДА. 1220-фонд. 1-руйхат. 60-йиғма жилд. 58-варақ.

²⁵ ЎзР МДА. М-44-фонд. 1-руйхат. 2-йиғма жилд. 81-варақ.



зи мактабларда эса берилаётган овқатлар кўпинча бир хилда бўлиши болаларнинг меъдасига тегиши оқибатида исрофгарчиликларга йўл қўйилган.²⁶ Масалан, Андижон вилоятининг Пахтаобод туман умумий овқатланиш корхонаси ҳисобчилари 9 та умумтаълим мактабларидаги 3000 нафар ўқувчига «нонўшта берилди»²⁷ деб сохта ҳужжат тузиш эвазига маблағларни ўзлаштирганлар. Андижон туманидаги 10-сонли болалар боғчасида 930 минг сўмлик озиқ-овқат ва мева-сабзавот қийматликларидаги маблағлар²⁸ ўзлаштириб юборилган.

Мустақилликнинг илк йилларидаги салбий ҳолатлардан яна бири озиқ-овқат маҳсулотлари билан чайқовчилик қилиш бўлган. Водий вилоятларида бозорларида ҳам авж олиб, меъёрлашган озиқ-овқат маҳсулотларини шаҳарлардаги бозору бозорчаларда бемалол чайқов нархларида сотиш кучайиб кетган. Чунки бозорлардаги нархлар дўкондагига қараганда 2-3 марта қиммат бўлган. Шунинг учун ҳам айрим савдо ходимлари аҳолига меъёр бўйича сотилиши керак бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини чайқовчиларга улгуржи нархларда бериб юборганлар, бундан ўзлари ҳам иқтисодий манфаатдор бўлганлар. Ҳатто айрим нон комбинати ходимлари унни сотиб юборганлар. Биргина Андижон вилоятининг ўзида 1993 йилнинг 5 ойи ичида савдо ходимлари томонидан талон-торож қилиш, чайқовчилик, савдо қоидаларини бузиш ва харидорлар ҳақида хиёнат қилиш каби ҳолатларда 102 жиноят иши²⁹ қўзғатилганлигининг ўзи ҳам савдо ходимларининг ўз ишларига қай даражада ёндашганликларига яққол мисол бўла олади.

Кўчалардаги очиқ расталарда ўзимизда ишлаб чиқарилган ароқ, вино, пиво, тамаки, саноат моллари, ҳатто тиш ювиш воситаларигача бемалол сотила бошлаган. Бу эса нархларнинг ўсишига ва халқнинг ҳақли эътирозига олиб келган. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш борасида тегишли мутасаддилар томонидан тегишли ишлар

олиб борилган. Масалан, Андижон вилоят ҳокимлиги бу камчиликларни бартараф этиш учун 1992 йил 23 декабрда махсус фармойиш қабул қилиб тижорат дўконларида, республикамизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан савдо қилишни тақиқлаб қўйди.³⁰ Бу чайқовчиларга берилган катта зарба эди. Бу билан бошқа республикалардан маҳсулот олиб келадиган тижоратчилар учун янги имкониятлар очилган эди.

Таъминотдаги асосий муаммолардан яна бири – асосий маҳсулот олиб келиш билан шуғулланувчи савдо концернларининг ўз вазифаларини сидқидилдан бажармаганликлари оқибатида аҳолига озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беришда узилишлар юз берган. 1992 йил июлида тайёрлов савдо корхоналари орқали 2 минг тоннадан зиёд 25 миллион 648 сўмлик пиёз ва бошқа маҳсулотлар республикадан ташқарига чиқарилгани ҳолда бу маҳсулотлар эвазига вилоятга ҳеч нарса олиб келинмаган.³¹ «Андижонсавдо» концерни республика ташқарисидан 1993 йилнинг 4 ойида марказлашган маблағлар ҳисобидан 1 млрд 94 миллион сўмлик маҳсулот сотиб олган. Шундан фақатгина 17,7 млн сўмга озиқ-овқат маҳсулоти олинган. Тақчил бўлган бирор сўмлик озиқ-овқат харид қилинмасдан, ярим миллиардга яқин сўм четдан газмол олиб келишга сарфланган.³² 1993 йилнинг кузида Андижон кооператив тайёрлов-савдо бирлашмасига озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келиш учун 4 миллиард 800 миллион Россия рубли ажратилган бўлиб, 1994 йилнинг августига қадар ушбу пулнинг 1 млрд 73 миллион рубли ёки ажратилган маблағнинг 22,3 фоизигина озиқ-овқат маҳсулотлари³³ олиб келишга сарфланган. «Андижондонмаҳсулот» ҳиссадорлик жамияти томонидан режадаги 10000 тонна буғдой ўрнига 6500 тонна буғдой келтирилган.³⁴ Ваҳолонки, барча савдо концернларига, биринчи навбатда, зарур истеъмол маҳсулотларини олиб келиш вазифаси юклатилган, шунинг учун маблағлар ажратилган эди.

²⁶ ЎзР МДА. М-15-фонд. 1-руйхат. 96-йиғма жилд. 549-варақ.

²⁷ ЎзР ПДА АВБ. 4141-фонд. 1-руйхат. 109-йиғма жилд. 27-варақ.

²⁸ ЎзР ПДА АВБ. 4141-фонд. 4-руйхат. 25-йиғма жилд. 45-варақ.

²⁹ ЎзР Президент девони архиви Андижон вилоят бўлими. 4141-фонд. 1-руйхат. 104-йиғма жилд. 75-варақ.

³⁰ ЎзР ПДА АВБ. 4141-фонд. 1-руйхат. 20-йиғма жилд. 65-варақ.

³¹ ЎзР ПДА АВБ. 4141-фонд. 1-руйхат. 109-йиғма жилд. 8-варақ.

³² ЎзР ПДА АВБ. 4141-фонд. 1-руйхат. 104-йиғма жилд. 74-варақ.

³³ ЎзР ПДА АВБ. 4141-фонд. 4-руйхат. 30-йиғма жилд. 27-варақ.

³⁴ ЎзР ПДА АВБ. 4141-фонд. 8-руйхат. 33-йиғма жилд. 21-варақ.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 14 декабрдаги «Республикада савдони эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»³⁵ қароридан, мулкчилик шакллари билан қатъи назар, озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўконларнинг барчасида 8 хилдаги маҳсулот (чакана савдо тармогида мавжуд бўлиши мажбурий бўлган асосий озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари: ун, макарон маҳсулотлари, ўсимлик ёғи, қанд-шакар, чой, туз, кирсовун, гугурт) бўлиши шартлиги белгилаб қўйилган. Аммо савдо дўконларининг айримларида белгиланган 8 турдаги маҳсулотларнинг бирикки хили йўқ бўлса, баъзиларида ҳатто қатъий белгиланган маҳсулотларнинг қўллаб турлари йўқлиги аниқланган.³⁶ Чунки савдо ходимлари дўконларда чекланган чакана нархда сотишдан кўра бозорларда қиммат нархда сотишни афзал кўришган. Қолаверса, тегишли мутасадди ташкилотлар, шаҳар, туман ҳокимлари, савдо ташкилотлари раҳбарлари етарли даражада иш олиб бормаганлари оқибатида ҳам баъзи маҳсулотларга тақчилликлар кучайиб борган.

МДХ мамлакатлари орасида Ўзбекистонда айрим озиқ-овқат маҳсулотларига таннархига қараганда арзон нарх белгилангани баъзи савдо ташкилотлари, савдо ходимлари ва айрим «ишбилармонлар» томонидан қўшни давлатларга ноқонуний тарзда маҳсулотлар олиб чиқиб сотиш ҳоллари кучайишига олиб келган. Республика аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи оғир бўлиб турган бир пайтда чегарадош республикаларга озиқ-овқат маҳсулотлари олиб чиқиб кетиш ҳолларини қўллаб вилоятларда учратиш мумкин. Фарғонадан Россияга 50 минг сўмлик қуруқ мева олиб борилган³⁷, 1996 йили 6 тонна биринчи навли ун Тожикистонга чиқарилган³⁸, Андижон вилоятидан Қирғизистон орқали Москвага 10 тонна тозаланган ерэнгоқ магзи юборилган, Шаҳрихон туманидан маҳсулотлар лицензиясида кўрсатилганидан ташқари 11 минг 284 банка забзавот консерваси, Тошкент – Омск йўналиши бўйлаб

қатновчи поезд текширилганда 173 минг 700 сўмлик саноат моллари³⁹ ноқонуний олиб чиқиб кетилаётгани аниқланган.

Истеъмол моллари қўшни республикаларга олиб чиқиб кетилишининг асосий сабабларидан бири – Ўзбекистонда аҳоли учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари чакана нархлари давлат томонидан ушлаб турилган, бошқа республикаларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг барча турлари шартнома асосига ўтказилганлиги натижасида маҳсулотларнинг нархи Ўзбекистондагига қараганда қиммат бўлган. Давлат бюджети ҳисобидан катта маблағлар эвазига олиб келиб аҳолига имтиёзли арзон наҳларда сотилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг қўшни республикаларга ноқонуний олиб чиқиб кетилиши ўтиш даври йилларида аҳолига етказиб берилаётган истеъмол маҳсулотлари тақчиллигининг янада ортишига ва аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлган. Айниқса, бундай салбий ҳолатлар аҳоли республиканинг бошқа вилоятларига қараганда анча зич жойлашган водий вилоятларида ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг янада кескинлашувига олиб келган. Масалан, 1993 йили Андижон вилоятида 1 км кв га 450 кишидан одам тўғри келган бўлса, республика бўйича бу кўрсаткич 42 кишини⁴⁰ ташкил этган. Демографик хусусиятлар, ерларнинг чекланганлиги, аҳолининг салмоқли қисми қишлоқ ҳудудларига тўғри келиши ва ишсизлик каби ҳолатлар, нархларнинг қимматлашуви, ўтиш даври йилларидаги иқтисодий қийинчиликлар аҳолининг ижтимоий ҳаётига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмади. Бу эса инсонлар орасида жиноятчилик, ўғрилик, талончиликнинг кучайишига сабаб бўлди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Андижон вилоятидан қўшни республикаларга олиб чиқадиган йўллар сони 130 дан ортиқ бўлиб, шундан атига 20 тасидагина постлар ўрнатилган, холос.⁴¹ Бу ҳолатнинг олдини олиш учун Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қўшни республикаларга чегарадош вилоятларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва саноат молла-

³⁵ <http://lex.uz/docs/711979>

³⁶ ФВДА. 1220-фонд. 2-руйхат. 164-йиғма жилд. 40-варақ.

³⁷ Халқ сузи. 1991 й. 28 ноябрь.

³⁸ ФВДА. 1220-фонд. 2-руйхат. 168-йиғма жилд. 34-варақ.

³⁹ Халқ сузи. 1993 й. 18 февраль.

⁴⁰ ЎзР ПДА АВБ. 4141-фонд. 1-руйхат. 107-йиғма жилд. 6-варақ.

⁴¹ ЎзР МДА. 37-фонд. 1-руйхат. 349-йиғма жилд. 35-варақ.



рини четга олиб чиқиб кетмасликни назорат қилувчи орган ташкил қилинган. Бу орган 1991 йил 1 ноябрдан иш бошлаб, дастлабки ўн кунда 2 миллион 639 минг сўмлик маҳсулотларнинг⁴² четга чиқиб кетишига имкон бермаган.

Мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва ички истеъмол бозорини ҳимоя қилишда Ўзбекистон Президентининг 1991 йил 16 ноябрдаги «Республиканинг давлат таъминотидаги аҳолиси турмуш даражасига мадад бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги⁴³, 1991 йил 29 декабрдаги «Эркин нарх белгилаш муносабати билан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга доир тадбирлар тўғрисида»ги⁴⁴ Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 январдаги 1-сонли «1992 йилда Ўзбекистон Республикасининг истеъмол бозорини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги⁴⁵ қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур ҳужжатларда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида аҳолига сўмларда ҳақ тўлаш билан бирга купонлар* бўйича товарлар сотиш жорий этилиши ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ҳамда товарларни фақатгина республикамиз фуқароларига сотишдаги муҳим чоралардан бири бўлгани кўрсатилган. Бу ўринда Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 22 ноябрдаги «Республикада истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ва пул муомаласини мустаҳкамлаш борасидаги қўшимча чоралар тўғрисида»ги⁴⁶ қарорини алоҳида таъкидлаш лозим. Унда озиқ-овқат маҳсулотларини четга олиб чиқиб кетишнинг олдини олиш вазифалари белгилаб берилган. Бунда 1961 – 1992 йиллар нухасидаги қозғош пуллар собиқ СССРнинг амалда барча мамлакатларида муомаладан тўхтатилганлиги муносабати билан ва республикада ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ҳамда пул муомаласини мустаҳкамлаш мақсадида сўм-купонлар жорий қилинишининг роли катта бўлди. Бу ҳужжатлар ички бозорни ҳимоя

қилиб, барча зарур озиқ-овқат маҳсулотларини савдо тармоқларига чиқариб туриш ва аҳоли истеъмол даражаси кескин пасайиб кетмаслигининг кафолати бўлди.

Айни вақтда, аҳолига фақатгина озиқ-овқат маҳсулотлари учунгина эмас, балки бошқа турдаги товарлар учун ҳам ижтимоий аҳамиятга эга имтиёзлар берилган. Хусусан, 1991 йил 3 апрелдан бошлаб келин ва кўёвларга битта гилам ёки гилам пойандоз, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган битта мебель йигмаси ёки йигмага ва гарнитурага кирмайдиган бошқа мебель буюмларни шартнома (эркин) нархларнинг, бошқариладиган ёки белгилаб қўйилган нархларнинг 75 фоизини, лекин ҳар бир оилага кўпи билан 1500 сўм чегириб сотиш⁴⁷ жорий қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 18 мартдаги 142-сонли «Республика аҳолисини болаларга аталган моллар ва ип газламалар билан белгиланган миқдорда имтиёзли нархларда таъминлаш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорида⁴⁸ эса болалар учун моллар ва барча турдаги ип газламаларни белгиланган миқдорда ва имтиёзли нархларда, яъни амалда таркиб топайтган чакана нархлардан 50 фоизли чегирма билан сотиш белгилаб берилди. Унга кўра, йил мобайнида чақалоқ учун комплект, ўғил бола учун битта шим ва кўйлак, қиз бола учун битта кўйлак, икки жуфт пайпоқ, 3 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар учун 1 жуфт, 3 ёшгача бўлган болалар учун 2 жуфтдан пойабзал имтиёзли нархларда сотиб олинishi белгилаб қўйилди.

Ўғил болалар кўйлаги ишлаб чиқариш бир донаси ўртача ҳисобда таннархи 460 сўм бўлса, аҳоли уни 230 сўмга, қиз болалар кўйлаги 320 сўмга тушгани ҳолда 160 сўмга, 1 метр ип газламанинг чакана нархи ўрта ҳисобда 300 сўмни ташкил этган бўлса, ҳар метрини 150 сўмдан сотиб олган.⁴⁹ 1997 йил сентябридан ҳар йили 1-синф ўқувчиларига бепул ўқув анжомлари ва дарсликларни бериш жорий этилди ва кам таъминланган оилаларнинг бошлангич синфларда ўқийдиган болалари учун бепул қишки иссиқ кийимлар бериш йўлга қўйилди. Республика ҳукумати томонидан кўрилган бундай чоралар аҳолига ижтимоий жи-

⁴² Халқ сўзи. 1991 й. 28 ноябрь.

⁴³ * Изоҳ: купонли карточкалар – ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш мақсадида жорий қилинган купонли карточкалар товарларни сотиб олиш ҳуқуқини берадиган бир марта фойдаланадиган ҳужжат. Қарорда 50 тийинга тенг булган ва ундан кам қиймат бўйича харид учун ҳисобкитобни купонсиз амалга ошириш белгилаб қўйилган.

<http://lex.uz/docs/233531>

⁴⁴ <http://lex.uz/docs/233279>

⁴⁵ <http://lex.uz/docs/364529>

⁴⁶ <http://www.lex.uz/docs/895093>

⁴⁷ <http://www.lex.uz/docs/2326255>

⁴⁸ <http://www.lex.uz/docs/619834>

⁴⁹ Халқ сўзи. 1993 й. 19 март.



ҳатдан катта ёрдам бўлиб, мураккаб даврдаги ижтимоий муаммолар кескинлашувининг олдини олиш имкони яратилди.

Шунга қарамай, жойларда, озиқ-овқат таъминотида бўлгани каби, ноозиқ-овқат молларини аҳолига етказишда ҳам камчиликларга йўл қўйилди. Масалан, Наманган шаҳар саноат моллари савдоси ва вилоят тўқима газламалар улгуржи савдо базаси томонидан 1991 йилнинг 2-чораги давомида аҳолига талон орқали сотиш учун ажратилган 464 минг метр ип газламадан 1 июль ҳолатига 301 минг метри сотилган ёки 294,7 минг шаҳар аҳолисидан фақатгина 150,5 минг кишига белгиланган миқдорда ип газлама сотилган, холос.⁵⁰ Бундай ҳолатлар республиканинг барча ҳудудларида кузатилган.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида республика ҳукумати томонидан олиб борилган ижтимоий аҳамиятга эга чора-тадбирлар натижасида огир иқтисодий танглик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларни енгиб ўтишга эришилди. Ҳатто ислохотларнинг кейинги босқичида – 1995 йилдан эркин нархларга ўтилган бўлса-да, аҳолининг кам таъминланган, кам даромадли қатламларига алоҳида эътибор қаратилди. Бунда асосан ижтимоий ҳимояни оммавий қўллашдан мақсадли йўналтиришга ўтилди. Олиб борилган ишлар натижасида республикадаги, шу жумладан, ижтимоий муаммолар энг огир ҳисобланган Фаргона водийсидаги муаммоларни енгиб ўтишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

ИЛОВАЛАР

МДҲнинг айрим мамлакатларидаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари⁵¹ сўмда

Маҳсулотлар номи	Ўлчов бирлиги	Тошкент	Бишкек	Олма-ота	Москва
Гўшт	кг	400	680	600	670
Ўсимлик ёғи	кг	100	480	530	350
Сут	л	40	60	65	110
Қанд-шакар	кг	200	250	350	350
Ун	кг	30	90	100	70
Нон	кг	20	45	–	70
Макарон	кг	100	150	220	160

	Мол гўшти		Сут		Ўсимлик мойи		Чой	Ун	Шакар қанд
	Давлағ дўконида	Бозорда	Давлағ дўконида	Бозорда	Давлағ дўконида	Бозорда			
Олма-ота	800	1500 – 2500	110	100 – 150	–	800	3000	80	700
Бишкек	700	900	90	–	750	–	1850	70	–
Минск	450	1100	30	50	400	–	3500	200	450
Киев	800	–	80	–	125	–	2325	80	255
Москва	900	4000	125	530	400	600	2400	60	360
Тошкент	600	1200	80	150	200	–	800	30	300

⁵⁰ НВДА. 688-фонд. 1-руйхат. 846-йиғма жилд. 13-варақ.

⁵¹ Ўзбекистон Республикаси Олий кенгаши ахборотномаси. – Тошкент. 1993. №7. – Б.8 – 9; Халқ сузи. 1993 й. 9 октябрь.



Республикада гўшт ва қанд-шакарнинг нархлари оширилгандаги янги чакана нархлар ва МДХ давлатларидаги нархлар 1 килограмм учун сўм ҳисобида⁵²

	Тошкент	Москва	Санкт-Петербург	Ереван	Минск	Бишкек	Олма-ота	Душанбе
Гўшт (мол гўшти)	1200	1770	1680	2200	1300	1200	1980	1290
Қанд-шакар	450	660	585	1450	1100	1100	880	–

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 январдаги 1-сонли қарорига асосан белгилаб қўйилган даромадлар бўйича купонлар бериш суммасини аниқлаш шкаласи⁵³

Иш ҳақлари, пенсиялар, ва бошқа белгилаб қўйилган даромадлар миқдори (солиқларсиз ва бошқа чегирмаларсиз) сўм	Купонлар бериш миқдори, %
500 сўмга	100
501 – 1500	500 сўм + 500 сўмдан ошган сўмнинг 70%
1501 – 2000	1200 + 1500 сўмдан ошган сумманинг 50%
2001 – 2500	1450 сўм + 2000 сўмдан ошган сумманинг 20%
2500 ва ундан кўп	1550 сўм + сўмдан ошган сумманинг 10%

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 й. 21 январдаги фармонида асосан экспорт қилиш (шу жумладан, МДХ мамлакатларига чиқариш) тақиқланган буюмлар ва маҳсулотлар рўйхати

Давлат ресурсларидаги ун ва ёрмалар.

1. Чорва моллари ва парранда (декоративларидан ташқари).
2. Гўшт, шу жумладан, унинг қўшимча маҳсулотлари.
3. Мол ёғи.
4. Ёғи олинган қуруқ сут.
5. Чой хомашёси, чой.
6. Қанд-шакар.
7. Этил спирти.

Тақризчи: М.Ф.Абдуллаев, т.ф.н., доцент

⁵² Халқ сўзи. 1993 й. 9 октябрь.

⁵³ ЎзР МДА. М-37-фонд. 1-руйхат. 1-йиғма жилд. 31-варақ



АНДИЖОНДА СОВЕТ ЎОКИМИЯТИНИНГ ЎРНАТИЛИШИГА ДОИР

Февраль инқилоби юз бергандан кейин Андижон шаҳри ва уездиди ижтимоий ҳаёт тепазида учта сиёсий-ижтимоий куч: ишчи ва солдат депутатлари совети, мусулмон ишчи депутатлари совети ва уезд-шаҳар жамоат хавфсизлик комитети ўзаро курашда бўлган. Жамоат хавфсизлик комитети ташкил этилгандан бошлаб шаҳар ва уезд маъмурий бошқарувини қайта қуриб чиқишга киришилган. Март ойи давомида шаҳарда умумий полиция ўрнига милицияни жорий қилиш иши қунт билан олиб борилди ва бу тадбир ой охирига бориб яқунланди. Маҳаллий шаҳар полицияси приставларини, юқори мансабдорларини ўзгартириш иши пайсалга солиб борилди. Чунки бу лавозимларга мутасадди шахслар топиш огир кечган. Аммо бу иш кўп ўтмай тугалланган. Уезд-шаҳар жамоат хавфсизлик комитети таркибига раис сифатида маҳаллий рота командир П.М.Сумароков ва маҳаллий суд ходимларидан Розалиев раис ўринбосари қилиб, Шехонин эса котиб қилиб киритилди.¹

1917 йил 6 мартда Андижонда ишчи ва аскар депутатлари совети такил бўлган. Унинг таркиби даставвал В.А.Чайкин (раис), ишчи Першин, аскар Маслов (ўринбосарлар) кирган эди. Советнинг 7 аъзосидан 4 таси ишчи, 3 таси аскар бўлиб, уларнинг ҳаммаси Европа миллатларига мансуб кишилар эди.

Андижонда аввалига Андижон шаҳрининг биринчи ва иккинчи даҳалари полиция бошлиқлари (приставлар) ўрнига комиссарлар қўйилди. Биринчи даҳага комиссар қилиб прапоршик Левашев тайинланди. Кейинроқ эса учинчи даҳа ва шаҳар атрофидаги даҳа полиция бошлиқлари ўрнига комиссарлар тайин-

ланади. Бироқ тез орада янгидан тайинланган Шапиро ва Левашевдек комиссар шахслар ўз хизмати доирасида тегишли даражада бўлмаганликлари сабабли уларнинг ўрнига янги кишилар тайинланади: Шапиронинг ўрнига коммерсант Мильхепер, Левашевнинг ўрнига аввал прапоршик Ляписов, кейин эса ўзбек Турсунхўжа Саъдуллахўжаев (Москва ҳисоб банкининг собиқ тилмочи) қўйилади.

Бу шахслардан ташқари комиссарлик лавозимига Андижоннинг учинчи даҳасига қиргизлардан Ниёзов (маҳаллий хазинадаги собиқ мансабдор), шаҳар атрофидаги даҳага қиргиз Қўнғир Ҳожиков (майда кредитнинг собиқ инспектори), Жалолободга солдат Смирнов, Қўргонтепага Қулмуҳаммад Ўткирқулбоев (уезд бошқармасининг собиқ тилмочи), Бозорқўргонга солдат Маслов, Избосканга Орловский (собиқ маҳаллий полиция бошлиги) қўйилган.

Шаҳар милициясига бошлиқ этиб Томашевский жамоат хавфсизлик комитетидан қўйилган, июнь ойдан эса унинг ўрнини Ситин эгаллаган.

Уезд комиссари лавозимида дастлабки ойларида уезд бошлиги Мединский қўйилган, август ойига келиб эса унинг ўрнига Полюдов (уезд бошлигининг собиқ ёрдамчиси) қўйилган.²

М.Загорский юқорига тақдим қилган ёзма докладида Андижон уезди жамоат хавфсизлик комитетига рақобатдош «Совети ислом» ташкилоти эканини қайд этган. Бу ташкилот ҳаётга, айниқса, маҳаллий аҳолига таъсири кучли бўлган мусулмонларнинг маърифатчилик характеридаги аҳамиятини тан олишга мажбур бўлган. «Совети ислом»нинг мусулмон оммани тезлик билан уюштиришда катта аҳамият касб этгани қайд қилинган. Айни шу вақтда Миркомилбой

¹ Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сборник документов. – Ташкент. 1963. – С.219 – 222.

² Қўрсатилган манба. – С.225.

ўша «Совети ислом»нинг Тошкентдаги мажлисида ташкилот фаолиятини мувофиқлаштирувчи 15 кишидан иборат раёсатга сайланган эди. Раёсат аъзолигига Андижондан Аҳмадбек ҳожи Темирбеков ҳам сайланган. «Совети ислом» ва унинг марказий раёсати Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта ўрин тутди. Шаҳар ва қишлоқларда «Совети ислом»нинг шуъбалари ташкил топганди. Андижон шаҳрида «Озод халқ», «Хуррият», «Маърифат», «Мифтоҳ ул-маориф», «Ҳаваскорони маориф», «Турон» каби ташкилот ва тўғарақлар ташкил топади. 1917 йил июнда Андижонда Олимжон ҳожи заводида фронт ортидан қайтиб келган мардикорларнинг 900 кишилик митингида Масодик Орипов раислигида Мусулмон Совети таъсис этилади.

Февраль инқилоби Россияда қўшқоқимиятчиликни (бир томонда князь Львов бошчилигида буржуа-помешчиклар ҳукумати бўлган Муваққат ҳукумат, иккинчи томонда эса ишчи ва деҳқонларнинг демократик диктатура органи бўлган ишчи, деҳқон, аскар депутатлар совети) вужудга келтирган эди. Туркистонда, жумладан, Андижонда уч ҳоқимиятчилик юзага келган.

Биринчиси Россия муваққат ҳукуматининг Туркистон қўмитаси ва унинг жойлардаги идоралари (Андижонда Жамоат хавфсизлик комитети, унинг раиси П.М.Сумароков).

Иккинчиси Ишчи-деҳқон ва аскар депутатларнинг Туркистон ўлка совети ва жойлардаги советлар, Андижон совети, унга аввалига В.Чайкин, кейин М.Бризгайлов раислик қилган.

Учинчиси Туркистон мусулмонларининг марказий совети, унинг жойлардаги шуъба-

лари, масалан, Андижонда жадинчи Масодик Орипов раис бўлган Мусулмон Совети.

Ўлкада инқилобий демократик ҳаракат икки йўналишда ривожланди. **Биринчи йўналиш** номиллий йўналиш бўлиб, икки хил кўринишда фаолият кўрсатганига қарамай, унинг бош мақсади қандай усул ва шаклда бўлса-да Туркистонни Россия мустамлакачилиги асоратида сақлаб қолиш, ўлкада улғур рус миллатчилиги сиёсатини олиб боришдан иборат эди. Бу йўналиш Муваққат ҳукуматнинг Туркистон қўмитаси ва Ишчи, деҳқон ва аскар депутатлари Туркистон ўлка совети шаклида намоён бўлди.

Иккинчи йўналиш миллий, ўрта асрчилик тартибларига қарши, демократик, миллий озодлик, миллий мустақиллик ҳаракати кўринишида содир бўлди. Бу йўналишни Туркистон мусулмонлари совети атрофида уюшган Туркистон ўлкасининг илгор ва прогрессив қарашдаги ватанпарвар, истиқлолчи зиёлилари ва ислом дини уламолари бошқардилар. Чунки у илгари сурган дастур ва гоёлар маҳаллий халқнинг талаб-эҳтиёжлари ва қизиқишларига тўла жавоб берар эди.

1917 йил августида шаҳар думасига кўппартиявийлик асосида сайлов ўтказилади. Сайлов демократик руҳда ўтади. Миллий ҳаракат намояндалари Андижон Думасидаги 97 ўриндан 84 тасини эгаллашга муваффақ бўладилар. Бу жуда катта галаба эди. Бунда Миркомилбойнинг роли катта бўлган.

Архивларда кўпдан-кўп ҳужжатлар ва эсдаликлар сақланиб қолган. Ана шу ҳужжат ва эсдаликлардан айримларини журнал саҳифасида эълон қилишни таҳририят лозим кўрди. Куйида ўша ҳужжатлардан бири келтирилмоқда.

ДОКЛАД О ПОЕЗДКЕ В УЗГЕНТСКИЙ РАЙОН

Андижанского Совета Рабочих и Солдатских Депутатов Ф.Т.Маслова и членов Андижанского Комитета Общественной безопасности Мирхайдар Мирджамилова

Утром 29 марта 1917 года с воинским поездом мы отбыли со ст. Андижан Ферганский к месту нашей командировке. Первым делом нами были тут-же в вагоне устроены беседы с казаками на темы: текущих событий и их назначения в Узгентский район. Со ст. Султанабад куда мы прибыли часов 8 утра мы должны были отправиться до сел. Узгент верхами.

Казаки выгрузив и оседлав своих лошадей двинулись в сторону Узгента, мы же остались в сел. Султанабад для подыскания себе лошадей. После долгих усилий нам кое-как удалось найти лошадей и только в 2 часа дня нам удалось выехать из Султанабада. Проехав полдороги нас нагоняет племянник амина Мухамед Назар Амин Мухамадкул Аксакалова и просит вернуть ему лошадей,



т.к. одна лошадь принадлежит ему и за то что он отдал ее нам его дядя будет ругать, чем был вызван отказ в лошадях на пол дороге нам установит не удалось. Лошадей пришлось вернуть, что следует уплатить и нанять арбу, которая к вечеру доставила нас в Узгент. Казаки-же проехав через с. Узгент в сел. Мурзаки там остановились и расквартировались по домом сельчан.

30-го числа наняв лошадей мы двинулись в сел. Карадыхан где происходили выборы членов комитета общественной безопасности в присутствии членов Ошского комитета. Расспросив чем вызываются у Карадыханцев слухи о предполагающихся беспорядках киргиз нам заявили, что им передают из села Мурзаки и с пасек, которые расположены по рекам Яссы и Донгустая.

Чтобы проверить эти слухи на местах мы отправились на пасеки в верх по реке Яссы. Доехав до кардона лесообъезчиков мы остановились чтобы расспросить о киргизах учиняющих беспорядки и подготавливающих нападения. Кроме двух лесообъезчиков в кардоне находилось несколько пасечников: Сергей Яренко, Мария Дева и др., которые заявили, что у них все тихо и спокойно, киргизы ведут себя хорошо, т.к. пасечники их здесь не обижают и если сами пасечники не обижают киргиз, то и те их не обидят. Мария Дева заявила, что она одна живет на пасеке все время, т.к. муж её в салдатах уже третий год и что ни один киргиз не только ни тронул у неё пчел, но и никто не сказал ей ни одного грубого слова, хотя все отлично знают, что она живет одна. Пасечники по реке Яссы заявили, что у них здесь спокойно и их только пугают Карадыханцы и Мурзакинцы, откуда те получают сведения относительно подготавлиющихся беспорядков им положительно не известно.

От кардона мы направились по реке Донгус-Тая, проехав верст 15, нам встречался лесообезчик 8-го объезда Трофим Федорович Горбацевич, который нам заявил, что пасеки по этой реке расположены верстах в 60-ти от сюда и что он только что с того места, видел все пасеки; в некоторых из пасек сарай, где сложены улья открыты но не разграблены, как заявляют в селах. Это объясняется тем, что такие случаи бывают ежегодно, проходящие мимо пасек погонщики баранов желая полакомиться медом открывают сарай и выбирают из улья одну или две рамки хорошего меда, точно также произошло и в этом году.

31-го марта мы посетили село Мурзаки где расквартированы казаки, в то время там собрались все сельчане для выборов в комитет общественной безопасности, под руководством Ошских депутатов. Мы опросили сельчан кто слышал, что киргизы хотят поднять восстание против русских, нам заявили, что они слышали от Карадыханцев, что все слухи идут оттуда; между прочим Степан Осташков и Тимофей Кулинченко заявили, что повар таджик Узгентского пристава говорил им, что киргизы как-бы не стали бунтовать, т.к. часто делают улики, разговор происходил на русском языке.

Житель того-же селения Колтаков заявил, что проезжая на свою посеку, которая находился на местности Каракульджа, Капчугайской волости Ошского уезда его догнал один киргиз Гаиб и говорил, что киргизы выберут скоро своего хана и будут сами управлять, потом киргиз стал придирается к нему зачем он Колтаков вырубил у него деревья и за это хотел его побить и даже угрожал ему убийством и кроме того выбросил его улья на дорогу и что он Колтаков до сих пор отправиться на пасеку один боиться.

Возвращаясь обратно из Мурзаков в село Узгент по дороге к нам присоединился житель села Мурабаши Василий Рудаков, возвращающийся со своей посеки, находящейся в местности Каракульджа, которого мы стали расспрашивать знает-ли он пасеку Колтакова и за что пасеку разграбили? Рудаков заявил нам следующее: Дело Колтакова с киргизом он знает хорошо. Киргиз Гаиб, у которого в сарае находились улья Колтакова, просил убрать их и освободить ему сарай и вот на этой почве произошел спор во время которого Колтаков стал бить киргиза, которому пришлось спастись бегством и обо всем сообщить своим сыновьям, которые искали Колтакова, но он успел уехать домой, улья-же все целы и невредимы выставлены наружу и вообще, как заявляет В.Рудаков, Колтаков среди своих односельчан пользуется плохой репутацией как забияка и драчун от него не только киргизам, но и русским нет житья.



По всем кишлакам, аулам мы собирали жителей и объясняли им цель нашей поездки и что они сами должны следить за тем чтобы не учиняли беспорядки и что за каждый беспорядок будет отвечать не только лицо учинившее таковой, но и весь аул или кишлак. Киргизы только поднимают плечами и удивляются откуда идут такие нелепые слухи, а слухи, как удалось установить, идут из села Карадыхан.

В это село приехало в отпуск человек десять солдат, которым скоро наступает срок отпуска, не желая как видимо вернуться в армию они распускают среди солдаток такие слухи про киргиз и просят солдаток составить приговор, чтобы в их село назначили стражу из солдат, хотя бы из тех, которые приехали в отпуск. Приговор составлен и передан делегатам Ошского комитета.

Киргизы в свою очередь просят, чтобы не было у них на охране казаков, так как казаки выходя на дорогу производят грабежи. В доказательство того, что казаки грабят проезжих киргиз и сартов факт был на лицо, когда казаки двинулись со ст. Султанабад до Узгента двое из них отстали от партии и ограбили двух сартов жителей Старого Маргелана, Ташмазартской части, кв. Араб-Гузар Мухамед Хал Сали Ходжаева на 25 рублей, Кара Ходжа Кичкина Ходжаева на 13 рублей, на что был составлен протокол и отправлен в селение Карадыхан делегатом Ошского комитета общественной безопасности.

Из всего того, что нам пришлось видеть и слышать мы можем заключить, что в настоящее время о беспорядках, кроме конечно личных счетов между собою отдельных личностей, не может быть и речи, во первых потому что семьи у киргиз находятся на местах, а во вторых киргизы усиленно ... полевые работы; во всяком случае, если что либо у киргиз подготавливалось, то семьи свои они при себе не оставили, а отправляли-бы их в горы, а сами-бы ни каких полевых работ теперь-же не производили.

Делегаты от Анд. Совета Раб. и Сол. Депутатов
Анд. Ком. Обществен. Безопасности

**Андижон шаҳрида мусулмон ишчи депутатларини ташкил этиш тўғрисида
«Знамя свободы» газетасида босилган хабар**

21 июнь 1917 йил

1917 йил 14 июнда Андижон Эски шаҳридаги Олимжон ҳожи заводида мардикорликдан қайтиб келган мусулмон ишчилардан 900 га яқин киши қатнашган митинг бўлди. Унда Жамоат хавфсизлиги комитети Сумароков, милиция бошлиғи Ситин ва айрим ташкилотлар вакиллари қатнашди. Йигин бир овоздан 15 кишидан иборат мусулмон ишчи депутатлари советини сайлади. Унинг таркибига мусулмонлардан 13 киши ва европалик руслардан 2 киши кирди.

15 июнда мусулмон ишчи депутатлари совети йигилиши бўлиб, унда Масодиқ Мулла Орипов советнинг раиси, Акбар Уразалиев ва Султонбек Тўхтабеков раис ўринбосарлари, Мулла Абдурахмон Алимқулов котиб ва Муҳаммаджон Тожибоев котиб ёрдамчиси қилиб сайланди.

«Знамя свободы» газетаси, №18, 21 июнь 1917 йил.

**Фаргона области кўчманчи аҳолиси вакилларининг йигилиши ва улар тарафидан
«Элётия» («Кўчманчи») жамиятининг ташкил этилиши ҳақида
«Туркестанский курьер» газетасида босилган хабар**

23 июнь 1917 йил

ФАРҒОНАЛИК ҚИРҒИЗЛАР

Жорий йил июнь ойи 19-куни оқшом чоғи Андижонда қирғизларнинг йигилиши ўтказилди. Йигилишда 50 тача киши қатнашди. Қўнғурхўжа Ҳожиков йигилишда маъруза қилди. Ҳозиргача Фаргона область кўчманчиларининг (қирғизлар ва қипчоқлар) содир этилган давлат тўнтариши



тафсилотлари, унинг халқ учун аҳамияти ҳақида умуман хабарлари йўқлиги, андижонлик қиргизлар ўз қардошларига ёрдам беришлари ҳамда улар юзага келган вазиятни тушуниб олишлари кераклиги, бунинг учун «Элётія» номи билан бир жамият ташкил қилиш кераклиги ҳақида гапирди. Ҳамда дарҳол йигилишдагиларни бўлажак жамиятнинг мақсад ва вазифалари билан таништирди.

Жамиятнинг мақсади:

1. Фарғона области кўчманчиларини Россиядаги янги давлат тузуми гоёлари билан таништириш.

2. Уларни Таъсис мажлисига тайёрлаш.

3. Янги ижтимоий ва сиёсий тузум учун таянч бўладиган ижтимоий кучларни шакллантириш.

4. Кўчманчилар орасида ҳуқуқий тартибни жорий қилиш.

5. Қирғиз, қипчоқ ва қозоқларни ўзларининг сиёсий, миллий, иқтисодий манфаатларини биргалашиб ҳимоя қилиши учун ягона умумий иттифоққа бирлаштириш гоёларини тарғиб қилиш.

Қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун жамият оммавий маърузалар, тарғиботчилар мактаблари ташкил қилади, шунингдек, брошюра ва газеталар чиқаради. Газета ташкил этилгунча жамият ўз тарафдорлари билан мулоқотни вақтинчалик «Бирлик тўйи» газетаси (шу кунларда Тошкентда чиқа бошлайди) махсус бўлими нашри воситасида амалга оширади.

Жамият раиси этиб Қўнғурхўжа Ҳожиков, ўринбосарликка Кенжаали Дўстов, газначиликка Сулаймон Келгинбоев³ ва котибликка Ботирхон Меирбеков сайланади.

Жамият девонхонаси манзили – Скобелев проспекти, Электрический тор кўчаси, Келгинбоевнинг уйи. Жамият жорий йилнинг июль ойи дастлабки кунларида Андижон шаҳрида Фарғона области қирғиз-қипчоқлар съездини чақириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга киришди.

«Туркестанский курьер» газетаси,

№138, 23 июнь 1917 йил.

Андижонда «Санноил-ислом» номли ишчилар иттифоқи ташкил этилиши ҳақида «Хуррият» газетаси берган хабар

2 август 1917 йил

انديجانده

انديجانده «صناع الاسلام» اتلى ايشچيلر جمعيتى اچلمش ايشچى قردشلارمزدن
مياڭ بيش يوزكيشى بو جمعيت غه اغضا بولمشلر.
تا شگرىمز اچيق يوللر بىرسون.
مراجعت ايچون ادرىس:

Профессиональное общество „Саннаиль-Ислам“ в Андижане

Андижонда «Санноил-ислом» отли ишчилар жамияти очилмиш. Ишчи қардошларимиздан 1500 киши бу жамиятга аъзо бўлмишлар. Тангримиз очик йўллар берсун.

Мурожаат учун адрес: Андижон «Санноил-ислом» қасаба уюшмаси.

«Хуррият» газетаси, №28, 4 август 1917 йил.

³ Академик Ҳадича Сулаймонованинг отаси. 1923 йили Андижонда ҳалок бўлган.



**Скобелев округи суди прокурори М.Загорскийнинг Тошкент суд палатаси
прокурори А.И.Адамовга Февраль инқилобидан кейин округдаги ўзгаришлар
тўғрисида ахборотидан**

17 август 1917 йил

... Февраль инқилобидан сўнг Андижон шаҳри ва уездида жамият ҳаёти бошида маҳаллий ишчи ва аскар депутатлари совети билан алоқада фаолият олиб бораётган Уезд-шаҳар комитети жамоат хавфсизлиги комитети турибди. Ушбу комитет ташкил этилганидан бошлаб, шаҳарда бўлганидек, уездда ҳам маъмурий бошқарув бўлимларини қайта ташкил этишга киришди. Март ойи давомида шаҳарда умумий полицияни милицияга ўтказиш ишлари астойдил олиб борилди ва ой охиригача тугатилди. Маҳаллий шаҳар полициясининг юқори мансабдор шахслари – приставларини алмаштириш иши уларнинг ўрнига муносиб шахсларнинг бўлмагани учун секинроқ кечди, бироқ бу иш ҳозирда якунланган.

Уезд-шаҳар жамоат хавфсизлиги комитети таркибига раис сифатида маҳаллий рота командири Сумароков ва маҳаллий дунёвий (диний бўлмаган) судьялар – раис ўринбосари Рўзиалиев ва котиб Шихонин кирган.

... Андижон шаҳрида дастлаб шаҳарнинг 1- ва 2-қисмлари приставлари комиссарлар билан алмаштирилди ва қуйидагилар тайинланди: 1-қисмга Шапиро (ишончли вакил), 2-қисмга прапоршик Левашов, сўнгра шаҳар 3-қисми ва шаҳар атрофи участкаси приставлари ўрнига ҳам комиссарлар тайинланди. Лекин тез орада аён бўлдики, комиссарликка тайинланган Шапиро ва Левашов комитет нуқтаи назарида хизмат даражаларига кўра янада юқори лавозимларга лойиқ бўлгани учун алмаштирилдилар: Шапиро Мильхенер билан (савдогар), Левашов дастлаб прапоршик Ляписов, кейинроқ ўзбек Тошхўжа Саъдуллахўжаев билан (Москва ҳисоб банки собиқ таржимони) алмаштирилди.

Булардан ташқари комиссарлар таркибига қуйидагилар ҳам кирган: Андижон шаҳрининг 3-қисми – қирғиз Ниёзов (маҳаллий газнанинг собиқ мансабдори), Шаҳар атрофи участкасидан – қирғиз Қўнгур Ҳожиков (кичик кредит собиқ инспектори), Жалолободдан – аскар Смирнов, Қўргонтепадан – Йўлмуҳаммад Уткулбоев (уезд бошқармаси собиқ таржимони), Бозорқўргондан – аскар Маслов ва Избосқандан – Орловский (маҳаллий участка собиқ пристави).

Шаҳар милицияси бошлиги Жамоат хавфсизлиги комитети томонидан тайинланган. Дастлабки вақтларда милиция бошлиги вазифасида инженер Томашевский бўлган, июнь ойидан поручик Ситин бажармоқда.

Дастлабки ойларда уезд комиссари лавозимида уезд бошлиги Мединский фаолият олиб борган, ҳозирда эса комиссар Полюдов⁴ (уезд бошлигининг собиқ ёрдамчиси) билан алмаштирилган⁵...

*Ўз ССР МДА, И-133-фонд, 3-рўйхат, 552-иш, 17 – 26-варақлар
Бу материаллар Андижон давлат университети тузилмасидаги
Қатагон қурбонлари хотираси музейи стенд ва витриналаридаги
экспонатлар асосида тайёрланди.*

**Равшанбек Шамситдинов т.ф.н., АнДУ Тарих факултети декани,
Жасурбек Иминов АнДУ Ўзбекистон тарихи кафедраси ўқитувчиси**

⁴ Полюдов Яков Ефстафьевич – 1865 йилда туғилган. Оренбург области Орск шаҳридан. қулоқ, сайлов ҳуқуқидан маҳрум бўлган. 1920 йилда ҳибсга олинди. Андижон шаҳридан сургун қилинган. инқилобгача Андижон шаҳар уезд бошқармаси бошлиги ёрдамчиси ва муваққат ҳукумат комиссари бўлган. Ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулотли йўқ. Ижтимоий жиҳатдан бегона унсур. Совет ҳокимиятига душман кайфиятида бўлганликда айбланган. икки казак-офицер ўғиллари бўлиб. бири аксилинқилобий жосуслик фаолиятида айбланиб судланган. иккинчиси доимий равишда атрофдагиларга мағлубиятчи характерда аксилинқилобий тарғибот олиб боргани учун ҳибсга олинган. «халқ душманлари» Тухачевский ва Ф.Хўжаев учун афсусланганликда айбланган. ЎзССР НКВД ҳузуридаги ушлик томонидан Андижон сектори тақдим этган 11080-иш бўйича 1937 йил 13 ноябрда 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. муддат 1937 йил 4 сентябрдан ҳисобланган.

⁵ Ўрта Осиё темир йўли жандармериясининг Қўқон ва Андижон сийсий бўлимлари бошлиқлари архивларини сақлаш бўйича комиссия ҳозиргача ташкил этилмаганлиги. Андижон бўлими архиви маҳаллий жамоат хавфсизлиги комитети котибида сақланаётганлиги кўрсатилган. Демак, Андижон уезди бўйича Февраль инқилобгача жандармерия фаолиятини урганиш орқали чор Россияси даврида Андижондаги қатагон қурбонлари ҳақида маълумотлар олиш мумкин. Бунинг учун Андижон жамоат хавфсизлиги комитети фондини излашга тўғри келади.



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASI
HUZURIDAGI
QATAG'ON QURBONLARI
XOTIRASI DAVLAT MUZEYI



STATE MUSEUM IN MEMORY OF
THE VICTIMS OF THE
REPRESSIONS
UNDER THE CABINET OF MINISTERS OF
THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100184 Toshkent shahri, Amir Temur ko'chasi, "Shahidlar xotirasi" maydoni

"Shahidlar xotirasi" square, Amir Temur Street, Tashkent, 100184

Tel/fax: + (998-71) 244-29-40, 244-73-31; Web site: www.xotira-muzev.uz E-mail: info@xotira-muzev.uz

№ 241

«17» октябрь 2018 йил

**«Мерос» халқаро илмий-амалий
экспедиция жамоат фонди раиси,
т.ф.д. Р.Т.Шамсутдиновга**

Хурматли Рустамбек Темирович!

Сизга маълумки, Давлат илмий тадқиқот дастурлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Катагон қурбонлари хотираси давлат музейида шакллантирилган илмий гуруҳ томонидан 2017-2018 йилларда ёзила бошланган ва 2019-2020 йилларда тугалланиши кўзда тутилган "1937-1938 йилларда Ўзбекистондаги "Катта қиргин" энциклопедияси Ўзбекистон тарихининг муҳим қисмини ёритишга қаратилган ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 ноябрдаги 936-сонли қарори билан Катагон қурбонлари хотираси давлат музейи зиммасига юклатилган катагон даври қурбонлари хотирасининг абадийлаштирилиши йўлидаги энг муҳим масала ҳисобланади.

"Катта қиргин" даврида катагон қилинган таникли давлат ва жамоат, фан ва маориф, адабиёт ва санъат арбоблари, саноат ва қишлоқ хўжалигида донг қозонган катагон қурбонлари туғрисидаги янги маълумотлар асосида ёзилган мақолаларни кенг жамоатчиликка мунтазам равишда таништириб бориш, ишнинг амалий аҳамиятини янада ошириш мақсадида Сизнинг бош муҳаррирлигингиз остида «Мерос» халқаро илмий-амалий экспедиция жамоат фонди томонидан нашр этиб келинаётган «Водийнома» (Тарихий мерос) ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журналда алоҳида "Катта қиргин" қомуси учун материаллар" номли алоҳида рукн очилишида амалий ёрдам беришингизни сураймиз.

Ўйлаймизки, мазкур рукнда берилган материаллар водий аҳолисида катта қизиқиш уйғотади ва улар ўзларида сақланаётган ҳужжат, сурат ва бошқа материаллар билан қомуснинг юқори савияда чиқишига ёрдам берадилар.

Директор

Б.Хасанов

Мазкур хатга мувофиқ «Водийнома» журнали таҳририяти «Катта қиргин» қомуси учун материаллар» рукни очишни лозим билди. Бундан буён Ўзбекистон ҳудуди бўйича 1937 – 1938 йилларда катагон қилинган юртдошлар ҳақида ҳужжатлар, материаллар, суратлар, эсдаликлар журнал саҳифасида бериб

борилади. Қуйида Андижон шахрининг бош оқсоқоли Холботир дума Рўздорбиевнинг катагон қилинган тўрт ўғли ва Москва давлат университети ректори С.Н.Трубецкойнинг Андижонда катагон қилинган ўғли ва набиралари қисмати ҳақида ҳужжат ва материаллар берилмоқда.

ХОЛБОТИР ДУМА ВА УНИНГ ҚАТАҒОН ҚИЛИНҒАН ТҮРТ ҰҒЛИ



Холботир Рузадорбиев

1898 йилдаги Андижон қўзғолони келиб чиқишига сабабчи бўлган Андижон уезди бўйича маҳаллий раҳбар ходимлардан 57 нафар шаҳар оқсоқоллари, волост бошқарувчилари ва қишлоқ, овул оқсоқоллари эгаллаб турган лавозимидан император кўрсатмаси билан бўшатирилган. Ҳа рўйхатдаги биринчи сонли амалдор Андижон шаҳри катта оқсоқоли Холботир Руза-

дорбиев бўлган. Императорнинг топширигига асосан генерал-майор Усаковский 1898 йил 28 сентябрда Туркистон ўлкаси генерал-губернаторига йўллаган 3040-сонли телеграммада Андижон шаҳри катта оқсоқоли Холботир Рузадорбиевни хизматидан озод қилиш кўрсатилган. Кейинчалик Холботир Рузадорбиев Андижон шаҳар думасига ҳам сайланган эди. Шохрух Холботиров Андижоннинг Кўтар тегирмон маҳалласидан бўлган. Унинг отаси Холботир дума шаҳарнинг машҳур кишиларидан, йигирманчи аср бошларида думага депутат бўлиб сайланганлиги учун уни шу ном билан атадилар. У ошини ошаб, ёшини яшаб, умри охирлаганида ўғилларига шундай васият қилган экан: «Бир туғилиш ва бир ўлиш ҳамманинг бошида бор. Ўлим ҳақ. Ундан ҳеч ким қочиб қутулган эмас. Мен сизларга бошқа оталар сингари катта ер-сув, обжувозу тегирмон, мол-дунё мерос қолдирмадим. Кўнглингизга отамиз топганини улфатлари билан еб-ичиб, айшини, давру давронини суриб ўтаверган экан-да деган гап келмасин. Мен сизларга уларнинг ҳаммасидан ортиқроқ бўлган нарса – илм бердим, қўлимдан келганча инсофли, бардошли бўлишга ўргатдим. Сизларни яхши-ёмонни ажрата оладиган, кишилардаги яхши фазилатларнинг қадрига етадиган, ёмонликлардан узоқ юрадиган қилиб тарбиялашга интилдим. Шунинг учун сизлардан хотиржамман. Сизлар рус-тузем мактабини битириб, рус тилини она тилидек гапирадиган бўлдинглар. Қачонки Петербург, Москва томонларга борибман, сизларга совга-салом қилиб кийим-кечак, зебу зийнат эмас, китоблар келтирганман. Бу ишларимга кўпчилик кулган ҳам. Аммо одамзодга мол-дунё келадию кетади. Улуғлар айтмоқчи, «қўлнинг кири». Илм эса одам билан абадий қолади. У туганмас хазина».

Холботир дума каромат қилганидек, унинг ўғиллари оталари номига доғ туширадиган фарзанд бўлмадилар.



Аҳмадрафиқ Қамбаров узоқ йиллар Андижон шаҳар ижроия қўмитаси раиси ва бошқа раҳбарлик лавозимларида ҳалол ва пок хизмат қилган. Унинг отаси ҳам қатағон қилинган.





Султонмас'уд Холботиров

Султонмас'уд Холботиров – 1888 йили Андижон шаҳрида туғилган, Андижон шаҳри бош оқсоқоли Рўздорбийнинг ўғли. Рўздорбийнинг Султонмуҳаммад, Султонмас'уд, Шохрухмирзо, Султонмахмуд исмли ўғиллари бўлиб, улар рус-тузем мактабида таҳсил кўрганлар. Сул-

тонмас'уд 11 ёшида мактабни битира олмай, тирикчилик билан машгул бўлган. Учқўргонда мирза, Избоскан приставида тилмоч, А.Улуғхўжаев заводида мирза, Қўгарт ирригация тизи-мида, Норин, Ҳаққулобод сув хўжаликларида ишлаган. Февраль инқилобидан кейин жамоат хавфсизлиги ижроия комитетида фаолият юритган, шаҳар думасига сайланган, 1919 йил февралда большевиклар партияси аъзоси, Андижон совети ижроия комитети маъмурий бўлими бошлиги, уезд-шаҳар халқ маорифи бўлими мудир, ревком аъзоси, 1920 йилнинг августидан Сирдарё вилоятида маориф бўлими мудир, 1921 йил августидан Андижонда Кампирравот сув омбори инқилобий комитети раиси, 1922 – 1923 йилларда маҳаллий хўжалик бўлими мудир, уезд-шаҳар ижроқўми раиси ўринбосари, бошқарув бўлими мудир лавозимларида ишлаган. Шоир Абдулҳамид Чўлпон унинг маориф соҳасидаги хизматлари ҳақида «Андижонда маориф ишлари» номли хабарини «Дархон» газетасида эълон қилганди. Уни айнан келтирамиз:

«Савнарком олдида тузулган Маориф ёрдам қўмитасининг йўлида ишламак учун ижроқўм қошида Маорифга ёрдам бюроси тузулди. Доимий бўлган бюронинг умумий ҳайъати шу ўртоқлардан иборат: Раҳматулла ўғли (ижроқўмдан), Бесров (фирқақўмдан), Касаткин (маорифдан), Эшонхўжа ўғли (ёш коммунистлардан), бир киши касабалар ташкилотидан.

Бюро ишга киришди.

Потом завезли железные кровати, тумбочки, столы и табуретки, а в коридорах стали стелить дорожки. Мы стали жить по-человечески и радоваться жизни.

Детский коллектив детдома был разношерстным и интернациональным. Таджики, узбеки, туркмены составляли единый этнический состав, одну дружную многонациональную семью, жили как братья и сёстры, на национальной или религиозной почве не возникало никаких распрей и конфликтов. Нас сближал, объединял и сплачивал русский язык, который на деле доказал, что является надёжным средством межнационального общения. Мы, в основном, говорили на русском языке, а когда возникала необходимость, общались и на родных языках. Занятия в школе проходили на таджикском и узбекском языках. Русский язык преподавал Николай Павлович, которого мы очень уважали.

Видимо, моё неплохое знание русского языка берёт своё начало с той юношеской поры. С годами я и мыслить стал по-русски, что свидетельствовало об органическом единении моего интеллекта с этим великим и могучим языком.

Я почти всю сознательную жизнь научную, методическую, общественно-политическую литературу, периодику, беллетристику читал на русском языке, что ещё сильнее привязало меня к нему.

Не скрою, я русский язык знаю гораздо лучше, чем родной таджикский, и эта метаморфоза получилась не столько из-за моего желания, а скорее от влияния жизненных забот, в частности семейных обстоятельств. Русский язык у нас являлся семейным языком, мы дома говорили, в основном, на нём.

Нас с детства учили глубокому и всестороннему знанию русского языка, придавали этой проблеме политическую окраску, при подборе и выдвижении кадров на серьёзные должности учитывали уровень овладения этим языком. Нам часто напоминали важность строк В.Маяковского:

«Да будь я и негром преклонных годов,
И то без унынья и лени
Я русский бы выучил только за то,
Что им разговаривал Ленин».

Главная причина моего «русософильства» всё же заключалась в следующем: до 70 – 80-х годов прошлого века учебная и научная литература по исторической науке в Таджикистане на таджикском языке, можно сказать, совершенно отсутствовала, мы – преподаватели – читали сами и рекомендовали студентам книги и публикации, издававшиеся в Москве, т.е. на русском языке. Никто не занимался переводом этой литературы на таджикский язык. В этом заключалась трудность и сложность работы и учёбы на истфаке. Мы на вступительных экзаменах напоминали абитуриентам эту оказию, потому что из сельской местности и дальних районов области к нам пыталась поступать молодёжь



с очень слабым знанием русского языка. Мой ученик, ныне доцент факультета С.Эркаев рассказывал, что в их кишлаке (Пенджикентский район) никогда не жили русские люди, многие его сельчане вообще в глаза не видели русских, понятия не имели о русском языке и культуре, в школах этот язык не преподавали в качестве школьного предмета. Эркаеву параллельно с наукой приходилось осваивать русский язык, поэтому нам с трудом досталась его кандидатская диссертация. На защите диссертации я в шутку сказал, что соискатель заслуживает не только присуждения ему учёной степени кандидата исторических наук, но и звание хотя бы бакалавра русской филологии.

Вышеотмеченные нестыковки негативно влияли на мою преподавательскую работу. Десятки лет (с 1943 – 1992 гг.) я читал лекции, руководил практическими и семинарскими занятиями на трёх языках – таджикском, узбекском и русском, но лучше читал в русских группах, мне легче и приятнее было изъясняться на этом языке, поэтому я получал удовлетворение и отдохновение от прочитанных лекций.

Для лектора очень важно, чтобы его словарный фонд был достаточно богатым, благодаря чему он может легко лавировать в любой ситуации, не даст аудитории скучать. Моё русское мышление и относительная бедность словарного фонда таджикскими словами и терминами затрудняли чтение лекций на таджикском и узбекском языках. Я нередко «заикался» и запинаясь на каком-нибудь таджикском слове и быстро заменял его русским, однако эти замены отрицательно влияли на восприятие студентов и, в целом, на качество лекции.

Не только говорить, но и писать на таджикском языке было для меня гораздо труднее, чем на русском. Научную работу или газетную статью на русском языке я писал раза в три быстрее, чем на родном языке.

Но со временем в процессе упорного труда эти языковые диспропорции были устранены. Большую и благодатную роль в этом вопросе сыграл Закон «О языке» (1996 г.), который придал родному таджикскому языку статус государственного языка республики.

Я теперь (все это подтверждают) неплохо говорю и пишу на таджикском и это считаю своим большим достижением.

Наши учителя и воспитатели и лично директор Машлаков уделяли исключительное внимание нашему общекультурному росту и здоровью.

Я за свою долгую жизнь знал немало директоров и руководителей, но Машлаков (забыл, к сожалению, его имени и отчества) занимает особое место в моём сердце.

Он всем своим существом напоминал облик В.И.Ленина – средний рост, крепкое телосложение, коренастый, рыжеватый волжанин, лысая голова с сократовским лбом, прищуренные глаза с ясным взглядом, приглушенный с картавинкой голос. Одевался Машлаков не в дорогие одежды, держался на людях очень скромно.

Я не в курсе насчёт его профессионального образования, но говорил он очень грамотно и внятно. На нас никогда голоса не повышал, относился к нам ласково и нежно. Особое внимание уделял новобранцам и малышне.

Мы определяли новичков на расстоянии – они поступали в детдом рахитиками, на спичечных ножках еле тащили огромные, больше, чем остальное туловище, животы, и лишь после двух-трёх месяцев приобретали человеческий облик. Директор проявлял к ним особую заботу, лично контролировал режим их питания, досуга и т.д.

Директор был постоянно в движении, его почти невозможно было застать в кабинете. Его мы не раз видели на однолошадном тарантасе, которым он управлял сам. Нам говорили, что директор на нём ездил не только в комендатуру, но и до самого Ставрополя решать проблемы детдома. Запасы продуктов питания, качество выпеченного в пекарне хлеба, эффективная работа пищеблока, хорошее санитарное состояние общежития, электроосвещение всех объектов детдома, бесперебойное водоснабжение, активизация культмассовой работы, забота о высоком нравственном психическом настрое воспитанников и ещё немало других проблем постоянно интересовали и волновали директора. Мы очень любили его, заменившего всем нам наших отцов.

(Давоми келгуси сонларда)

УКРАИНАГА СУРГУН ҚИЛИНГАНЛАР ТАҚДИРИ ҲАҚИДА ЭСДАЛИКЛАРДАН

Советлар XX асрнинг 20-йиллари охири ва 30-йиллари бошида бутун мамлакат бўйлаб олиб борган даҳшатли оммавий қатагон амалиётларидан бири, шубҳасиз, «Синфий кураш» доктринаси билан амалга оширилган «коллективлаштириш» ва «қулоқлаштириш» сиёсати эди. Ўзбекистондан ҳам минглаб оилалар «қулоқлар», «муштумзўрлар», «социализм душманлари», «колхоз душманлари», «қишлоқ буржуазияси» тамгалари билан ерлари тортиб олиниб, мол-мулки мусодара қилиниб, олис Украина, Шимолий Қозогистон, Шимолий Кавказ, Урта Осиёнинг иқлим ва табиий шароитлари огир бўлган ҳудудларига махсус посёлкаларга мажбурий меҳнат учун сургун қилинган. Бу юртдошларимизнинг бошидан кечирган машаққатли синов йиллари, аччиқ қисмати, тортган азоб-уқубатлари жуда катта фожа эди. Уларнинг кўпи Ватанга қайтиб келолмади. Уларнинг хоки олис юртларда мангу қўним топди. Мустабид ҳукуматнинг тазйиқлари остида огир шароитда меҳнат қилган юртдошларимизнинг Ватанга бўлган муҳаббати, меҳнаткашлиги, ҳалоллиги, келажакка умид ва ишонч билан интилгани ҳақидаги хотираларни, эсдаликларни ўқир эканмиз, уларнинг пок ёдини ҳурмат билан хотирлаймиз. Қуйида

мазкур мавзуга бағишланган иқтисод фанлари доктори, профессор Тоҳиржон Иминов қаламига мансуб «Хотира саодати»¹ номли китобдан парча келтирмоқдамиз.

Муаллиф китобда аждодларининг ҳаёт йўлини улар яшаб ўтган даврнинг қувончли ва қайгули онларига боғлаган ҳолда ёритиб берган. Қуйидаги эсдаликда ҳам сургун йилларининг машаққат ва қийинчилик тўла манзараси бутун бўй-баста билан ўқувчи кўз ўнгида гавдаланади.

Тоҳиржон Иминов 1950 йили Хўжаобод туманининг Кутарма қишлоғида таваллуд топган. Тошкент политехника институти Кимё технологияси факультетини тамомлаган. Ўзбекистон Фанлар академияси Иқтисод институтида катта илмий ходим, Тошкент халқ хўжалиги институтининг Андижон филиалида кафедра мудир, Андижон бошқарув ва иқтисод институтида ректор, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони бош консультанти, «Олий таълим муаммолари» институти директори, Республика Мулк қўмитаси бошқарма бошлиги, «Ўзбектелеком» компанияси бош директори ўринбосари лавозимларида ишлаган. Ҳозирда «Алском» суғурта компанияси бош директори лавозимида ишлаб келмоқда.

Таҳририятдан

Тоҳиржон Иминов

ДАДАМ КАРИМЖОН ҲОЖИ ҲИКОЯСИНИ ОҚҚА КЎЧИРДИМ

Отам Муҳаммад Имин ва Онам Биби Ҳожар 1931 йил қулоқ сифатида Украинага сургун қилинганда мен беш, опам Биби Отика ўн ва акам Мирза Маҳмуд ўн етти ёшда эканмиз. Болалик хотираларимда шу қолганки, биз яшайдиган Андижон шаҳри яқинидаги Эскилик маҳалласида «Бойларни қулоқ қилармиш» деган гап чиқдию тез кунларда дадамни кўплар қатори шаҳардаги заводлардан бирининг биносига

олиб бориб қамадилар. Дадамнинг бойлиги – отасидан мерос бир неча гектар ери, от-уловлари, хонадон учун етарли чорваси, 2-3 хизматкори ва шинамгина ҳовли-жойи бўлган эди. Ўзи эса ишдан бўш пайтларида мутолаа билан машгул бўлар, йўғон овозга эгалиги сабаб маҳалла масжидида муаззинлик ҳам қилар эди.

¹ Иминов Т. Хотира саодати. – Тошкент: Mashhur-Press. 2018.



Уч-тўрт кун ўтгач онам билан бизни ҳам олиб кетгани тўрт аскар узун милтиқлари билан келишди. Эсимда, уларни узоқдан кўриб онам билан мен богимиз этагига яширингандик. Аммо хизматкоримиз Али ака аскарларни бизнинг устимизга бошлаб келди. Ҳали қулогим остидан муштипар онамнинг: «Али, бола милтиқдан қўрқади, аскарларни бу ёққа олиб келма, ўзимиз борамиз», – деб зорлангани кетмайди.

Кейинчалик билсам, бизни қулоқликка ёздирганларнинг бири ўша Али ака бўлиб, уни ота-онам етимликдан асраб улгайтирган, уй-жойли қилиб уйлантириб қўйган экан. Мен Украинадан қайтгач, у оёгим остига йиқилиб, зор-зор қақшаб, қизиллар сўзига кириб қилган ишларидан минг-минг пушаймон бўлган эди. Тақдирни қарангки, раҳматлини тупроққа ўзим бош бўлиб қўйишдим. Бир угина эмас, биз ташлаб кетган ҳовли-жой, ерлар ва богларни бўлиб олган қанча одамлар ҳанузгача бизни кўрганда боши ҳам бўлади. Ҳовлимизнинг каттагина қисмини биринчилардан бўлиб эгаллаб олган бир шахснинг фарзанди, ҳозирда шаҳримиздаги олийгоҳлардан бирининг ҳурматли домласи кичкинагина квартира эвазига ҳовли-жойимизни қайтариб олиб, ўзини қиёмат қарздан халос этишимни бир неча бор илтимос қилди. Аммо ёшим бир жойга етганда ота-онамга насиб этмаган жойга қайтиб боришни ўзимга эп кўрмадим ва имкони борича унга тасалли бердим.

Аскарлар бизни ҳам олиб бориб дадам олди-га қамадилар, бир неча кун ўтгач эса ёпиқ товар вагонларида йўлга тушдик. Ўша йўл азоби ҳануз эсимда. Вагон дим, иссиқ, сув йўқ, бир бурчакни латта билан тўсиб, ҳожатхона қилиб олинган. Очлик азоби ҳаммасидан ошиб тушган, бир ойга яқин давом этган сафар тайёргарликсиз йўлга чиққан одамларни жуда ҳолдан тойдирган эди.

Азобли йўл якунида Украинанинг Херсон вилояти Голая Пристань райони Михайловка қишлоғига бориб тушдик. Биз боришимизга қишлоқнинг бир қисм аҳолисини узоқ Сибирга сургун қилиб, уларини бўшатишган экан. Кейин билсак, қўшни районларда ҳам бир

неча қишлоқ Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидан келган биз каби «қулоқлар» учун шу тарзда бўшатишган экан. Жой тегмаганлар ертўлалар кавлаб олишди.

Ўзбеклар аста-секин тутқунлик ҳаётига кўника боришди. Аммо бу ўз-ўзидан бўлмади. Украина ҳаётининг

огир асоратларидан бири биз ўзбеклар учун у ернинг иқлими ва шароитига кўникашнинг қийинлиги бўлди. Кўпчилик борибоқ турли касалликка чалиниб, ҳаётдан кўз юмди, шу тариқа Украина чўлларида биринчи ўзбеклар қабристонни пайдо бўлди. Бу қабристонларнинг баъзилари айрим эътиқоди бут украин халқи вакиллари сабаб ҳанузгача сақланиб турибди. Нотаниш иқлим оқибатида дадамнинг елкасига тузалмас яра чиқиб, 4 йилгача азоб берди. Кўрмаган чорамиз қолмади.

Маҳаллий табибларнинг «бу дардни тузатиш учун чўчка ёғи еб, ароқ ичиш керак» деган гаплари эътиқоди бут дадам учун заррача кор қилмади ва шу дарднинг орқасидан 1938 йил июлда вафот этди. Мен ёш эдим, бутун огирлик акамнинг елкасига тушди. Дадамнинг тузалиши учун акамнинг кўрсатган жонбозлиги, оиламизни бекамикўст сақлаш учун унинг кўйиб-пишишлари ҳечам ёдимдан чиқмайди. Акам бу борада қилган меҳнатлари роҳатини бу дунёда кўрмади. Илоҳим, у дунёда кўрсин!

Ўзбеклар учун Украина ҳаётининг қийин томонларидан бири эркин яшаб юрган одамлар учун жой қамоғига тушиб қолиш билан боглиқ бўлди. Қулоқлар фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум қилинган бўлиб, улар яшайдиган ҳар бир қишлоқ ўзига хос турмага айлантирилган эди, унинг ўз коменданти, соқчилари, қизиллардан тайинланган ишбошилари бўлган. Ҳатто маҳаллий аҳолига ишонмай соқчи ва комендантлар узоқ миллат вакилларидан тайинланган.



Қишлоқдан тўрт-беш чақирим ташқарига чиқиш учун комендант рухсати, қўшни қишлоққа бориб келиш учун эса райондаги махсус «переселенецлар» билан ишловчи маъмуриятнинг ёзма розилиги зарур эди. Бу тартибни бузганлар қаттиқ жазоланар эди.

Албатта, ҳар бир ўзбек учун Украина ҳаётининг энг даҳшатли томони Ватан фиороги эди. Болалигимда тўла тасаввур қилолмаган бу даҳшат мазмунини каттароқ бўлгач чуқур ҳис этдим. Қишлоғимиздаги ҳар кимса учун Ўзбекистон сўзи ҳаётбахш саналар, у ҳақдаги хотиралар суҳбатларнинг асосий мазмуни бўлар, Ватандан келган бирорта хат ёки буюм ҳамма томонидан тўтиё каби кўзларга суртилар эди. Балки, шу Ватан меҳри сабаб ўзлгимизни, ўзбеклигимизни сақлаб қола олгандирмиз. У ерда оз эмас, ун беш йил яшаган бўлсак-да, бирорта ўзбек ўз ҳаётини ерли халқ билан боғламади, уларнинг дини, урф-одатлари, туриш-турмуши бизга ёт бўлиб қолаверди. Қабрларда қолганлардан бошқа бирорта ўзбек Украина тупроғига боғланиб қолмади, рухсат тегиши биланоқ барча ўз юртига ошиқди.

Ўзбеклар Украинага борибоқ 30-йилларнинг даҳшатли очарчилигига дуч келишди, бунинг оқибати кўпчилик учун фожиали бўлди. Эсимда, қоринни тўйдириш учун нималар қилмадик, ўсимлик илдизими, ўт-ўланларми ейишга тўғри келди. Аммо шуни ҳам кўрдикки, биз ўзбеклардан кўра украинлар бу даҳшатдан кўпроқ азоб чеккан, қишлоғимизга нон сўраб келган, очликдан шишиб кетган маҳаллий аҳоли вакиллари кўп кўрганман. Каттароқ бўлиб бунинг сабабини англаб етдим. Биз ўзбекларнинг ўзаро жипслигимиз, сабр-бардошимиз, уздабуронлигимиз, бир-биримизни қўллашимиз камроқ талафот кўришимизга олиб келган экан.

Қизиги шундаки, ўзбекларнинг аксарият қисми Украинага боргандан сўнг 2-3 йил ўтгач ҳаётини бирмунча ўнглаб олди. Бир қават кийим-бош билан ҳеч қандай мол-мулкисиз нота ниш муҳитга тушиб қолган одамлар, қаттиқ чеклашлар, узлуксиз назоратга қарамай, қисқа муддатда 3-4 тадан қорамолли, от-уловли бўлди, ҳатто айримлар маҳаллий халқ вакил-

ларини хизматга ёллаб ишлата бошлади. Бу, албатта, қонимиздаги тадбиркорлик, меҳнат-севарликнинг натижаси бўлган бўлса керак.

Қолаверса, қулоқ қилинганларнинг аксарияти, бутун мамлакатда бўлгани каби, деҳқонлар меҳнатини ташкиллаштириш қобилятига эга бўлган ўртаҳоллар бўлган. 30-йиллардаги даҳшатли очарчиликнинг бош сабабларидан бири ҳам шунда эмасмикан? Ўртаҳолни қулоқ сифатида тугатиш оқибатида деҳқончилик бошқаруви тизимининг ўрта бўғинида узилиш пайдо бўлди, натижада оддий деҳқон нима қиларини билмай қолди, бу эса ўта салбий оқибатларга олиб келди. Бу каби ҳолатни 80-йиллар ўртала-рида Ўзбекистонда иш олиб борган Гдлян-Иванов гуруҳи иши оқибатларида ҳам кўрдик. Иш ташкил қилувчи бригадирларнинг кўпчилик қисми айбланиб, қамалган хўжаликлар иши бирданга чаппасига кетди-ку.

Турган гап, ўзбек «қулоқлар»ининг қайтадан ўзини ўнглаб олиши комендантлар ва юқоридаги нозирларнинг назаридан четда қолмади, турли сабаблар билан пешқадамларимиз йўқотила бошлади. 1937 йили намоз ўқиётганда қибла томонга илиб қўйилган Сталин портретига мато ёпиб қўйганликни баҳона қилиб қишлоғимизнинг 23 пешқадамини, шулар қаторида менинг бўлажак қайнотам Соҳибқори Исоқовни ҳам бир кечада қамадилар. Уларнинг бирортаси қайтмади, кейин билсак, барчаси отилган ёки турмада вафот этган экан. Бундай «қама-қама»лар кейин ҳам давом этди.

Давлат қулоқ қилинган ўзбеклар меҳнатидан яхшигина фойдаланди, уларнинг кучи билан Украинада биринчи бор пахта экилди ва алоҳида пахтачилик совхози ташкил бўлди. Ўзбекларнинг меҳнати натижасида 25 центнергача пахта ҳосили олинган, бу сўғорилмайдиган лалми деҳқончилик учун жуда юқори кўрсаткич эди. Аммо даладаги иш «каторга» тарзида ташкил этилар эди. Ишга бориш ва ишдан қайтиш қаттиқ назорат остида бўлар, ота-оналарга халақит бермаслиги учун ёш гўдаклар болалар уйига, ўқиш ёшидагилар интернатларга жойланар эди, шу сабаб ота-онамизни ойда бир марта кўра олардик.



Гапнинг очиги, Украина тупроги жуда унумдор эди, шу унумдорликка ўзбекларнинг меҳнаткашлиги қўшилиб, ҳосилдорлик украинларни ҳайрон қиларлик даражада юқори бўлар эди. Экин сугорилмас, ёмғирнинг ўзи етарли бўларди. Шу ўринда айтиб ўтмоқчиманки, украинлар бизга даҳшатли қургоқчилик йиллари ҳақида, бу палладаги халқнинг азоблари ҳақида кўп гапиришган. Аммо ўзбеклар Украинада неча йил бўлган бўлса, бирор йил бундай қургоқчилик рўй бермади. Кейин билсак, ўзбеклар кетибоқ қаторига уч йил қургоқчилик бўлган. Оллоҳнинг сиру синоатлари кўпдир.

Шу тарзда уруш бошлангунча яшадик. Урушнинг биринчи кунидеъ катта ёшдаги барча эркаларнинг бир қисмини тўғри фронтга, қолганларини эса Қозогистонга галла йигиштиришга олиб кетишди. Шулар қатори акам Мирза Маҳмуд ҳам Қозогистонга кетган ва кейинчалик фронтга юборилган экан. Кўплаб қулоқ қилинганлар тақдири шундай бўлган. Аммо акамнинг фронтдаги изини топиш бўйича кейинчалик қилган кўп йиллик ҳаракатларим натижа бермади. На Қозогистон ва на Москва архивларидан унинг фронтга олингани ёки жангда қатнашгани ҳақида маълумот топиб бўлмади. Ҳолбуки, бирга хизматда бўлган қуролдошларининг сўзига қараганда, акам отлич аскар бўлиб, яхши жанг қилган ва Курск остонасидаги жангларнинг бирида ярадор бўлган. Мақсадимга эриша олмагач ўз қиёмат қарзимни адо этиб 90-йилларнинг бошида акамга аза очдим ва юртга маълум қилдим.

Биз ўзбекларнинг, қизиллар билан бўлганидек, немислар билан ҳам муносабатимиз яхши бўлмади, улар бизни қаттиқ ишлатар, арзимас сабаблар билан жазолар эди. Аммо бир эпизод ёдимдан чиқмайди. Немислар қишлоқларга кирганда йўлнинг икки томонидаги уйларни танклари билан унинг стволини ортга қаратиб олиб бузиб келаётган эмиш деган хабар келгач, уч ўзбек оқсоқоли улар келишини қишлоқ четиде кутиб олиб, қишлоқни вайрон этмасликни илтимос қилган. Немислар ҳам бизнинг узоқ Ўзбекистондан эканлигимизни билиб, танкларини уйларни бузмай йўл орқали олиб ўтган. Оқсоқолларнинг «гуноҳи» шу, холос. Аммо 1944

йил қишлоғимиз озод қилинганча, ўша уч оқсоқол ўз қишлоғини сақлаб қолгани учун қизиллар томонидан отиб ташланди.

1942 йил ноябрда 17 ёшга тўлай деганимда мени бир ёшдан мўлроқ кичик бўлган Сурмахонга уйлантиришди, Қизил Армия келгач эса 1944 йили армия сафига қақирилдим. Икки йил хизмат қилгач, 1946 йили Ўзбекистонга қайтишимга рухсат беришди. Бу пайтда хотиним ва ўғлим қариндошлари билан бирга Ўзбекистонга қайтиб бўлган эди. Қолган ўзбеклар 1947 йилгача ўз ватанларига қайтишди. Афсус, отаонам ва яна 250 ўзбекнинг қабри Украинадаги қишлоғимиз қабристониде қолди.

Ватанга қайтганча ўз оилам билан бирга яшадим, аммо бизга ўз ота жойимиздан бирор парча ҳам жой берилмади. Ёки тортиб олинган ота-боболаримиз мулкидан ҳеч нарса қайтарилмади. Бу борадаги сўровларимиз «қулоқ болалари» деб ҳақоратлар билан қарши олинди. Натижада ишлаб пул топиб, 1950 йили янги ҳовли сотиб олгунимча бировларнинг уйиде кўчманчиликде ҳаёт кечирдик. Тунлари косиблик қилиб, икки олийгоҳ, аввал ўқитувчилар, сўнгра педагогика институтини тамомладим ва ўзимни болалар тарбиясига бағишладим.

Турмуш ўртоғим билан ширин ва баракали ҳаёт кечирдик, олти ўғил ва олта қиз кўрдик, фарзандларимизнинг 11 нафари улгайиб, уларнинг барчаси бола-чақали, олий маълумотли бўлди. 11 фарзанддан 7 таси мактабни олтин ҳамда кумуш медаллар билан тамомлади. Улар орасидан етук раҳбарлар, мутахассислар, фан докторлари, фан номзодлари етишиб чиқди.

Аммо совет тузумининг сўнги дамларига-ча ҳам биздан «қулоқлик» тамгаси олинмади. Фақат республикамиз мустақилликде эришгачина бу тамгадан тўла халос бўлдик, барча қатори фарзандларим учун ҳаётде равон йўл очилди. Мустақилликнинг биринчи йиллари-деък тўнгич ўғлим вилоят раҳбарларидан бири этиб тайинланди, иккинчи ўғлим эса мустақиллик йилларида дастлаб ташкил этилган олийгоҳларнинг бирига ректор этиб тасдиқланди, сўнгра Президентимиз уни ўз Девонига ишга

таклиф қилди. Қолган фарзандларим ҳам мустақиллик учун фидокорона меҳнат қилмоқда, зеро, бундай мустақиллик учун жонни ҳам фидо қилса арзийди.

Ёшим 60 га етгач, фарзандларим «Энди дам олинг» деб шама қилавергач, нафақага чиқдим. Набираларим тарбияси, фарзандларим ва юртим дуоסי билан бандман. Бир неча бор Украинага бориб, ота-онам қабрини зиёрат қилиб қайтдим. У ерга илк марта борганимда жуда ҳаяжонланган ҳолда қулоқ боласини қандай кутиб олишар экан деган ташвишда эдим. Голая пристань шаҳрига тушибоқ районнинг фирқа қўмитаси биринчи котибига кирдим. Гапнинг очиги, ўша пайтда менда ҳам иккиланиш, ҳам, гапнинг сираси, қўрқув кучли эди. Зеро, мен армиядан тўғри Андижонга келгандим, шу сабаб украинларнинг собиқ қулоқларни жуда илиқ кузатиб қолганини эшитган бўлсам ҳам, гувоҳи бўлмагандим.

Биринчи котиб уруш кўрган, Совет Иттифоқи Қаҳрамони экан. Мен у кишига жуда ҳадик билан кимлигим, нима мақсадда келганимни айтдим. Бирдан у ўрнидан туриб, мени қучоқлаб олди-да, «Сиз қулоқ эмас, оддий деҳқоннинг ўглисиз, отангиз бу юртга келмаслиги керак эди, у киши қулоқликка хос ҳеч қандай гуноҳ қилмаган. Бизга ўзбекларни украинларга пахта етиштириш илмини ўргатиш учун олиб келишган. Улар ёрдамида туманимизда бир неча хўжаликларга асос солинди», – деди.

Гапнинг очиги, ҳар нени кутсам ҳам, бу гапларни кутмаган эдим. Ўтирган жойимда кўзларимдан тирқираб ёш чиқиб кетди. У киши қаердандир бир шиша спиртли ичимлик билан иккита идиш келтирди-да, «Бизнинг районни

оёққа тургизган собиқ қулоқлар хотирасини ёд этишимиз лозим», – деб идишларга ичимликдан қуйди. Гапнинг очиги, мен бу украинча одатни рад этолмадим, у билан бирга қўшилиб ичдим.

Ишнинг қизиги шундан кейин бошланди. Биринчи котиб биз яшаган «Коминтерн» хўжалиги раҳбари Злых номли киши билан боғланиб, мени кутиб олиш ва илтимосимга мувофиқ ўзбек қабристонини биргаликда обод қилишни топширди. Эътироз билдиришимга қарамай, ўз автомашинасига ўтказиб мени совхозга кузатди. Совхозда мени бир неча одам кутиб олди, яхшилаб овқатлантириб, меҳмонхонага жойлашди. Эрталаб совхоз идорасида кўришдик.

Қарангки, мен учун махсус бригада, трактор ва керакли материаллар ажратилган экан. Аввало, кўплашиб қабристонни ўт-ўланлардан тозаладик, сўнг ҳар бир қабрни ажратиб, улар икки юздан ортиқ эди, ҳар бирининг бошига бир донадан гишт билан белги қўйдик. Совхоз усталари ёрдамида махсус қолиплар ясаиб, дадам ва онам қабрига бетондан махсус қабртошлар қўйилди. Бу тошларнинг устига зангламас металдан ярим ой шакли ўрнатилди ва ўртасидаги чуқурчага зангламас металга уларнинг исм-шарифи, туғилган ҳамда қазо қилган санаси ёзиб қўйилди.

Бу ишларни бажариш менинг армоним эди. Аммо уларни шундайин кўламда бажараман деб орзу ҳам қилмаган эдим. Шунинг учун мен украин биродарларга бошимни ерга эгиб, чуқур миннатдорчилик билдирдим-да, ўз Ватанимга қайтдим.

1995 йил июль ойи, Андижон шаҳри



«ШУ ОЖИЗ ҲОЛИМДА ШОИРМАНМИ МЕН?..»

Баҳодиржон Раҳмонов, ф.ф.н. доцент



Баҳодиржон Раҳмонов
АндДУ доценти

Адабиёт – кўнгил овози. Кўнгил доимо эрк истаган инсон кўксигадаги создир. Бу сознинг созандаси ёзувчи ва шоирлардир. Пардалари чексиз, торлари чексиз. Чунки шундай даврлар бўладики, унинг дардли нолаларини санокли торларда чертиб, чегараланган

пардаларда кўйлаб бўлмайди. Шунда нолалар садога, садо эса кўнгилни ёриб чиққан миллат нидосига айланиб кетади. Бу соз энди куйланмайди, у бонг уради. Бонг урдими, демак, у энди уйғотувчи қуролга айланади. Мустамлакачиликка асосланган жамият қуролга айланган ҳар қандай нарсадан, агар у ўз қўлида бўлмаса, доимо қўрққан ва уни ўз қўлига олишга ёки синдириб ташлашга ҳаракат қилган. Чўлпоннинг фожиали қисмати бунинг ёрқин исботидир. «Бир неча йил қантаргач Яна олдим созимни», – дейди шоир 1934 йилда ёзган шеърида. Бу сатрларда қантармоқ сўзи орқали Чўлпон бошига тушган кулфатларга ишора қилляпти. Бу сўз овқатга, ем-хашакка, сувга етолмайдиган қилиб арқонни калта боглаб қўймоқ, оч қолдирмоқ каби маъноларни ифодалайди. Сезилиб турибдики, инсонларга нисбатан кўчма маънода ишлатилиши мумкин, холос. Чўлпон замоннинг, яъни ўша давр сиёсатининг инсоний эмаслигини шу сўз билан етказган эди. Шоир қуроли бўлган бадий сўзга нисбатан назорат ва чекловлар туфайли жангда қуролсиз қолдирилган аскардай таслим бўлишга маҳкум этилган. Чўлпон қантарилган созини яна олиб: «Энди қайтиб йиғламас Кўнгилдаги розимни», – дейди. Балки, ўша золим мафку-

ра билан муроса қилишга мажбурликдандир. Лекин кўпроқ аламли армон сезилади бу сатрларда. Чунки шеър «Эҳ, кўнгил, янги дардлар Тагин сени ёқажак!» сатрлари билан хулосаланган. Ахир эрк дарди билан яшаган, миллат дарди билан яшаган шоирнинг янги дарди унга хиёнат қилиши мумкинми? Ишонч билан айтиш керакки, Чўлпоннинг мурасасозлик билан ёзган шеърлари қўлидаги қаламнинг ноиложлик ҳолатидаги ихтиёрсиз ҳаракатидандир. Қолаверса, 1923 йилда:

*Энди ҳар нафасда яна куяман,
Фақат Мажнун бўлиб элни севаман,
Унга ҳурмат билан бўйин эгаман,
Бошимни у учун дорга қўяман!.. –*

деган шоир, яъни Мажнун бўлиб элини севган шоир орадан 11 йил ўтиб: «Мен истамам, қора савдо, Кишанингни Мажнунга ур! Менинг янги ватанимда На Мажнун бор, на-да занжир!» – дея ортга чекиниши мумкинми? Айниқса, эътиқодли, меҳр-муҳаббатли элининг эрки учун умрини тиккан, «Кишан кийма, Бўйин эгмаки, сен ҳам ҳур тугулгонсен», – дея ҳайқирган Чўлпон учун «Ёпишмаган гажаклар» кабидир. Шоирнинг бу каби шеърлари асосан 1927 йилдан кейинги ижодида учрайди. Сабаби ўз-ўзидан аён.

Шўро давридаёқ Чўлпон ҳаёти ва ижодини тадқиқ этишга жасорат топа олган фидоий олимимиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов саъй-ҳаракатлари сабаб ўша давр мафкураси, адабий танқид жараёни ва Чўлпон фожиаси, ниҳоят, мустақиллигимиз шарофати туфайли бор ҳақиқати билан миллатимизга ошкор этила бошлади. Ҳурматли академигимиз Н.Каримов, Ш.Турдиев, И.Ҳақ-

қулов, Д.Қуронов, Б.Дўстқораев, З.Эшонова, У.Султонов, Н.Йўлдошев каби қатор олимларимиз Чўлпон ва унинг ҳаёти, ижоди ҳақидаги бизнинг эҳтиёжларимизни қимматли маълумотлар ва илмий фикрлар билан қондиришди ҳамда бу жараён қизгин ва кенг миқёсда давом этаётганлиги барчамизни хурсанд қилмоқда. Тадқиқотларда қайд этилганидек, «буржуа шоири», «жадид», «мафкуриси бузуқ», «босмачилар жарчиси», «миллатчи», «аксилинкилобчи», «октябрь инқилобини тушунмаган овсар», «ёшлар онгини заҳарловчи ёт унсур», «халқ душмани» деган тавқи лаънатга дучор бўлган Чўлпонга 1927 йилга келиб қатъий айб қўйилган эди. Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон маданияти ходимларининг II қурултойидаги Акмал Икромов маърузасида юқоридаги айбларнинг тасдиқланиши шоир ҳаёти ва ижодининг кейинги даврини белгилаб берди. Ҳатто «Чўлпонни қайта тарбиялаш мумкинлиги ҳақидаги масала ҳам баҳслидир» дея ишонч ҳам билдирилган эди Ҳақиқатан ҳам маърузада.

«1927 йилда қурултойдан ҳайдалгандан сўнг 30 ёшли Чўлпон ҳаётининг фожиаларга, драмаларга тўла қора кунлари бошланди, – деб ёзади Озод Шарафиддинов «Чўлпонни англаш» китобида. – Булар оз эмас, кўп эмас – ўн йил давом этди. Ўн йил мислсиз руҳий изтироблар шоир жисмини кемирди, асабларини қақшатди. Унинг асарларини босмай қўйишди, номлари қора рўйхатларга тушди, ҳатто ёру дўстлари кўришиб қолишганда кўчанинг нариги бетига ўтиб кетиб қоладиган бўлишди. На совет ёзувчиси деб тан олинган, на буржуа ёзувчиси деб узил-кесил қораланган Чўлпон аросатда қолди. Аммо бу йиллар мобайнида Чўлпонни қораловчи мақолалар босилишдан тўхтагани йўқ. Албатта, қудратли истеъдод эгаси бўлган Чўлпон 1927 йилдан кейин ҳам асар ёзишдан тўхтагани йўқ, бироқ у қайси жанрда қандай асар ёзмасин, уларнинг ҳаммаси беистисно «гоявий зарарли, миллатчилик руҳидаги асар» сифатида баҳолана бошлади, ҳатто унинг таржималаридан ҳам миллатчилик унсурларини кўплаб топа бошладилар».

Чўлпон 1922 йилда ёзган «Кишан» номли шеърида:

*Кишан, гавдамдаги догинг хануз ҳам
битгани йўқдир!
Фақат буткул қутулмоққа умидим
энди ортиқдир!.. –*

деганида бутун қисматига ишора қилган экан. Чунки шўро истибдоди шоир умидини бутунлай юлиб олаётган эди. Чўлпоннинг 1927 йилдан кейинги шеърлари унинг шу йилларгача чоп этилган «Ўйғониш», «Булоқлар», «Тонг сирлари» номли тўпламларига кирган шеърлари сокинроқ, худди кузак шамолида тебраниб турган боғларнинг мунгли бир ноласидай ўша йиллардаги шоир руҳияти бадиий ифодасидир. Шу ўринда шоирнинг 1934 йилда ёзилган ва «Соз» тўпламидан ўрин олган «Куз» номли шеърига эътиборимизни қаратайлик:

*Дарахтлар танига тирмашди изғирин,
Шохларга илондай чирмашди изғирин.
Қўллари баргларнинг бетиди сурунди,
Баргларнинг бандини қирт этиб кесишга
Урунди...
Ер бети қопланди малларанг чойшаб-ла.
Боқчалар қопланди ранг-баранг чойшаб-ла!
Қиш қиров орқали жўнатти номасин...
Яқинда чалажак ёқимсиз нағмасин...
Гуппи тўн вазмин солажак бус-бутун,
Ишига қайтажак ўт, ўтин!*

Шеър бир ўқишда гўё табиатнинг, ундаги табиий бир ҳодисанинг бадиий тасвиридай қабул қилинади. Лекин бу Чўлпон учун шунчаки бир восита. У ишоралар орқали, тимсоллар орқали дардини айтишга эришади. Аввало, кузнинг ўзи бир тимсол. Бу билан миллат деган боққа хазонли фасл кириб келганига ишора қилинмоқда. Дарахтлар, шохлар, барглар, қиш, қиров, нома, нағма, ўт, ўтин, малларанг, изғирин – буларнинг ҳаммаси ишорадир.

Истеъдодли чўлпоншунос олим Д.Қуронов «Кеча ва кундуз» романи поэтикасининг ўзига хослигини белгиловчи услуб, оддий қилиб айтганда, худди шеърларидаги каби «Сих ҳам куймасин, кабоб ҳам» қабилда эканлигини қайд қилган эди. Айни шу фикр Чўлпоннинг 1927 йилдан кейинги шеърларига ҳам тааллуқлидир.



«Ўзбек шоири Чулпон» номли айблов мақолада (муал. Олим Шарафиддинов) «Чулпоннинг асари бостирилар экан, уни қаттиқ таҳлил қилиб, кучли цензурадан ўтказиб, мувофиқларини босиш керак» деб унинг кейинги овозини бўғиб, шўро мафкураси оҳангига йўргалатиб қўйишни кўзлаган эдилар. Лекин Чулпондаги бадиий маҳорат ўзга йўлларга бутунлай йўргалаб кетишдан асраб қола олди. Тўғри, бу даврда шоирнинг замонасозлик билан ёзилган шеърлари бор ва буни инкор қилиб бўлмайди. «Октябрь», «Биринчи май», «Қўшиқ», «Янги Мен», «Бу куннинг шоири», «Диёрим», «Байрамда шаҳримиз», «Бизнинг ватан» каби шеърлари шулар жумласидандир. Лекин булар миқдор жиҳатидан шоирнинг денгиздек ижодидан бир томчигина, холос. Ҳатто мана шу шеърларида ҳам Чулпон шўро сиёсатини, замон ҳақиқатини бадиий маҳорат билан сўзлар, сатрлар орқали ишорали тарзда сезгир ўқувчига етказа олганки, бу билан эътиқодли ва қайтмас шоиримизнинг аламли дардларини, армонларини ҳис қиламиз, қолаверса, бутунлай сўниб битмаган умид учқунларини ҳам кўргандай бўламиз. Мисол учун, «Бизнинг ватан» шеърига эътибор қилайлик, «Ер юзинда ўзга бир олам эрур бизнинг ватан. Бошқа ҳар бир ўлкадан кенг, ҳар диёрдан каттакон. Ҳар томондан юксалиш сорига ташлаб зўр қадам, Дашту саҳроси онинг гул-гул очилмишдир чаман!» – дея уч байтда бундан-да кўкларга кўтариб мадҳ этади, лекин етти байтли шеърнинг қолган икки байти ҳам бир ўқишда ўша мақтов қаторидаги сатрдай гўё, аслида, шеърда юрагини эзаётган ҳақиқат яширинган. Мана ўша сатрлар:

*Дарёси аввалигидек ердан олиб қочмас ўзин,
Чунки пойига унинг маҳкам урилмишдир кишан.*

Энди ишораларга эътибор қаратайлик. «Дарёси аввалигидек», яъни миллат олдингидек, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, чор Россияси даврларидек Шўро даврида ҳам қуллигича қолди, энди тутқунликдан ўзини қутқара олмайди. Чунки оёғига кишан янада маҳкам қилиб солинди. Бу шеър 1934 йилда ёзилган. Ваҳолонки, ўша йилларда буни очиқ айта олмас эди. Шеър шундай тугайди:

*Бу ватанни жон билан сақлашга, Чулпон,
ҳозир ул,
Кимки қасд этса анга кийсин пушаймондин
кафан!..*

Чулпон шеър бошида ва давомида ватан деб шўро давлатига ишора қилган ҳолда чалгитади, ниҳоят, ўз миллатини, шўро кишани солинган мазлум халқини, боболари киндик қони тўкилган шу муқаддас туپрогини – ватанини жон билан сақлашга чорлайди.

Чулпон шеърятининг қудратли кучи тимсоллардир. 30-йиллардаги ижоди ҳам айнан мана шу тимсоллар орқали таҳлил қилинса, аввало, бадииятнинг чексиз имкониятлари, қолаверса, Чулпоннинг маҳорати, жасорати, ватанпарварлиги, ўша исқанжа муҳитидаги умидвор руҳияти, халқпарвар дардининг улғурлигидан ҳайратланасиз. Лекин шўролар солган эркисизлик кишанини кундан-кун сиқиб борардики, бу шоирнинг умидвор руҳиятини ҳам сўндириб, миллатнинг фожиали қисматини аён қилиб улғураётган эди. Чулпон буни яна тимсоллар воситасида аламу армонлар билан айтади. «Норин дарё» шеърида бош кўтарган қуллар каби, ҳужум қилган қўшин каби, оч йўлбарсдай наъра тортиб, асов отдай телбаланиб, шиддат билан оқишлари бор дарёга: «Бас энди! Бил: Юз йилларнинг ихтиёри сенда эмас!» – деб огоҳлантиради. «Сен, азамат, шундай ердан ўтасанки, – дейди шоир, – ҳатто сенга ўхшаш дарёлар ҳам у ерда (яъни шўро муҳитида) жим бўлиб қолади. Ўкинмасдан, бўкирмасдан оқадилар, Буйруқ кутиб қиргоқларга боқадир! Сендан асов, сендан ёмон дарёлар ҳам бўйин эгиб келишдилар...»

Мана 30-йилларнинг фожиали тасвири. Ўша 1927 йилдаги айбловдан кейиноқ гўё маҳбусдай назоратда қолган эрксевар ижодкор «Мен шоирми?» деган шеър ёзган эди. «Таржимаи ҳолим»га деб изоҳ бериб қўйилган бу шеърда шоир бундан кейинги ижодий қисматини тасаввур қилгандай: «Шу ожиз ҳолимда шоирманми мен?...» – деб афсусланганди. Чунки унда фақат хаёл суриш эркинлиги қолганди, холос. Шунинг учун ҳам: «Хаёлим бир учиб кетиб қоладир», – деб бошланади шеър. «Бир замон бир

ширин жойга етганда Нарига ўтмасдан тўхтаб қоладир; Чунки хаёлимнинг кўзлари билан Бир гўзал ҳолатни кўриб тураман». Лекин ўша гўзал ҳолатни куйлашга ожиз. Шунинг учун афсусланади. Шоирнинг афсусларини тушуниш учун шеърдаги «гўзал ҳолат» ишорасига эътибор қаратиш керак бўлади. Аввало, шоирнинг 1919 йили ёзилган машҳур «Гўзал» шеъри ёдга тушади:

*Қоронгу кечада кўкка кўз тикиб
Энг ёруғ юлдуздан сени сўрайман.*

Дилмурод Қуронов «Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси» рисоласида шоирнинг 1923 йилда яратилган «Мен ҳам севаман» шеъри билан «Гўзал»нинг биринчи сатрлари орасида мазмуний муносабат мавжудлиги ҳақида фикр юритиб қуйидагиларни ёзган эди: «Шоир «Гўзал»ни ёзган пайтларини ўқинчга йўғрилган соғинч билан эслайди. Чунки у пайтларда маъшуқасига, яъни истиқлолга етишиш умиди реал кўринган бўлса, энди унга эришиш имкониятлари тамом қўлдан бой берилганини, ҳар қанча оғир бўлса-да, тан олишга мажбур».

Маълумки, бу фикр ва мулоҳазалар 1923 йил ҳақида. Демак, биз таҳлил қилаётган шеърдаги «Гўзал ҳолат» истиқлолга ишора. Энди тасаввур қилинг, 20-йилларда истиқлолга етишиш имкониятлари бор бўлган бўлса-да, 30-йилларга келиб ҳатто у ҳақда фикр юритганларни маҳв қилиш ҳаракати бошланиб кетган эди. Шунинг учун ҳам Чўлпон: «Хаёлим юксакдан тушиб кетадир, Шоирлик чанг бўлиб учиб кетадир», – дейди. Ожиз қолган Чўлпон таржималардан ҳам энди ўз дардини айтиш учун фойдалана олди. Шу жиҳатдан олганда Пушкиннинг «Бул-

бул билан гул» шеъри Чўлпон дарди бўлиб ўзбек тилига ўтирилганлиги билан характерлидир. Шеърни тўлиқ келтирамиз:

*Баҳор чогида холи богда бир зулматли
тун эрди,
Ғариб булбул фиғон айлаб: «Гулим, раҳм
айлагил», – дерди.
Бироқ ул гул қулоқ солмас эди фарёду афгона,
Фақат ором оларди ноладин тўлгона-тўлгона.
Сени ҳеч севмаган бир гул учун, эй шоирим, сен
Ёнарсан, ўртанарсан, дод этарсан тинмайин
бир ҳам.
Қўй энди, беҳуда дод этма, оҳинг унга
етмайди дам.
Қараб сан яшнаган бир гул, фақат додингга
етмайди.
(1936)*

Умуман олганда, шоирнинг 1927 йилдан кейинги шеърий ижоди алоҳида бир даврдир. Яъни Чўлпоннинг оғир бир руҳий ҳолатдаги аламли, армонли ҳаёти яқуний босқичидирки, уни синчиклаб тадқиқ қилиш ҳам бадиий, ҳам ижтимоий жиҳатдан янада чуқурроқ хулосалар чиқаришга имкон тугдиради.

Хуллас, Чўлпон халқимиз эрки-озодлиги йўлида иймон-эътиқод тимсолига айланган, таниқли адабиётшунос олим, академик Наим Каримов қайд этганидек, «1937 йил қатлгоҳларида отилганига қарамай, унинг шеърларидаги виждон эрки, истиқлол ва истиқбол учун кураш руҳи ҳамон тирик. У истиқлол жарчиси ва жангчиси сифатида ўлмаган эди. Бугун ана шу руҳ мустақиллик самараларини мустаҳкамлаш учун олиб борилаётган курашга мадад бериб турибди».



САДОҚАТ САОДАТИ

Раҳмонжон Баҳодиров



Шундай ижодкорлар борки, улар шоирликни даъво қилмайдилар. Лекин умр мазмунини ижодсиз тасаввур эта олмайдилар ҳам. Бу каби ижод кишилари гўё нақшбандия тариқатининг шиори бўлмиш «қўл ишда-ю, дил Аллоҳда» янглиғ умр кечирадилар. Яъни уларнинг ҳаёт тирикчилиги адабиётга боглиқ бўлмаган соҳа билан кетса-да, юраги ҳар лаҳза шеърият ишқида уради ва ҳар бир ижод намунаси мана шу ишққа бўлган садоқатнинг меваси каби юракдан тўкилади.

Яқинда нашр қилинган «Саодат довони» номли китобни ўқиб мана шундай хулосага келдим. Бу ҳажман салобатли тўпламнинг муаллифи жаннатмонанд Андижонимизнинг ардоқли фарзандларидан бири шоир Баҳодир Андижонийдир.

Ҳақиқатан ҳам, умр бўйи бошқа соҳаларда фаолият кўрсатиб келаётган Баҳодир аканинг қаламидан тўкилган ижод намуналари билан танишар эканман, бу инсон чақалоқлигидаёқ адабиёт уммонига чўмилтириб, пишиб-пишиб олинган бўлса керак деб ўйладим. Ниҳоят, шеърият руҳи билан чиниқиб кетган соғлом, пок ва гўзал туйғулар куйчиси сифатида кашф қилдим.

Шеърият мухлислари шоирнинг «Ишқ гулшани», «Умр зарварақлари», «Табассум кошонаси», «Туйғулар чашмаси» номли китоблари ҳамда газета ва журналларда чоп этилган шеърлари, таржималари, қатор долзарб мавзулардаги публицистик мақолалари билан аввалдан танишлар. Ушбу китоб эса янги ижод намуналари билан тўлдирилган ҳолдаги бир умрлик сараланган тўпламидир. Ундаги шеърлар мумтоз намуналардан тортиб замонавий услубнинг турли шаклларида ёзилганлиги билан ранг-баранглик касб этган. Айниқса, мумтоз шеъриятнинг таъсири яққол сезилиб турган шеърлари борки, улар Баҳодир аканинг, аввало, адабиётдаги анъанавийликни чуқур ҳис қила олиши, қолаверса, маҳорат билан қалам тебратишидан далолатдир.

*Дедим: асирингман, эй моҳитобон,
Деди: ишқ имтиҳон, ранжи беомон.*

Ҳазал шаклида ёзилган бу байтни ўқиб қарол Навоий бобомизнинг «Хамса»сидаги Хусрав ва Фарҳод диалоги эсингизга келади. Лекин шеърдаги диалог манфаатлари зид, дунёқараши тўғри келмайдиган шахслар эмас, балки севиш ва севилишда омадсизликка учраган ошиқ ва маъшуқа диалогидир.

*Дедим: шайдолигим қисмат экан-да,
Деди: сен кабилар юлдузли бесон!*

*Дедим: меҳринг насиб бўлгайму, эй шўх?!
Деди: орзу йўли эмасдир осон.*

*Дедим: эшитдимки, шайдоларинг кўп,
Деди: Турондан то мулки Хуросон!*

*Дедим: сафларида мен ҳам пайдоман!
Деди: қилгаймисан борингни қурбон?*

*Дедим: олгаймисан шул битта жоним?
Деди: қийноқларим зиндондан ёмон.*

*Дедим: қай масканда нурли қўналганг?
Деди: ҳар кимга сир этилмас аён.*

*Дедим: не тиларсан Андижонийдан?
Деди: бироз меҳр ҳам тоза виждон!*

Энди эътибор қилсак, Навоий диалогидидаги шакл, сиқиклик ва маънодорлик имкон даража-сида давом эттирилганки, асар охириги байтидаги Андижоний таҳаллуси олиб ташланса, мумтоз



шеърят намуналаридани бири сифатида қабул қилиниши ҳам мумкин. Лирик қаҳрамон шоирнинг ўзи, яъни ошиқ. Ошиқ бўлганда ҳам асир. Бу унинг қисмати. Мумтоз газаллардаги каби бу ошиқнинг ҳам агёрлари кўп, «юлдуздек бесон», Турондан то мулки Хуросонгача. Бу лирик қаҳрамон ҳам ҳамма ошиқлар каби ёр васли орзусида. Лекин маъшуқа огоҳлантирадики, унга етишиши мушкул. Бу билан мумтоз газалларнинг мазмуний йўналиши ўзига хос тарзда бадиий ифода этилган. Бу шеърда замонавийлик борми деган табиий савол тугилади. Газалнинг охириги байтида бунга жавоб бордай, яъни умидсиз қолган лирик қаҳрамон «не тиларсан Андижонийдан?» деб мурожаат этади. Маъшуқанинг жавобида, аниқроғи, талабида жуда муҳим бир ишора бор. Яъни бу замон одамидан меҳр ва тоза виждон талаб қилади. Шеърнинг кучи ва аҳамияти ҳам шунда. Шеърнинг ботиний жиҳатлари янада чуқур хулосалар чиқаришга ундайди. Биринчи сатрдаёқ маъшуқа «Эй моҳитобон» истиораси билан ифодаланган. Нур сочиб турувчи ойга қиёсланган сўнги байтларга бориб: «Қай масканда нурли қўналган?» – деб сўрайди. Маъшуқа эса сир бермайди. Лекин осмонда бўлган сирли бу маъшуқанинг кимлиги бандаларга аён. У бу замин одамларини комилликка ундаяпти. Бунинг учун ишқ йўлида риёзат чекиш керак деб огоҳлантиряпти, яъни «Ишқ имтиҳон, ранжи беомон», «Орзу йўлида эмасдир осон», «Қилгаймисан борингни қурбон?», «Қийноқларим зиндондан ёмон». Ҳақиқий ишқ йўлининг синовлари чиндан ҳам инсонни меҳрли ва тоза виждонли қилишга қодирдир. Англашиладики, лирик қаҳрамоннинг кўнгил кечинмаларини бериш шоирни кўпроқ қизиқтирган ва Навоий қўллаган бадиий шаклдан шу мақсадда фойдаланган.

Баҳодир Андижоний шеърларининг йўналиши бир қарашда оддий туюлса-да, лекин синчиклаб таҳлил қилинса, ундан юқоридагидек чуқур маънолар чиқиб келаверади. Баъзи шеърларда эса ҳис-туйғу шу қадар устуворлик қиладики, уларда инсон қалбининг ҳолатлари, дардлари сизни ҳам беихтиёр ҳамдардликка тортиб кетади. Мисол учун, «Етимхонадаги бола ноласи» шеърида «Ой онамдир, қуёш отам дейман-у, Улар узоқ, қўл етмасдир...», «Бошқаларни уйготса гар онаси, Мени армон уйготлади...» – дейди бола тилидан. Бу шеър ҳар қандай тошюрак одамнинг қалбини ларзага солиши шубҳасиз.

Тўпламдаги «Сенсиз», «Чидолмасман», «Кўрдим», «Шеър сеҳри», «Хаёлимда дилоромим», «Шоир огриги», «Соябон бўлсанг», «Кўнгли қаролар», «Дил дарди», «Урилдим қирғоқларга» каби яна кўплаб ижод намуналари борки, уларни ҳаяжонсиз ўқиб бўлмайди. Сиз улардан таъсирланасиз, гоҳ нафрат туйғуси, гоҳ муҳаббат туйғуси юрагингизни тўлқинлантириб юборади, мутолаага мойил этади.

Ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, шоирликка даъво қилинмайди, зеро, шеърнинг ўзи қўлига қалам тутган ҳар қандай ижодкорнинг шоир эканлигига кафолат беради. Баҳодир Андижонийнинг ушбу китоби ҳам муаллифга шундай шарафни бера олиши билан аҳамиятлидир.

Лекин адолат юзасидан тўпламдаги барча шеърлардан келиб чиқадиган хулоса сифатида шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, кўпчилик шоирларда бўлганидек, ҳақиқий шеърят талабига жавоб бера олишда муаллифнинг ўзини ҳам биров хижолатда қолдириб қўядиган ижод намуналари йўқ эмас.

Шеър юрак мулки, демак, ҳар бир сўз юракдан чиқиши керак. Бу ҳамма шоирлар биладиган оддий ҳақиқат. Ҳақиқат томонида туриб қалам тебратаётган ижодкорлар, аввало, юрак буюрганини ёзади. Баҳодир Андижоний ижодидаги камчилик сифатида қаралаётган шеърларнинг кўпчилигида дардли кўнгилнинг иштироки, уриб турган юракнинг қуввати камроқдек туюляпти. Яна шулар қаторида айрим сабабларга кўра шунчаки ёзиб қўйилган кундалик шеърлар ҳам борки, улардаги ортиқча кўтаринкилик, мадҳбозлик ҳаёт ҳақиқатидан йироқлаштириб қўйилгандек тасаввур уйғотади. Бу каби фикр-мулоҳазалар, албатта, танқидни ҳам самимий қабул қила оладиган ижодкорни ўзидаги масъулиятни янада оширишга ундайди деб ўйлайман. Қолаверса, Андижоний таҳаллуси жуда катта масъулият, чунки бу юрт – Бобурдек, Чўлпондек шоирларнинг бешиги. Шоир Баҳодир Андижоний буни чуқур ҳис қилган ҳолда қалам тебратмоқда деб ўйлайман.

У ёзади:

*Улсам, қўйиб бошимга китоб,
Шеърга ўраб кўмиб қўйинглар.*

Бу адабиётсиз, шеърятсиз яшай олмайдиган ҳақиқий қаламкашнинг васиятидир. Биз шоиримизга узоқ умр, боқий саломатлик тилаб, ундан янада юксак бадиият намуналарини кутиб қоламиз.



ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИҒА БАГИШЛАНГАН БУТОВОДАГИ ХАЛҚАРО АНЖУМАН

1937 йил 1 октябргача бўлган маълумотда ГУЛАГ лагерларида 20954 ўзбек бўлган, шундан Москва яқинидаги Дмитров лагериди (Москва-Волга канали қурилишида) 1923 ўзбек бўлган. Москва шаҳридан 15 километр узоқликдаги Бутово қатлгоҳида 20765 киши отилган, улардан 20 мингдан ортиги номма-ном аниқланган. Бу маҳбуслар 1933 – 1937 йилларда Москва-Волга канали қурилишида меҳнат қилганлар, Дмитров лагериди азоб-уқубатли ҳаёт кечирганлар. Улар орасида ўзбекистонликлар, жумладан, андижонликлар (Воҳидов Ваҳобжон, Дўсматов Абдусамат, Исомов Оташ, Холбеков Саттор (Абдусаттор), Шамсиев Миркомил, Сулаймонов Шайди ва бошқалар) бўлган.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва Москва ва Бутунроссия патриархи Алексий II 2007 йил 30 октябрда Бутово полигонига қадам ранжида қилган.

2015 йил 8 август куни Бутово полигони майдонида қатагон қурбонлари хотирасига бағишлаб Москва шаҳри, вилояти, Россия Федерацияси, собиқ Иттифоқнинг айрим республикалари вакиллари ва хориж дипломатик корпуслари ходимларининг бир қисми иштирокида Хотира боғи яратишга бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтган. Унда ўзбекистонлик вакиллар (проф. Р.Т.Шамсутдинов, т.ф.н. М.Акбарова, катта ўқитувчи Э.Р.Холмирзаев) ҳам қатнашган.

Қуйида Москва-Волга канали қурилишида ишлаётган ўзбекистонлик маҳбусларнинг меҳнат жараёнидан лавҳалар келтирилмоқда.



Дўсматов Абдусамат (Андижон округи, Асака)



Исомов Оташ (Андижон округи, Хужабод)



Холбеков Саттор (Абдусаттор) Андижон округи, Асака



Воҳидов Ваҳобжон(Андижон округи, Чинобод)



Шамсиев Миркомил (Андижон округи, Хужабод)

